



Савлабек КИСТАУБАЕВ

# ЭКОЛОГИЯ ВА ШАХС ТАРБИЯСИ



**САВЛАБЕК КИСТАУБАЕВ**

**ЭКОЛОГИЯ ВА ШАХС  
ТАРБИЯСИ**

ТОШКЕНТ  
«TAFAKKUR QANOTY»  
2013

УУК: 504.75

КБК: 20.1

К-31

*Абдулла Қодирий номли Жizzах давлат педагогика институтининг  
ишимий кенгаши томонидан нашр этишига тавсия қилинган.*

**Масъул мухаррир**

С. Мамашокиров – фалсафа фанлари доктори, профессор.

**Тақризчилар:**

Б. Очилова – фалсафа фанлари доктори, профессор.

Т. Қўйлиев – фалсафа фанлари номзоди, доцент.

**Кистаубаев, Савлабек**

**К-31 Экология ва шахс тарбияси / С. Кистаубаев.** – Тошкент: «Tafakkur qanoti», 2013. – 144 б.

УУК: 504.75

КБК: 20.1

Унбу монографияда экологик дунёкарашнинг ижтимоий-тарихий асослари, унинг шахс маънавий ҳаёти билан, миллий ва умумисоний қадриятлар билан боғлиқлиги масаласи, экологик дунёқараш парадигмаларининг ўзарини қонуниятлари ва тенденциялари ҳамда Экологик дунёқарашни ишакијлантаришнинг институционал тизимини такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.

Монография, мазкур йўналишда илмий тадқиқот олиб борувчи мутахассислар, аспирантлар, ижтимоий-гуманитар фан соҳаси вакиллари, талабалар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© С. Кистаубаев, 2013 й.

ISBN: 978-9943-382-74-9

© «Tafakkur qanoti» нашриёти, 2013 й.

## КИРИШ

Кишилик жамиятининг жадал тараққиёти, фан-техника, саноат ва қицлок хўжалигининг тез суръатларда ўсиши, ер юзи аҳолиси сонининг муттасил ортиб бориши табиат билан инсон ўргасидаги муносабатларни мураккаблаштириб юборганилиги ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳодиса табиат муҳофазаси, табиий ресурсларни асрар ва улардан оқилона фойдаланиш вазифаларини бутун инсоният олдида турган ва тезлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган асосий муаммога айлантириди. Ҳар қандай инсоний фаолият, шу жумладан, табиат билан муносабатлар инсонининг онги, тафаккури, акл-идроқи иштирокида содир бўлади. Щу маънода, экологик муаммоларнинг кескинлашуви ёки, аксинча, юмшashi, энг аввало, ушбу масалаларнинг кишилар томонидан қанчалик тушунилишига тўғридан-тўғри боғланиб кетади. Шу муносабат билан масаланинг кўплаб жиҳатлари, кирралари борлигини ҳамда уларнинг ҳар бири ўз ўрнига эгалигини эътироф этишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида: «Аҳоли тез купайиб бораётганилиги ва ер-сув ресурсларининг чекланганилиги бизга илм-фан асосида ишлайдиган ва кўп меҳнат таълаб киладиган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришдан, туб миллат ёшлиари ҳисобига саноатдаги ишчилар синфини ва инженер-техник ходимлар сафини жадал кенгайтиришдан бошқа йўл қолдирмаяпти. Саноатни ривожлантирмай туриб, миллий ва ижтимоий тараққиётга эришиб бўлмайди. Бу масалаларда аниқ тавсиялар берилиши керак»<sup>1</sup>, – дея таъкидлаб ўгади. Бу оса ҳозирги глобал экологик хавфсизликни таъминлапнинг

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 73–74- бетлар.

долзарб илмий томонига ургу бериш мумкинлигини кўрсатади, албатта.

Хозирги кунда дунё ҳамжамияти олдида турган муҳим масалалардан бири – глобал миқёсда инсон хавфсизлигининг муҳим йўналиши бўлган экологик хавфсизликни таъминлашдир. Бунинг учун инсон фаолиятининг барча йўналишларида шу мақсадни рўёбга чикариш соҳасида имкон борида қўлимиздан келган ишларнинг барчасини бажаришимиз зарур. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида: «Биздаги барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни англаб етганимизми? Хавфсизликка таҳдид солиб турган муаммоларга нимани қарпий кўя оламиз?.. Биз истикомат қилаётган монтакада жуғрофий-сиёсий мувозанатнинг сақланишига нималар кафолат бўла олади? Хавфсизликни қандай саклаб колиш мумкин?»<sup>1</sup> – деган саволлар кун тартибига қўйилган.

Экологик хавфсизлик миллий хавфсизликнинг асосий бўғини сифатида қаралар экан, у кундалик хаётимизнинг барча жабҳаларини ўз таъсир доирасига олади. Асосий Конунимизнинг 55- моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва хайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиkdir, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», – деб таъкидланган. Бинобарин, экологик хавфсизликни нафақат маҳаллий, балки миллий, монтакавий ва глобал миқёсда таъминлашга ҳар бир киши ҳисса қўшиши шарт. Зоро, глобал масштабда кескинлашашётган экологик ўзгаринилар инсон ва шахс маданияти ҳамда дунёқарашига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ушбу жараёнлар мантиғидан келиб чиқадиган бўлсак, экологик муаммолар ечимининг муваффакияти нафақат социал-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

иқтисодий, илмий-техникавий, демографик каби объектив омил ва шарт-шароитларга, шу билан бирга, экологик онгнинг даражаси, билим ва дунёқарааш ривожланганлик ҳолати – субъектив омиллар билан ҳам узвий боғлиқ. Шунга кўра, мамлакатимиз аҳолисининг экологик онги ва дунёқараашини ўзлуксиз юксалтириб бориш, йиллар давомида собик тузум давридан сақланиб қолган асоратлар – табиатга нооқилона муносабатда бўлиш каби ёндашувларни бартараф этишга доир кеңг кўламили вазифалар, чора-тадбирлар амалга опириб борилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов атроф мухитни муҳофаза қилиш, бой табиий ресурсларимиздан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиий мажмуаларимизни қайта тиклашга доимий эътибор бериб келмоқда. Юртимизда амалга опирилган экологик ўзгаришлар эса бунинг амалий ифодасидир.

Турли йигилиш ва анжуманларда экологик инқироз ҳакида гап кетганида, мисол тариқасида Орол фожиаси эсга олинади. Бу фожиа миллий ёки минтақавий муаммо эмас, балки глобал фалокат эканлиги ҳакида Президентимиз И. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-, 50-, 55- сессияларида, шунингдек, 2000 йилда ўtkazilgan BMtning Ming йиллик Саммитида шундек сўзлаб, бунга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратган эди.

Хусусан, Президентимиз Ислом Каримов: «Бу масалани... Орол фожиаси билан бевосита боғламоқдамизки, бу фожиа Чернобиль фожиасидан колишмайди. Ўрта Осиё минтақасининг демографик хусусиятларини ҳисобга олганда, унинг аҳолиси 2005 йилга бориб икки баробар кўнаяди ва 60 миллион кишидан ошиб кетади. Уларни қандай қилиб иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш мумкин?»<sup>1</sup> – дея таъкидлаган эди.

Узоқ йиллар давомида тазиик ва маънавий асоратда яшаган ҳалқнинг дунёқараашини, табиат ва жамиятга оқилона муносабати

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 203- б.

батини шакллантириш осон кечмайди, албатта. Бунинг учун халқимизнинг азалий маънавий қадриятларидан барча аҳолини ва, энг аввало, ўсиб келаётган авлодни баҳраманд этиш, долзарб экологик масалаларга доир назарий ва амалий масалаларни фундаментал тарзда таъдиқ этиш ҳамда уларнинг асосий мағзини оммабоп руҳда кишилар дунёқарашига сингдириш зарур. Бинобарий, Ўртбошимиз таъкидлаганлариdek, «табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озуқа беради, кучайтиради»<sup>1</sup>. Маънавиятли инсон ҳаётнинг барча қирраларига, унинг мавжудлигига асос бўлган табиат неъматларига онгли равишда, юксак инсоний бурч ҳамда масъулият асосида ёндашади.

Колаверса, мазкур муаммоларни инсоннинг ўзи вужудга келтирганлиги, унинг ечими ҳам яна ўзига (албатта, глобал рашида инсониятга) боғлик эканлигини, ҳар қандай катта вазифаларнинг ечими дастлаб кичик ишларни ҳал қилишдан бошлини тушуниш, бошкаларга қараб ўтирмасдан, қандайдир ишни ўзидан бошлаш керакдир, балки. Бу ҳам охир-оқибат инсон онги даражасига, маънавий дунёқарашига бориб тақалади. Шунга кўра, инсоннинг моҳияти бўлган маънавияти у яшаётган атроф муҳит билан бевосита боғлиқ эканлигини унутмаслик даркор<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 60- б.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараккиёт йўли. – Т., 1992. – 69- б.

# 1 БОБ. ШАХСНИНГ ЭКОЛОГИК ДУНЁҚАРАШИ ҚАРОР ТОПИШИ МАСАЛАСИННИГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

## 1. 1- 8. Экологик дунёқарааш шаклланишининг тариҳий-ретроспектив асослари

Шахснинг экологик тафаккур тарзи у яшаб турган миңтака-шинг табиий-географик иқлими, шарт-шароити, у мансуб бўлган миллат ёки халқнинг менталитети, турмуш мароми, тариҳи, урф-одати, эътиқоди, қолаверса, муайян жамиятда яшовчи киншиларнинг табиат тўғрисидаги дунёқараши ҳамда унга бўлган муносабатлари билан узвий боғлиқ.

Ана шу муносабатларнинг узаро боғликлиги ва таъсири боис шахсда экологик дунёқарааш шаклланган, бошқача айтганды, экологик дунёқарааш ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онгининг узаро алоқадорлигига намоён бўлган.

Мазкур муносабат инсоният тараққиётининг илк давларида шаклланган «Одам табиатга қулми ёки унинг хужайинми?» дилемасига бориб тақалади. Ана шу саволга жавоб киншиларнинг экологик онги қай даражада эканлигидан келиб чиқиб берилган. Албаттга, атоқли мутафаккирларнинг биринчи жавобнинг ҳам, иккинчи жавобнинг ҳам тўғрилигини исботловчи фикрларини истаганча келтириш мумкин. Қадимги қабилиларнинг кўпчилиги ўзларининг атроф мухитга бутунлай қарамлигини, яъни инсон табиатнинг қули эканлигини тан олишган ва уни илохийлаштиришган. Масалан, Инжилда Ер инсонга Яратувчи томонидан совға қилинганлиги ва инсон Ернинг хўжаси эканлигига ишора килувчи кўплаб таъкидлар манжуд.

Ибтидоий даврдаги уругчилик жамоаларида ўзларининг табиат билан бирлигини таъкидловчи «экологик тафаккури» мавжудлигини тасдиқловчи далиллар сакланиб қолган. Овчилик билан шугууланувчи қабилаларнинг ов ва балиқчилик даврини бузмасликлари, ҳайвонларнинг болаларини улдирмасликлари, истеъмол учун қанча ов маҳсулоти керак бўлса, шунча овлашлари бунинг исботидир. Табиий ресурслар сақланиб қолипшига ўша даврларда ҳам мавжуд бўлган ўзига хос микрозаповедниклар, яъни муқаддас деб ҳисобланган кўллар, дарёлар, булоқлар, ўсимликлар, балиқлар ва ҳайвонлар яшовчи жойларнинг борлиги ҳам сабаб бўлган. Бу эса тотемизм элементларини ўзида ифода этувчи қадимги экологик дунёқарашдир. Албатта, бу даврларда ҳозирги маънодаги экологик онг бўлмаган, улар ўзларининг табиат билан чамбарчас боғлиқлигини ҳозирги давр одамларидек англашмаган. Аммо ўша даврдаги, мисол учун, урганинг афсонавий бошловчилари ўтмишнинг акси сифатида, ўлимдан кейинги ҳаётнинг мавжудлиги ҳақидаги қарашлар келажак сифатида қабул килинган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, муқаддаслаштирилганлиги сабаб асрлар оша сақланиб келаётган булоқлар, ўрмонлар ёки табиатнинг бошқа бир ноёб қисмлари ҳимоя остига олинган худудлар сифатида қабул қилинини мумкин<sup>1</sup>.

Экологик онг ҳар қандай экологик дунёқарашнинг марказий элементи ҳисобланади. У эса, ўз навбатида, учта ўзига хос курсаткич билан характерланади:

1. Инсоннинг табиатдан қанчалик ажралиб турганлигини ёки, аксинча, у билан қанчалик жисслигини кўрсатувчи, кўпроқ унинг устунлигини «курсатишга» қаратилган руҳий-психологик қатлам. Аксарият ҳолларда инсоннинг антиэкологик хатти-ҳаракатларини «оклашга» хизмат қиласи.

<sup>1</sup> Эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликда Перуда дехкончилик билан шугууланувчи қабилалар гуано, яъни қушлар ахлатини ўсимликларга ўғит сифатида ишлатишни урганиб, икки баравар кўп ҳосил олишга эришишган. Шунинг учун гуано манбаи бўлган қушлар ўша даврдаги конунлар билан кўриқланган. (*Қаранг: Багандин Р. К., Бондарев Л. Г. Природа и цивилизация. – М.: Мысль, 1988. – 64-бет*)

2. Табиатнинг «объект ва субъект» сифатида қабул қилиниши. Бунда инсон табиатнинг ҳар қандай таъсирини қабул қилишга тайёр бўлган, аммо у ўзига хосликка эга бўлмаган пасив объект сифатида ёки ўзаро тенг таъсир субъекти сифатида қабул қилинади.

3. Бундай таъсир, айни ҳолда, «прагматик ва ионпрагматик» призма орқали ҳам қабул қилинади. Бунда одамнинг табиатга таъсири унинг озиқ-овкат, технологик ва ҳ. к. эҳтиёжларини қондира оладиган ёки қондира олмайдиган моддий қадрият сифатида ёхуд прагматик бўлмаган маънавий эҳтиёжларини қондирадиган қадриятлар сифатида белгиланади.

Кишиларнинг хозирги экологик онги, экологик дунёқарашини яхшироқ тушуниш учун унинг қандай босқичлардан ўтганлигини, турли даврларнинг экологик дунёқараши қандай характерда бўлганлигини англаш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга. Шу боис социогенез жараёнида инсон экологик онги ва дунёқаралии қандай тараккиёт босқичларидан ўтганлигини қисқача таҳлил қилиш максадга мувофиқ.

Тадқиқотчилар, олатда; экологик билимлар, яъни экологик дунёқарашиб ривожида саккизта босқич бўлганлигини таъкидлайдилар. Улар қуидагилардир:

*Биринчи босқич* (инсоннинг табиатдан ажралиб чиқишидан то эрамиздан олдинги III—I асрларча бўлган давр) – одамларнинг натурал ишлаб чиқариш босқичида ибтидоий даврдаги табиат ва унинг ҳодисалари тўғрисидаги содда қарашлари.

*Иккинчи босқич* (эрамиздан олдинги III—I асрлардан XIV асрларча бўлган давр) – антик деб аталган даврда яшаган олимлар томонидан, кейинчалик турғунлик саналган ўрта асрларда тўплланган табиат ҳақидаги қарашлар.

*Учинчи босқич* (уйғониш даври (XIV–XVIII асрлар) – шу пайтгача тўплланган жуда улкан фактологик материалларни янада бойитган буюк географик кашифётлар даврида уларни тизимлаштиришга интилиш.

*Тұрттынчи босқыч* (XVIII–XIX асрнинг бошлари) – ботаника, зоология, география фанлари ютуқтарининг экологик ғоялар пайдо булишига түрткі беріши, үсимликлар әзірлеудегі экологиясынинг мустакил фан сифатида пайдо булиши.

*Бешінчи босқыч* (XIX асрнинг бошидан 1866 йилгача булған давр) – эволюцион экологияның қарор топиши, экологик тадқиқтартылыштың чуқурлаштирилиши, экологик үзаро алоқа-дорликтарга әзірлеудегі күчайиши.

*Олтынчи босқыч* (1866 йилдан 1936 йилгача) – «экология» түшүнчесінинг илмий муомалага киритилиши, аутоэкологик үйнәлиштегі тадқиқтартылыштың, атроф мухит омыллары үзгаришига мөс равишда турлар табиий жамланмасы үзгаришиң қайд этилиши, яғни факторал аутоэкологияның пайдо булиши.

*Еттінчи босқыч* (XX асрнинг 40–70- йиллари) – табиий тизимларни үрганишга комплекс ёндашувнинг қарор топиши. Умумий экологияның мустакил, фундаментал биологик фан сифатида қарор топиши. Синэкологик үйнәлиштегі модда ва энергия алмашинуви жараёндарини үрганишда миқдорий усулларнинг, математик моделлештириш усулининг кучайиши.

*Саккизинчи босқыч* (XX асрнинг 80- йилларидан ҳозирға қадар) – илм-ғаннинг «экологиялашуві», инсон омылларының әзірлеудегі олувчи экологик илмлар мажмuinнинг таркиб топиши, асосий усул сифатида системавий таҳлилнинг устуверлікка әришиши. Ұзок давом этувчи ва ер усти, мінтакавий, глобал даражаларда экологик мониторингнинг амалға оширилиши.

Энди әса шу босқычларни бошқачароқ – инсон әзірлеудегі табиаттың бир-бирига «бегоналашуві» нұқтаи назаридан таснифлаш ҳамда уларнинг хусусиятларини таҳлил этиш мүмкін:

**1. Архаик даврга хос экологик дүнәқарааш.** Бу инсон әзірлеудегі табиаттың үргасидегі муносабатларнинг илк даври булған. У ибтидоий инсоннинг табиатдан үзини ажратмаганлығы, үзини табиатнинг бир кисми деб ҳисоблаши билан ажралиб туради. Бу

Одамнинг максимал даражада табиатга боғланганлиги, юкорида кўрсатилган биринчи белгига кўра, инсоннинг психологик жиҳатдан табиат билан жисплигини характерлайди. Архаик даврдаги экологик онг субъект ва объект, моддийлик ва руҳийлик, сабаб ва оқибат ҳамда шу кабиларни ҳали бир-биридан ажратолмайдиган ҳолда бўлган. Шунинг учун ибтидоий одам табиий муҳитдаги нарса ва ҳодисалар ҳам худди унга үхшаш хусусиятларга эга деб тушунган. Масалан, ўз ҳаётининг кўн қисмини ҳали ўз ибтидоийлигини йўқотмаган қабилалар орасида ўтказган. В. Р. Арсеньевнинг фикрига кўра, архаик онг ўрмон ёки ҳайвонлар турмуш тарзини худди одамлар турмуш тарзига үхшаш ҳолда кўради, уларга ўзларининг ижобий ёки салбий сифатларини кўчиради: табиат нарса ва ҳодисалари ҳам худди одамлар каби – улардан яхшироқ, ёмонроқ, адолатлироқ, адолатсизроқ ва ҳоказо.

Моҳиятан олганда, ибтидоий одам учун унинг атрофидаги табиий муҳит нарса ва ҳодисалари «бошқача қиёфадаги одамлардир». Демак, шундай экан, инсон ва табиат ўртасида принципиал жиҳатдан фарқ ва чегара йўқ. Худди шу ҳолат экологик онгнинг иккинчи хусусияти – архаик онгнинг табиат дунёсини субъект сифатида қабул қилиши (янада аникроқ айтиладиган бўлса, ҳали бу муносабатларнинг субъект–объект муносабатларига ажralмаганлиги)ни кўрсатади.

Архаик даврдаги кишиларнинг табиатта муносабати ўзининг прагматик характеристики билан ажралиб туради, чунки унинг исосий мақсади урганинг жисмоний жиҳатдан яшашини таъминлашдан иборат. Айни пайтда, ибтидоий одам учун табиат нафақат «душманона муҳит», балки, шу билан бирга, «кадр-дон уй» ҳамдир.

Уруғ нафақат жисмонан, балки руҳан табиат билан уйғунлашиб кетган. Шунинг учун архаик даврга хос экологик онгда прагматик элемент билан бир қаторда прагматик бўлмаган элемент ҳам мавжуд.

Аста-секинлик билан жамоавий яшаш тарзининг ривожи, онгнинг ўсиши ва табиатдан мустақилликнинг оша бориши инсондаги табиат билан психологик (рухий) бирликнинг емирилишига олиб келди. Яъни аста-секинлик билан табиатга инсондан ташқарида амал қилувчи, ундан мустакил ва унга қарши булған ҳодиса сифатида қарала бошланди. Бундай бегоналашув бир неча босқичда содир бўлган.

Биринчи босқичда ибтидоий одамнинг табиат ҳодисалари сабабини қидиришга интилиши дунёдаги табиий жараёнларни бошқаришга масъул бўлган бошқа руҳлар тўғрисидаги (дараҳт руҳи, ўрмон руҳи, дарё руҳи) дунёнинг анимистик сурати шаклланади. Энди асосий нарса табиат билан муносабат эмас, балки маҳсус удумлар воситасида ана шу руҳлар билан яхши муносабат ўрнатиш бўлиб қолади, чунки улар одамларга яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам килиши мумкин. Аста-секинлик билан ана шу руҳлар ҳакидаги қарашлар худолар ҳакидаги қарашларга айланган. Бу даврда худо билан табиат бир-бирига тенгдир, яъни табиат худонинг ўзидир.

Ўтроқ яшаш тарзига ўтиш инсониятнинг табиатдан бегоналашувида ўзига хос роль ўйнаган. Ижтимоий онгнинг ривожи инсоннинг ўз эътиборини табиатга эмас, ўзига қаратишига олиб келди: дикқат марказига уруғчилик ва оиласи муносабатлар кўйилди. «Бизники-бегона» муносабатлари катта роль ўйнай бошлади: бизнинг оламда қаҳрамон, баходир бор, бегона оламда аждар, илон ва кўркинчли маҳлуклар мавжуд.

Дехқончилик ва чорвачилик билан шугуулланувчи дастлабки одамлар назарида, табиат бир-бирига тенг бўлмаган икки қисмга бўлинган: бир томондан, эҳтиёткор муносабатда булишни ва меҳнатни талаб этувчи ўзиники, фойдали, яхши хисобланган қисм; иккинчи томондан, ўзиники бўлмаган, бегона, хавфли ва шу сабабли қарши турилиши зарур бўлган қисм. Албатта, бундай булиниш бирданига юзага келмаган. Бу бир неча минг йиллар мобайнида табиатнинг ўзлантирилиши, ландшафтларининг ўзгариши, маданийлашгани ерларнинг пай-

до булиши билан «ёввойи» ва «маданийлашган» табиат кисмларининг беихтиёр бир-бирига қарама-қарши қўйилишидир. Чорва билан шуғулланувчи киши ёввойи хайвонларни «фойдани» ва «заарали»га ажратган ва уларга шунга мувофиқ муносабатда бўлган. Чорвани йўқотувчи, яъни одамнинг мулкига «кўз олайтирувчи» ёввойи хайвонлар «заарали»лар қаторига кирган. Дехқончиликда ҳам ёввойи ўтлар, заарали ўсимликлар ва хосилга зарар етказувчилар шу категорияга киритилган ҳамда уларни шафкатсизлик билан йўқотишга ҳаракат килинган. Чунки мақсадга эришиш учун барча усуллар яхши! Булар исолит даври инқилобининг «экологик соя»ларидир.

**2. Антик даврга хос экологик дунёқарааш.** Бу даврда табиат худолар томонидан яратилганлиги ҳақидаги қарашлар пайдо бўлди<sup>1</sup>. Энди худолар антроморф, яъни инсоний хусусиятларга эга бўлади. Масалан, грек пантеони худолари: Зевс, Афродита, Аполлон, Прометей, Гефест ва бошқалар кишиларга олов олиб беришади, металл ишлапшади ва... инсоннинг табиатни бўйсундиришга бўлган интилишини акс эттиришади. Бу давр карашида табиат ҳам, инсонлар ҳам худолар томонидан яратилгани учун улар худолар олдида тентдир, айни пайтли, улар бир-бирига бегона. Табиат ҳам ўз рухига, жонига эга (масалан, Аристотель фикрича, юлдузлар ҳам жонлидирлар), иммо уларнинг жони инсонникидан кўра «сифатсизроқ»дир.

Бу давр қарапларида инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатлари классик кўринишдаги микрокосмос ва макрокосмос муносабатларда акс этган. Космологик маданият инсон ва табиатнинг бирлиги ғоясини илгари суради. Оlam тугалланган ва стук бўлиб, ўз ичидагармонияга эришган кўплаб табиий элементларни қамраб олади. Қадимги грек файласуфлари «космос» тушунчасида инсон аклига тушунарли бўлган табиатни

<sup>1</sup> Айтиб ўтиш керакки, табиатдан бегоналашувнинг архаик ва антик даврда ажратилиши Европа маданиятига тааллукли. Миср, Икки дарё оравини учун даврларга ажратиш характерли эмас, уларда бундай бегоналашувнинг илгарироқ содир бўлган.

акс эттиришган. Бунда космос хаос (тартибсизлик)ка қарши қўйилган. «Микрокосмос» (яъни «инсон – бу кичик дунё») тушунчаси илк бор қадимги грек фалласуфи Демокритнинг қарашларида учрайди<sup>1</sup>. Ақлли одам ўз ҳаётида табиат, коинот билан мувофиқликда яшashi лозим. Кўриниб турибдики, антик давр онгига инсон ва табиатни бир-бирига қарма-қарши қўйиш бўлмаган. Эпикурчилар фикрича, инсон қанчалик табиий яшаса, у шунчалик табиатга яқин бўлади; одамнинг танаси табиатга тегишли. Стоиклар эса ақлли одамлар табиат билан жисп боғланган бўладилар, чунки табиатда табиий ақл мавжуд деб ҳисоблашган.

Антик даврда нафақат табиат ҳакидаги тасаввурлар, балки унга бўлган муносабат ҳам ўзгаради. Бу даврдаги экологик дунёқарашда табиат билан нопрагматик муносабат характерлидир: антик инсон учун табиат нафақат моддий, шу билан бирга, руҳий қадрият ҳамдир. Табиат гармония (етуклик)нинг намунаси, тимсоли сифатида амал қиласди, инсон кундалик ҳаётида унга таклид қилиши керак. Табиатнинг гўзаллиги, муқаммаллиги антик адабиётнинг энг кепг тарқалган мавзуларидан бири бўлиб қолди. Бу даврда табиатни илмий жиҳатдан билишга интилиш бошланади, у ўрганиш объектига айланади. Уларнинг бир-биридан ажратилиши Урта асрларга келиб бир-бирига кескин қарши қўйилишига асос бўлиб хизмат қилди.

**3. Урта асрларга хос экологик дунёқараш.** Инсоннинг табиатдан бегоналайувининг мазкур учинчи босқичи монотеистик диннинг, хусусан, насронийликнинг пайдо бўлиши билан янада кучайди. Бунда дунёнинг барча нарса ва ҳодисалари иерархик тартибда жойлашган. Барчасининг тенасида оламнинг яратувчиси – Худо туради. Аврелий Августин бу ҳолатни ўзининг «О Граде Божием» асарида шундай ифодалаган эди: «...тирик нарса тирик эмаслигидан, туғиш ва истакка қодир нарса бундай хислатга эга бўлмаганидан тепада жойлашган.

<sup>1</sup> Қаранг: Гуманистические воспитательные системы вчера и сегодня / Под общ. ред. Н. Л. Селивановой. – М.: Пед. об-во России, 1998. – С. 336

Худони одамлар ҳайвонлардан юқори бўлгани каби, ҳиссиятга оған бўлганларнинг ақлилари ақлга эга бўлмаганлардан юқори туради. Фаришталар одамлардан юқори тургани каби оғизлар орасидаги бархаётлар ўлимга юз тутувчилардан тенгиз турипади. Буларнинг барчаси табиатдаги тартибга мос равишда бири бошқасининг устига жойлашади». Қисқаси, инсонга табиатнинг қарама-қаршилиги Худонинг иродаси билан белгиланган.

Инсон Ердаги жонзорлар пирамидасининг тенасига қўйилаш ва унга бошқаларни киға ўхшамайдиган хислат – номоддий илоҳий рух (жон) ато этилади. Табиат инсонга хизмат килишга чиқирилган ва худди шу нуқтаи назардан, яъни инсонга хизмати нуқтаи назаридангина қандайдир қизикиш уйғотиши ва ўрганилиши мумкин. Яъни у ўзининг мустакил мазмунига эмас, инсон учун аҳамиятга эга бўлгани учунгина, унга фойдали ёки ширарли бўлгани учунгина тегишли мазмунига эга, у объект, холос.

Урта асрларга хос экологик дунёқараашда антик даврдаги лек табиатга маҳлиё бўлиш, унинг гўзаллигидан ҳузурланиш (евдемонизм ва гедонизм) инкор этилди ва табиат инсон учун факат истеъмолчилик, прагматик аҳамиятга эга бўлиб қолди – уларнинг барчаси инсон учун «хом ашё»дир.

«Инжил»да юкоридаги фикрлар қўйидаги тарзда баён килинган: «Яна Худо: «Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш одамни яратайлик. У дениздаги баликлар, кўк юзидағи паррандалар, чорвалар, ҳа, бутун ер юзи ва ерда ҳаракат қилувчи барча маҳлукот устидан ҳокимлик қилсин» (Ибтидо. 1 : 26)<sup>1</sup>... Ердаги ҳамма ҳайвонлар, осмондаги барча паррандалар, бутун ер юзида ҳаракат қилувчи маҳлуклар ва бутун дениздаги баликлар сизлардан қўрқиб, даҳшатга тушадилар... Яшаётган ҳар бир жонивор сизлар учун емиш бўлади... (Ибтидо. 9 : 3,4)<sup>2</sup> Шундай қилиб, насронийлик инсоннинг табиатдан бегонала-

<sup>1</sup> Инжил. – Т., 1996. – 616–617- бетлар.

<sup>2</sup> Ўша манба. – 629- бет.

шувига диний шаклда якун ясади. Уйғониш даври маданиятида антик давр ва илк насронийликка қайтиш күзатилди. Дунёниң марказига инсон күйилди. Уйғониш даври инсонни диний карашлардан озод қилишіга инилиб, уни табиат устидан ҳоким даражасига күтариб күйди. Бундай қараңыш эса табиат устидан хұжайнілік қилиш дунёқарашины ўрнатып, табиатта хозирга-ча давом этаётган кучли босимни оқлашға хизмат қилди. Антропоцентризм дунёқараши таркиб топди, унда инсон билиш ва амалий фаолиятнинг марказий элементига айлантирилди. Инсон дунё марказига қўйилиб, табиат унга хизмат қилувчи фон ролини ўйнай бошлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтганда, атроф мұхитта ундағы ўзгариштар характери, албатта, кишиларнинг маънавий қадриятлари, дунёқараши, психологиясига ўз таъсирини үтказған. Бөлпек айтганда, факат биологик мәхсүлот олиш мақсадида фаолият курсатышға мүлжалланған сунъий экотизимлар инсоннинг табиатта зарап етказишига олиб келган. Яъни катта булмаган ҳудудлардаги табиий ресурслар локал даражада қайта тикланса-да, у миңтақавий даражада табиий мұхитдаги (тупроқ, ер ости сувлари каби) ресурсларнинг тобора камбағаллаша ва бузила боришига сабаб бўлган. Шу сабабли деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожи ижтимоий таракқиётга кўмак берган бўлса-да, умуман олганда, табиий мұхитнинг тобора ошиб борувчи бузилишини такозо қилган. Бу ҳолатнинг «истеъмолчи одам» нұқтаи назаридан ҳеч қандай ёмонлиги йўқ: семиз чорва моллари етиштирилаётган бир пайтда босиб ташланған ва ифлосланған яйловларнинг бўлиши, серсув ўтга тўла яйловлар ортиб-ошиб турганида озроқ ифлосланған майдонларнинг вужудга келиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас деган стереотип шаклланган.

Шундан сўнг жамоавий яшаш тарзи ўрнига аста-секин ижтимоий тенгсизликка таянувчи жамият босқичи, давлатчиликка асосланувчи тартибот пайдо бўлди. Аста-секин патри-

архил оила ўрнига жамоалар, қулчиликка асосланувчи жамият  
шаги келди ва бу ҳолат давр экологик дунёқарашида ҳам ўз  
исини топди.

**4. Янги даврга хос экологик дунёқараши.** Янги даврда ин-  
сон билан табиат ўртасидаги бегоналашув ўзининг илмий тас-  
лигини топди. Бунда XVII асрда Декарт асос солган картезиан-  
лик фалсафаси катта роль ўйнади. Унда инсон субъект, табиат  
шаги унга берилган ва унинг барча истакларини бажариб, тур-  
ли шаклларга кирадиган объект сифатида қаралади. Юкорида  
тилга олинган уч характерли хусусиятнинг биринчисига кўра,  
инсон ва табиат психологик жиҳатдан бир-бирига абсолют  
даражада қарама-қарши кўйилади. Картезианлик фалсафаси  
инсон аклининг абсолют қадрият эканлигини, унинг субъек-  
тивлигини қатъий равишда тасдиклади, табиат нарса ва ходи-  
слари инсон каби ўз ички дунёларига эга бўлмаганларни,  
фақат машина бўлганларни сабабли уларнинг қадрияти бир  
иша баробар пастdir. Табиат инсонга хизмат қилиши зарур.  
Шундай бўлгач, хайвонларни бўлакларга ажратиш соатни ме-  
ханизмларга ажратишдан фарқ қilmайдi. Табиат инсоннинг  
билиш фаолиятига хизмат қилиши керак. Илгари ана шундай  
муносабатларда пайдо бўлувчи ҳар қандай ахлоқий муаммо-  
ларга кескин чек қўйилди. Реал ҳётда бу ҳол инсон ва табиат-  
нинг бир-бирига абсолют равишда қарама-қарши қўйилишига,  
табиатга соғ прагматик ёндашувнинг хосил бўлишига, ҳётда  
экологик инқирозларнинг юзага келишига туртки берди.

Юкорида тилга олинган уч хусусиятнинг иккинчисига кўра,  
картезианлик дунёқарашида табиатга фақат объект сифатида  
қаралади. Ана шу белгиларнинг учинчисига кура, «инсон та-  
биат устидан подшохлик килади», яъни картезианлик инсон  
табиат устидан ҳокимдир, унга бунда кашф этилаётган турли  
техник воситалар ёрдам беради деб ҳисоблайди.

Жуда галати бўлиб кўринса-да, янги давр илм-фани насрой-  
лийлик дини ўзида мужассам этган ғояни, яъни инсон Худо-

ёрлақаган мавжудотлиги ҳамда табиат унга хизмат қилиши лозимлиги ҳақидаги ғояни мустаҳкамлади. Бу билан инсоннинг табиатдан бегоналашуви йўлидаги охирги қадам қўйилди; табиат ўз-ўзича ҳеч қандай қадриятга эга эмас ва у илмий билим ва тараққиёт йўлида ҳар қандай амалларни бажариш мумкин бўлган обьектдир. «Инжил»нинг обру-эътибори илм-фанинг обру-эътибори билан мустаҳкамланди. Улар ҳаётда қандай қарама-қарши бўлишига қарамай, бу масалада бирлаша оиди. Табиатдан бегоналашув йўлидаги мана шу тўртинчи боскич экологик инқироз йўлидаги илк қадам бўлиб қолди. Бундан кейинги боскичлар эса «Янги экологик дунёқараш», «Инварионментал концервационизм», «Рус космизми ёки ноосфера ҳақидаги таълимот» ва бошқа номлар остида бизга яхши маълум.

Бу муаммо Шарқ фалсафасида бошқачароқ намоён бўлган, хусусан, Ибн Холдуннинг фикрларини «стандартлашган» таълимот сифатида кўрсатиш мумкин. Унинг фикрича, табиат тартибга солинган ва камолотга етган бўлиб, унда сабаблар оқибат билан бөглиқ. Коинотдаги мавжудот коинот билан бирлашади, мавжуд нарсалар бир ҳолатдан бошқасига ўтади, унинг ажойиботлари чексиз ва унга чегара йўқ. Инсон эса табиатга ажратиб бўлмас даражада бөглиқ. Табиий муҳитнинг ҳаво ҳарорати ва иқлим шароити унга катта таъсир ўтказади. Бошқа томондан, инсон – ижтимоий-сиёсий мавжудот, у бирлашишга эҳтиёж сезади, яъни инсон бошқаларсиз ўзини боқини, ҳимоя қилиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳамкорлик инсон зоти учун обьектив-тарихий заруриятдир. Инсон ва табиат ўргасидаги яқин алоқа натижасида унинг ички ҳолати ташки кўринишида ўз аксини топади. Умумлаштириб айтганда, «авлоднинг қандай шароитда яшапи, уларнинг яшаш воситалари ни қай тарзда, қандай усулда топиши билан фаркланади» деган ғоя Ибн Холдун фалсафий қарашининг асосларидан бири ҳисобланади. Холдуннинг бу қарашлари қадимги Грекиядаги эникурчилар ва стоикларнинг «инсон табиатнинг таркибий

кесми – «микрокосмос» деган ғояларини ривожлантириб, янги босқичга олиб чиққанлигини күрсатади<sup>1</sup>.

**5. Ҳозирги даврга хос экологик дунёқарааш.** XX асрнинг сунити чорагидан бошлаб инсоният кучли антропоген босимларга дош бера олмаслигини, унинг табий имкониятлари күрсатилаётган босимлардан бир неча баробар камлигини англаб олдилар. Уларни тушуниш учун инсоният, энг аввало, ўзининг табий-илмий тафаккурига, фалсафий, диний ва бошқа дунёқараашнiga мурожаат қилмоқда. Бунга мисол сифатида АҚШ худудида таркиб топган «инвайронментализм» ғоясига эътибор каратамиз. Америка қашф этилиб, уни ўзлаштириш бошланғапида ҳудудлар гўёки чексиз кўринган булса-да, XIX аср ўрганида эркин ер майдонлари тугаб қолди. Бу «илк экологик инқироз» эди. Ушбу инқироз мазмунини англаш жараёнида табий муҳит билан янгича ўзаро муносабатлар куриш зарурлиги тушуниб олинди. Антропоцентрик экологик онг боши берк кучага олиб киришининг англаб олингандиги ҳозирги пайтда «Америка инвайронментализми» номини олган умумназарий дунёқарааш таркиб топшишига туртки берди. Унинг диққат марқапида жамият ва ташқи табий муҳитнинг ўзаро муносабатлари ётади. Бу нуқтаи назарга кўра, инсон ҳар қанча ўзига хосликлар, кайтарилимас ноёб хислатлар ва мазмун-моҳиятга эга булишига қарамай, барибир, ер юзида яшаётган жониворлар турининг биттаси, холос. У нафақат ижтимоий муҳитда, балки табий муҳитда ҳам яшашга мажбур ва унинг учун экологик концепциятлар бирламчи аҳамиятта эга. Шунинг учун у табиат концепцияларига бўйсуниши, уларга мос равишда ва уларга бўйсунуб яшани лозим<sup>2</sup>.

Худди шу каби, Н. И. Вернадский ва бошқа атоқли рус индиқотчилари Ер табиатнинг ягона биосферасини ташкил этиши, бунда инсоният ҳам ўсимлик ва ҳайвонот дунёси

<sup>1</sup> Карап: Мамашокиров С. Вахимами ёки хақиқат? – Т.: Иктисад-молия, 2012.

19-6

<sup>2</sup> Карап: Науменко О. А. Инвайронментализм: истоки и ценностные ориентации. Автореф. на соиск. к. ф. н. – Т., 2012.

каби унинг таркибий қисмларидан бири эканлиги, табиатдан устунлик, аслида, унинг қонууларига бўйсунини англатиши ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилди. Техника ва технологиялар фақат табиат қонууларига монанд бўлсагина, инсониятнинг келажаги таъминланиши, ишлаб чиқариш жараёнлари ва жўлами табиий чегаралардан чиқиб кетмасагина, инсоният Ерда яшай олиши мумкинлиги гояси катта куч билан таъкидланди.

Бу даврнинг асосий хусусияти биосферани ва технологияни инсонпарварлаштириш янги боскичга кўтарилиганлиги билан характерланади. М. А. Кузнецовнинг фикрига кўра, техноген цивилизация натижаларини баҳолап мезонларида экологик маданият ва унинг таркибий қисми – экологик ахлоқ устуворлашмоқда<sup>1</sup>.

Фикримизча, экологик дунёқарашнинг асоси ва мазмуни фақатгина «инсон ва инсон», «инсон ва табиат», «жамият ва табиат» ўртасидаги сабабий боғланишларга асосланувчи кундалик майший фаолият доирасидаги муносабатларнинг ифодасидангина иборат эмас, балки умумий характердаги маънавий қадриятларни инсоният истиқболлари, манфаатлари асосида назарий муниципалитеттириш эҳтиёжларида ҳамdir. Шахс экологик дунёқарашининг шаклланишида инсоният тарихи давомида юзага келган, айниқса, Шарқ ҳалқлари тарихида алоҳида ўрин туттган афсона, ривоят, асотир, эртак, масал, қўшиқ, дostonлар алоҳида ўрин туттган. Шунингдек, тарихий манбалар, диний-маърифий ҳамда аждодлар тафаккурининг ҳаётбахш неъматлари бўлган илмий ва бадиий асарлар мустаҳкам назарий ҳамда амалий асос бўлган ва улар ҳамон ушбу вазифани бажариб келмоқда.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, табиатга оқилона муносабат Шарқ ҳалқлари тарихида ўзига хос хусусиятларга эга. Бунга

<sup>1</sup> Карап: Кузнецов М. А. Экологическая культура как фактор выживания человечества. / История взаимодействия общества и природы: факты и концепции. Тезисы (конф., Москва, декабрь 1990)/ АН СССР. Комиссия АН СССР по проблемам экологии. Ин-т естествознания и техники и др. / М. Часть I. – С. 61–63.

кескин табиий муҳит, табиий ресурсларнинг жуда оғир қул меҳнати эвазига олиниши каби объектив омиллар таъсир курсанган. Мазкур халқларнинг табиий ҳодисаларга бўлган диний қарашларини, тасаввурларини ўзида ифодалаган «Авесто», Куръони Карим каби муқаддас китоблардаги баъзи маълумотлар бундан яққол далолат беради.

Масалан, «Авесто»нинг (35–42- гатлар) ўн учинчи бўлим 16- бандида қуидаги фикрлар қайд этилган: «Сувлар, заминлар ва гиёхларни олқишлиймиз. Манзиллар, қишлоқлар, яйловлар, хонумонлар, сувлоқларни олқишлиймиз»<sup>1</sup>. Шунингдек, бу муқаддас китобда инсон нафақат ўзи яшаётган табиий муҳитга, балки ундаги турли-туман жонзотларга ҳам меҳр-муҳаббатли бўлишга даъват этилган. Хусусан, Зардушт «Авесто»да: «Инсон ҳайвон боласини ўз фарзандлариdek тарбияласагина, яйловларнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берган тақдирдагина, деҳқончилик ва сугориш ишларида иштиёқ билан меҳнат қиласгина, меҳнат маъбудаси АрдовсурАнахитанинг иноятига ионл бўлгусидир»<sup>2</sup>, – деб таълим беради. Ушбу манбада Марқазий Осиё ва қўшни мамлакатлар табиий ресурслари, ҳайвонот ҳамда ўсимликлар дунёси ҳақида анчагина кенг маълумотлар берилади<sup>3</sup>.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ўтмиш аждодларимиз дунёқарashi, ижтимоий тафаккурида экологик онг ва маданиятнинг баъзи муҳим жиҳатлари ўша даврдаёқ шаклланган, гарчи содда, диний характерда бўлса-да, атроф муҳит мусаффолиги, табиат неъматларига оқилона муносабатларининг давр руҳига хос жиҳатлари узок даврлардаёқ таркиб тонга бошлаган. Айникса, минтақамиз халқлари орасида ислом динининг кенг ёйилиши, унинг асосий манбай бўлган Куръо-

<sup>1</sup> Авесто. – Т.: Шарқ, 2001. – 87- 6.

<sup>2</sup> Қаранг: Ҳасанов С. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 45- 6.

<sup>3</sup> Собироев У. Экологик маданият шакланиши тарихидан. //«Экология хабономаси». №3, 2005. – 17-6.

ни Карим ва Ҳадиси Шарифдаги ақидалар асосида инсоннинг табийатта муносабатидаги оташнарастликка хос хислатлардан исломий характерда и имон-эътиқод, диёнат ва илоҳиёт билан боғлиқ тамойиллар юзага келган.

Исломда экология муаммоларига, шу жумладан, табий ресурслар масаласига алоҳида эътибор берилган. Масалан, Куръондаги «Фуркон» сурасининг 2- оятида: «Аллоҳ ҳамма нарсани яратди ва ўлчовини мукаммал қилди»<sup>1</sup>, – дейилади. Яъни дунёдаги ҳар бир нарса – сув ҳам, тупрок ҳам, ҳаво ҳам, ҳайвонот олами ҳам, набобат олами ҳам Аллоҳ Таоло томонидан муайян ўлчов билан бир-бирига ўзаро боғлиқ қилиб яратилган. Агарда бу мувозанат бузиладиган бўлса, табиат учун, қолаверса, инсон учун ҳам жиддий муаммолар келиб чиқиши эҳтимоли нихоятда катта.

Аллоҳ Таоло илохий китобларида инсонни улуғлаб, унга табиатни асраб-авайлаш, унинг неъматларидан баҳраманд булиш, ударни нобуд қиласдан, эзгу мақсадларда ишлатишни амр этган. «Аърафа сураси»нинг 56- оятида: «Обод қилиб қўйилган Ер юзида бузғунчилик қилманг»<sup>2</sup>, – деб амр қилинган. Бу тъкидлар инсонни табиат ва унинг неъматларига нисбатан оқилона муносабатда бўлишга чақиради. Табиат мусаффолигини саклашга дахлдор масалаларга алоҳида ургу берилганлиги эса шахс экологик онги, тафаккури ҳамда дунёқаранининг шаклланишида мухим ўрин тутади. Шунингдек, Абу Абдуллоҳ Мұхаммад Ибн Исмоил ал-Бухорий «Ал-Жомеъ ас-саҳих» («Ишонарли тўплам») номли ҳадислар тўпламида табиат ва унинг неъматлари ҳақида, табиат инъомларининг инсон учун яратилгаялиги ва улардан оқилона фойдаланиш, кучат экиш, ер ҳайдаш ва ижарага бериш, ўлик ери шакллантириш, сув, ов ва овга таҳсин айтиш ҳақида ёзганлар. Жумладан, унинг «Ал-Адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари») асаридағи 482- ҳадисда: «Эй Аллоҳ, ернинг бойлигидан ризқимизни бер!

<sup>1</sup> Куръони Карим. Маъноларининг таржимаси. – Т., 2001. – 359- б.

<sup>2</sup> Ўша китоб. – 157- б.

Лашнинг мада<sup>1</sup> ва саъларимизга барокат бер»<sup>2</sup>, – деб сўраганларини эшитик», – дейилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, исломий маърифат, унинг илохий манбаларидағи ўгитлар минтақамизда яшовчӣ ҳар бир ишқодли, имонли кишилар қалбига яқин бўлиб, уларда табиатни ўзозлашга масъулият туйғусини кучайтириш билан бир каторда, кишилар экологик дунёқарашини тобора такомилаштириш, уларни ҳар бир шахс руҳиятига узлуксиз сингдириб боришга ҳам маънан рағбат беради. Бу ғоялар ўз даврида шигензм фалсафасида ҳам ўз ифодасини топган. Яъни табиат ходисалари ҳақидаги тушунчалар, инсон билан табиат ўртасидаги узаро боғлиқлик ва табиатга шафқатсиз муносабатда бўлмислик масалалари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Заҳириддин Муҳаммад йобоур каби алломаларнинг асарларида баён этилган. Айниқса, Форобийнинг қарашларида инсоннинг ҳар бир нарсага меъёр билан ёндашиш, табиатга меҳр инсоннинг ўзига хос фазилати ҳамда бахтга эришишнинг мукаммал йўли сифатида талқин килинади. Хусусан, Форобийнинг: «Бахтга эришишнинг бирдан бир йўли эзгу ишларни яхши ниятлар билан бажариш ва фазилатли амалларга таяниш билан разолат ва бахтсизлик кечиб чиқариши мумкин бўлган ишлардан ўзини тия билишдайдир»<sup>3</sup>, – дея уқтирган эзгу фикрлари замирида ўзини ўраб турган атроф мухитга<sup>4</sup>, табиатга ўзгача меҳр ва ихлос билан муносабатда булиш турганлиги ҳам сир эмас.

Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Райҳон Берунийнинг «Масуд Конунлари» ҳамда «Геодезия» асарларида шахс экологик дунёқарашини бойитишга хизмат қилувчи мухим илмий

<sup>1</sup> *Мада* – ўлчов миқдори бўлиб бир саънинг тўртдан бирига ёки икки ратл (бир ратл 449,28 гр)га тенг; саъ эса беш ва уч чорак ратл (ёки сakkiz ратл)га тенгдир.

<sup>2</sup> Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрал (Адаб дурдоналари). – Т.: Ўзбекистон, 1990. – 140-б.

<sup>3</sup> Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳакида. – Т.: Ёзувчи. – 12-6.

маълумотлар чукур асослаб берилган. Берунийнинг «Маъсул қонунлари» деб номланган фундаментал асарида инсон ва табиат муносабатлари, инсон тафаккури ривожи маҳсули бўлган фанлар тараққиётининг табиат билан узвий боғлиқлиги каби масалалар ёритилган<sup>1</sup>. Беруний Форобий, Ибн Сино ва бошқалардан фарқли ўлароқ инсоннинг табиат олдидағи ва, умуман, жамиятдаги ахлоқий масъулияти, борликқа муносабати масаласига доир маҳсус асарлар ёзмаган, бундай муаммолар ечи мини муайян тизимга келтирмаган, аммо у бу муаммоларни ақл, илм, билиш нуктаи назаридан туриб ҳал этишга ҳаракат қилган. У «Геодезия» асарининг кириш кисмида шундай ёзади: «Ақл мавжуд экан ва руҳиятимда изланишга эҳтиёж бор экан, мен ақл ёрдамида барча нарсаларни жой-жойига қўйишм, кўп соҳаларда янги кашфиётлар яратишм ва ноаниқ, мавҳум нарсаларга аниклик киритишимга тўғри келади»<sup>2</sup>. Унинг назарida, олам ашёлари, ҳодисаларини астойдил билишга жазм қўймаган, нодонлик ва жоҳилликни ўзининг хотиржамлиги, меъёр ва мезони деб билган одам ҳамма жараёнларга, хусусан, табиатта муносабатда ҳам масъулиятли бўла олмайди.

Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарида табиий мухит, унинг инсон ва бошқа жонзотлар ҳаётига таъсири масалалари чукур таҳлил этилган. «Тиб қонунлари»ни ўрганар эканмиз, алломанинг илм-фан соҳасида жаҳонда биринчилардан бўлиб табиий мухит ва инсон ҳаёгининг ўзаро муносабатларини таҳрир қилиш зарурлигини теран анлаганини яққол курамиз. Эътиборли томони шундаки, Ибн Сино экологик омилнинг муҳим таркибий қисми сифатида туарар-жой мухити унинг инсон саломатлигига таъсирини илмий асослаб берган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Тимофеев И. Бируни. – М.: Молодая гвардия, 1986. – С. 225.

<sup>2</sup> Қаранг: Абу Раҳман Беруни. Избранные произведения. Т. II. Определения границ мест для уточнения расстояний между населенными пунктами. (Геодезия). – Т. Фан, 1966. – 83- б.

<sup>3</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. З жилдли. I-жилд. – Т.: Халқ мероси, 1992. – 45-б.

Ибн Синотабиий мухит ва жараёнларнинг инсон руҳияти, фикр-тарзи, дунёқарашига таъсирини алоҳида далиллар асосида оҳини этган. Алломанинг фикрича, тўғри мулоҳаза ва қарор асосида ҳам шахснинг табиий жараёнларга муносабати туради. Ана шу фикрларнинг илмий асоси унинг «Куроза-я-табиат» («Табиат дурдонаси») асарида баён этилган. Эътироф этиш зарурки, мутафаккирнинг деярли барча асарларида, жумладан, «Гиб қонунлари» ва «Табиат дурдонаси»да фалсафий тафаккур ва муаммолар билан табиий жараёнлар уйғуллиги устувор бўлиб, бу икки асос бир-бирига карши қўйилмаган. Чунки у шайтда тиббиёт мустақил фан соҳаси бўлмасдан, балки ягона фалсафанинг муҳим таркибий қисми саналганлиги маълум. Шундай экан, бу икки ёндашувни бир-бирига қарама-қарши кўниш тарихий ҳақиқатга штурм етказиши аниқ деб ўйлаймиз<sup>1</sup>. Коливерса, ўша давр мухитида илоҳиёт ва табиатнинг мавжудлигини пантеизм тарзида талқин этиш мутафаккирлар ижодидаги анъанавийликнинг турли босқичлари эди.

Буюк бобоколонимиз Юсуф Ҳожиб қаламига мансуб XI аср туркий халқларнин ноёб ёзма ёдгорлиги бўлмиш «Қутадгу билиг» («Саодатга бошловчи билим»)да, бир томондан, «Одамзод насли, аслида, ер юзидағи барча жонлилар орасида ўнг улуғидир, аммо бу улуғлик билим билангина тўлиқлик, мукаммаллик касб этади»<sup>2</sup> деган фикри орқали инсон онг ва тафаккури, билимини улуғлаш асосида унинг табиат билан унгунлигини алоҳида кўрсатишга ҳаракат қилинган. Иккинчи томондан, унинг асарларида экологик онг, дунёқараш ҳамда майданиятга доир қуйидаги фикр баён этилган: «Оlamга одамзод Сара мавжудот сифатида келди, унга табиат ақл ва онг ато килди, сўзлашиб қобилияти, билим ҳадя қилди, шу туфайли инсон улуғликка эришиди, заковат ато қилди, шу туфайли

<sup>1</sup> Ҳусайн Содиқий. Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино Курозай. Табиат (тадқики ва муқаддима). – Техрон, 1332-шамсий, 1372 хижрий-камарий муқаддима. – 12-13-бетлар.

<sup>2</sup> Юсуф Ҳожиб. Кутадгу билиг. – Т.: Юлдузча, 1990. – 45- б.

инсон чигал жумбокларни ҳал қилди. Табиат кимга заковат, ақл-идрок, билим берса, у эзгу ишлар қилиншга күл уради»<sup>1</sup>.

Айтиш жоизки, Мовароуннахр ва қадим Туркистанда давлат тепасига келган нуфузли ҳукмдорларнинг аксарияти боғроғлар яратиш, мамлакатни ғуллаб-яшнатишга алоҳида масъулият билан қараган. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур ҳар доим мамлакатда, қўлга киритилган ерларда, биринчи навбатда, обөдончилик, ерларни ўзлаштиришга катта эътибор берган ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирганларни ёки бирор бօғ кўкартирганларни рагбатлантирган. Соҳибқироннинг Самарқандда 12 та бօғ яратиши уларнинг ҳар бири ўзига хос табиий муҳиттага эга бўлишига, иклимига, ерига, номига ғоят катта эътибор берганлигини кўрсатади. «Темур тузуклари»да: янги ўзлаштирилган ерлардан «биринчи йили ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили ундан раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса қонун-қоидага мувофиқ хирож йигсин»<sup>2</sup>, – деб таъкидланади.

Амир Темурнинг табиатга бўлган ихлосмандлиги хусусида унинг саройида фаолият кўрсатган Испания элчиси Луи Гонсалес де Клавихо Боги Дилкушодаги Соҳибқирон қабулини хотирлаб, унинг табиатга муносабатини ҳам акс этирган: «Якшанба куни эрталаб вакилларни бу бокқа таклиф этинди. У девор билан ўралган. Бօғда лимон ва цитрус ўсимликларидан ташқари турли мевали дарахтлар кўп, олтита ҳовуз бутун бօғ бўйлаб утади... Бօғда подшо буйруғи билан келтирилган кийик ва кирғовуллар бор эди»<sup>3</sup>. Ўз вақтида Амир Темурнинг бу амалий фаолияти ҳар бир шахсда табиат гўзаллигидан баҳра олиш туйғусини уйғотиш билан бир қаторда, кишиларда

<sup>1</sup> *Қаранг: Қадимги ҳикматлар.* – Т.: Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 94-б.

<sup>2</sup> *Темур тузуклари.* – Т.: Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 47-б.

<sup>3</sup> *Руи Ганселес де Клавихо.* Дневник путешествия в Самарканд по дворцу Темура. – М., 1989. – С. 10.

ибрати мисолида шахс экологик дунёқарашини ривож-  
тиришга интилишни юзага келтиради.

Улут мутафаккир Алишер Навоийнинг табиатга ўзгача  
ори, ундаги хис-туйгулар у яратган асарларнинг деярли ҳар  
орида ўз мужассамини топган. Алишер Навоий табиатга ёки  
проц-бир жонзотга хиёнат қилишни дўстга хиёнат килишдек  
оралган. У асарларида ерни рисқ-рўз берувчи манба сифа-  
ти улуглаш, ерга ишлов берувчи дехкон меҳнатидан хамма  
проц жон баҳраманд бўлиши ҳакида ўз фикрини куидаги-  
и ифодалайди: «Дехқонки, халол меҳнат билан дон санчади,  
бир донни етти юзга етказади. Сочган дони кўкаргунча,  
уриб, ҳирмон қилиб ҳосил кўтаргунча курт-кушлар ундан  
храманд, дашт ваҳшийлари унинг билан хурсанд. Чумоли-  
пр уйи ундан обод: кўнгил ундан шод. Кабутарлар мастили-  
шо тўргайларнинг шўх навоси шу донлардан... Фуқаролар  
шо-рузи, гарибларнинг куч-қуввати дон биландир»<sup>1</sup>.

Унинг фалсафий таълимотига кўра, Худонинг зухуроти си-  
фотида вужудга келган борликнинг кўрки, гўзал ва ободлиги  
инсон туфайлидир. Зотан, Аллоҳнинг оламни яратишдан асл  
иҳксади ҳам мана шу инсондир. «Бутун оламни яратишдан  
иҳксад, – дейди шоир, – инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичи-  
ни тенги йўқдир. Инсон кўнглини турли билимлар хазинаси  
ниди ва бу тилсим ичиди Тангри ўзини яширди. Инсоннинг  
жойиб жисми бир маҳфий сир хазинаси ўларок, ўзида ана  
шу ганч тилсимини саклайди. Бу тилсим жон бўлиб, у уша хази-  
нашда туради ва унга посбонлик қиласди»<sup>2</sup>. Шоирнинг ушбу  
фигрида меҳнатга оқилона муносабат асосида табиатга фаол  
ширсир ўтказиш баробарида, унинг бойликларини асраш, юк-  
кис инсонийликка хос экологик идроқ, дунёқараш, тафаккур ва  
хис-туйғу ўз ифодасини топган.

<sup>1</sup> Каранг: Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва  
маданият нашриёти, 1974. – 97–98- бетлар.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нешриёти, 1991. – 269- б.

Атоқли давлат арбоби, шоҳ ва шоир Захириддин Мұхаммад Бобур табиатта нисбатан чуқур фалсафий мушохада юритиш билан бир қаторда, амалда ҳам унинг фусункорлиги мусаффо хавосидан ўз ўрнида фойдалана билган. Унинг «Бобурнома» асарида Шарқдаги турли мамлакатлар, шу жумладан, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг тарихи, ижтимоий-иқтисодий ахволи, табиати, этнографияси, географияси ва тиббиёти ҳақида батафсил сўз юритилади. Айниқса, Фарғона ва Ҳиндистоннинг тоғлари, дарёлари, ўрмонлари, яйловлари, боғлари ҳақида хозирги замон талабларига мос далиллар келтирилган. Унинг «Бобурнома» асари ўз илмий моҳияти, услубий равонлиги, бадиий тимсолларга мүллиги ва она табиат гузаллигини ҳис қилиш, авайлаб-асраш, бойлигига бойлик қушиш каби гоявий аҳамияти билан ҳам асрлар оша китобхонда табиатга меҳр-муҳаббат уйғотишга, шахс экологик онги, дунёқараши ва маданий савиясини оширишга беминнат хизмат қилиб келмоқда<sup>1</sup>.

Асаддаги киши эътиборини ўзига тортадиган мухим жихат шундаки, Бобур табиатнинг ҳар бир бўлаги, кўриниши, ундаги ҳайвонот ва наботот оламига ҳам ўта синчковлик билан қараган. Хусусан, у Афғонистоннинг Даشت Шайх қирлари этагида ўсувчи лоланинг 33 хилини аниқлаб, уни «Бобурнома»да баён этган<sup>2</sup>. Давлат ташвишларидан чарчаган, дилидаги эзгу орзу-умидлари амалга ошмаганида руҳан эзилган Бобур ҳар замонда ёлғиз ўзи қолишини, гоҳида эса кўнгилтортар улфатлар билан табиат кўйнида истироҳат килишини хуш курган. Айниқса, Кобул шаҳри атрофидаги Ламғон, Гулбаҳор, Барон каби хушманзара ва хушҳаво жойлар Бобурни ўзлигига қайтишга, дунё ташвишларидан холи булиб, ором олишга чорлаган, табиат гузаллигидан баҳра олган шоирга шеър ва ғазал мисралари қўйилиб келган.

<sup>1</sup> Ҳудойназаров С. Ҳ. Шахс экологик онги ва маданиятини шакллантиришда бадиий адабистининг роли. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. – Т., 2010. – 26- б.

<sup>2</sup> Бобур З. М. Бобурнома. – Т.: Юндузча, 1998. – 124- 6.

Менинг кўнглимки, гул тунчасидек таҳ-батаҳ қондир,  
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоги на имкондир<sup>1</sup>,

шаклар сатрлар экологик дунёқарашини бадиий ифодалаш намушидир. Зоро, бундай сатрлар инсоннинг табиат гўзалиигига шинклигидан, ҳар бир гиёхи, тоғу тошидан завқ олишидан, тарор давр ҳамда ҳисобсиз бидъатлар қолдирган кўнгил ғуборини шу бемисол гўзаллик ифори или поклаш туйгусидан яримланган<sup>2</sup>.

XVII асрнинг иккинчи ярми – XVIII асрнинг бошларида экологик дунёқараща аскетизм рухи кучайганлигини кўрамиз. Унинг асосий сабаби инсоният тарихида экологик фаолият шаклаларига пессимитик муносабат шаклланган эди. Унинг мумтоз намунасини Сўфи Оллоёр ва бошқа тасаввуф фалсафаси намояндаларининг ижодида кўрамиз.

Сўфи Оллоёр чукур фалсафий мушохада асосида табиат шаклами билан инсон фазилатлари орасидаги мутаносибликни сисий таҳлил этилган. Унинг фикрича: «Тарик экмоқ тилашти, кучингни лойик ерга сарф қилгил. Уругни шўр ерга сочни. Шунга ўхшаб, эзгулик қилганингда уни олимлар, сўфийлар во илм ўрганувчиларга қаратгин. Золиму ёвузларга яхшилик тилма, ёвузларга эҳсон қилганинг шўр ерга дон сепганинг билан баробардир.

\*

Билиб бер жойига кади йаминни,  
Зироат айлама шўра заминни.  
Ямон ерга ани сарф этма бўре,  
Бўрининг йиртариға берма ёре<sup>3</sup>».

<sup>1</sup> Бобур З. М. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1998.

<sup>2</sup> Киранг: Кудратуллаев Х. Кўнгил гулининг бағридек қондир. // Тафажкур. 2000. № 77- бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг. Рисолай Азиза. «Сабот ул-ожизин» шарҳи. – Т.: Халқ мероси нашрии, 2000. – 204- б.

Мутафаккир Аҳмад Дониш қарашларида инсон табиатнинг маҳсули эканлиги, унинг оламга, борлик ва табиатга муносабати ҳам ана шу нуқтаи назардан деган холосадан келиб чиқиб тадқиқ этилган. Аҳмад Донишнинг «Инсон ер билан коинот орасида ўрин олган ажиб бир мавжудотdir. Агар у фикр қилса, бутун борликни фикр токчасига сифдира олади; агар у хаёл қилса, оламни хаёл қутиchasига жойлай олади; агар унинг меҳри товласа, бечора чумолини киприги устида асрайди; агар унинг ғазаби келса, йўлбарсни мушукча кўрмайди; агар унинг сахийлиги тутса, тўнини бирорга бериб ўзи яланғоч қолади; агар унинг хасислиги ружу қилса, қумурсқа оғзидаги донни талашади»<sup>1</sup> деган фикрлари инсон ва табиат боғлиқлиги билан бевосита алоқадор бўлган воқелик мазмуни, йўналишларини ёритипда табиатдаги мавжуд жонзотларни мисол тариқисида келтириши унинг борликни чукур фалсафий мушоҳада этиши билан бирга, унга ўзгача меҳр билан караганлигидан далолат беради.

Шахс экологик дунёқарашини қарор топтиришда ўзбек маърифатпарварларининг илмий-адабий меъроси ҳам алоҳида ўрин тутади. Жумладан, йирик маърифатпарварлардан бири Абдурауф Фитрат ижодида табиат гўзаллигининг ўзига хос тимсолларини Ватан туйғуси орқали ифодалашга ҳаракат қиласди. Фитратнинг ушбу гояларига ҳамоҳанг, айтиш мумкинки, унинг мантикий давоми сифатида Абулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ўзининг «Наврӯз кунида» шеърида ўлканинг туткинлиги истибдодда эканлигини табиат манзаралари ташбеҳи орқали кўрсатиши унинг экологик дунёқарашини намоён қиласди. Айникса, «Кўклам келар» шеърида табиатга ўзгача туйғу билан ёндашилганлиги яққол кўзга ташланади.

Кўклам ойим йўлга чиқкан, кўклам ойим қўзгалган,  
Кўк кўйлакнинг битишига унча ҳам кўп қолмаган.

<sup>1</sup> Аҳмад Дониш. Наводир ул-вокое. – Т., 1984. – 136- 6.

Тиник ҳаво... Кўк юзида оппок, ҳарир пардадек,  
Оқ булултар унда-бунда ёйилганлар паришон<sup>1</sup>.

Ішкорида келтирилган далилларга таяниб айтишимиз мумкин. Шарқ, хусусан, ўзбек халқининг маънавий мероси, ороҳи ҳамда қадриятларида шахс экологик дунёқарашини шакллантириш ва бойитиб боришига хизмат қиласиган илмий, бадиий ва фалсафий ғоялар ҳамда маънавий-маърифий, оғизий асосларни кўплаб топиш мумкин.

Шахс экологик онги ва дунёқарашини шакллантиришда оғизларимизнинг миллий-маънавий мероси ва қадриятларининг роли ҳамда аҳамияти бенихоя катта. Шунинг учун уларни ножодий ривожлантириш борасида зарур шарт-шароитларни, имкониятларни, усул ва воситаларни яратиш замонавий экологик дунёқарашининг асосини ташкил қиласиди.

## 1. 2. §. Экологик дунёқарашининг ижтимоий-фалсафий мазмуни ва намоён бўлиш шакллари

Экологик муаммоларнинг глобаллашуви ва кескинлашуви ишончиятнинг табиатга муносабатини тубдан ўзгартиришини таъб этмоқда. Бу муаммонинг ечимини топиш, энг аввало, ишончларнинг экологик дунёқараши ва маданиятида юз бералаша ўзгаришлар генезиси ва моҳиятини ҳамда функционал ҳамиятини ўрганишни тақозо этмоқда.

Кейинги йилларда ижтимоий ҳодиса сифатида «экологик туносабат», «экологик онг», «экологик маданият», «экологик иссаат» каби тушунчаларни таҳдил этишига алоҳида эътибор этилмоқда. Бу илмий тадқиқотларнинг аҳамияти умумфалсафий, гносеологик, методологик, праксеологик масалаларни таълимида муҳим аҳамиятга эга. Бу тушунчаларнинг мазмудати умумийлик экологик фаолиятни аниқ йўналишларда

<sup>1</sup> Карапиг: Алиев А. Истиқлол ва адабий мерос. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 169- б.

тахлил қилиш орқалигина инсоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёт мавқенини мустаҳкамлаш, фаоллиги ва масъулиятини ошириш мумкинлигини кўрсатишдан иборатdir<sup>1</sup>.

Шунга кўра, шахс экологик дунёқарашининг шаклланиши ҳамда бойиб боришига таъсир этувчи ижтимоий, иқтисодий жараёнлар, маданий-маърифий омиллар ҳамда компонентларни ўзаро алоқадорликда, яхлитликда фундаментал тадқик этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу уринда, экологик онг ва дунёқараши тушунчаларининг моҳиятини чуқурроқ англаб олиш учун, аввало, уларнинг умуман дунёқараши, хусусан, фалсафий дунёқараши тизимидағи ўрнини аниқлаб олиш зарур.

Маълумки, дунёқараши кишиларнинг олам, унинг келиб чиқиши, тузилиши, узгариши, ривожланиши, унда инсоннинг ўрни ҳақидаги илмий, фалсафий, сиёсий, хуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва бўшқа қарашлари, тасаввурлари мажмуидан иборат. Дунёқараши алоҳида кишининг, ижтимоий грухнинг, қатламнинг ёки умумжамиятнинг фаолият йўналишини ва воқеликка муносабатини белгилайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, муайян шахс экологик дунёқараши унинг умумий дунёқарашининг ўзига хос таркибий қисми ҳисобланади.

Айни пайтда, экологик дунёқараши фалсафий дунёқарашининг туб илдизлари билан ҳам тутапган. Фалсафий дунёқарашининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у кишиларга табиат, жамият, инсон тафаккури ривожининг умумий қонуниятлари ҳақида маълумот беради. Шу билан бирга, у инсонни қуршаб турган моддий олам объективлиги ва абадийлигининг ўзгарувчанлик хусусиятини эътироф этади.

Гарчи экологик дунёқараши фалсафий дунёқарашининг муайян томонлари билан бевосита боғлиқ бўлса-да, бир томондан, ундаги муҳим хусусият – нисбий мустақиллигидир. Иккинчи томондан, экологик дунёқарашидаги нисбий мустақиллик ху-

<sup>1</sup> Мамашокиров С. Экологик фаоллик ва масъулиятни шакллантиришда ижтимоий-сиёсий омилларнинг роли. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. – Т., 1997. – 32- б.

хуснити диний, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий ва бошқа конкрет тарбияларга нисбатан ҳам амал қилишини алоҳида таъкид менендирур. Шу билан бирга, экологик дунёқараашдаги нисбий муносабаларнинг ўзига хос ҳусусиятлари, унинг шаклланишидаги тарихийлик ва табиий эволюцион ривожланиш динамикасида тоғынчликниң оғизи таъсир ҳамда умумий алоқадорлик туради.

Экологик дунёқарааш фалсафий ва бошқа дунёқарааш шаклларини билан синтезлашган тарзда намоён бўлса-да, унинг асосий обекти экологик борлик бўлганлиги боис, унинг шаклланиш тақомиллашув жараёни субъектив омил бўлган экологик даражаси билан боғлиқ. Шунга кўра, глобал, миңтақавий миллий даражаларда юзага келган кескин экологик муаммалини ҳал қилиш нафақат ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий, техника-технологик вазифалар ечимини, балки фуқароларимизниң экологик дунёқараашини шакллантиришни тақозо қиласи. Бу исла, ўз навбатида:

- шахолига экологик йўналишда маънавий-ахлоқий таълим тарбия беришни;
- табиат-инсон-жамият тизимида амал қилувчи табиий мухитни саклашга қаратилган стандартларни ўзлаштиришни;
- табиатни кўриқлаш ишида давлат, жамият ва фуқароларни фаол ҳамкорлигини;
- шилаб чиқаришга экологик технологияларни жорий этишни;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни;
- экологик йўналтирилган ҳуқуқий таълимнинг жорий қилиншини;
- экологик фаолиятни иқтисодий-молиявий таъминланишни;
- ҳар бир инсоннинг сифатли ва хавфсиз табиий мухитга олиниш ҳуқуқининг амалга оширилишини ўз ичига олади.

Экологик дунёқарааш бир-бири билан жипс бояланган гидросфера, литосфера ва, умуман, биосфера каби табиат компонентлариниң таъсириниң оғизи таъсир ҳамда умумий алоқадорлик туради.

нентлари ва инсон фаолияти натижаси бўлмиш сунъий агроса-  
ноат ва техник қурилмалар, бинолар, шаҳарлар каби техноген  
хусусиятли метатизимлар ҳақидаги билимлар йигиндисидир.  
Шу нұқтаи назардан қараганда, экология ҳам узининг даст-  
лабки мазмунини, яъни ўсимлик ва жониворларнинг (шу жум-  
ладан, инсоннинг) уларни қуршаб турган муҳит билан алоқа-  
дорлигини ўрганувчи фан деб тушунилишини ўзгартириб,  
фалсафий, ижтимоий, иқтисодий, техник, географик, маънавий  
ва бошқа жиҳатлар билан бойиган, аслини олганда, дунёқараш  
куринишига ўтаётган метаҳодисага айланди.

Фалсафий адабиётларда: «Экологик муаммоларни муваффакиятли ҳал этиб бориш нафақат социал-иқтисодий, илмий-техникавий шарт-шароитларнинг объектив ҳолатига, шу билан бирга, инсон омили, унинг экологик онги ва дунёқарашининг ривожланғанлик даражаси каби субъектив омилга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ»<sup>1</sup>, – деб кўрсатилган. Шунингдек, экологик дунёқарашда шахснинг ўзига хос экологик онги, билими ҳамда кўниқмаси, табиат ҳодисаларига ёндашувиш турфа хил куринишлари ўз аксини топғанилиги учун, баъзи олимлар «экологик онгта экологик ижтимоий муносабатларнинг инъикоси сифатида қарайдилар»<sup>2</sup>.

Бу фикрларда муайян асос бор. Чунки экологик онгнинг даражалари экологик муносабатларнинг хусусиятлари ва уларниң ривожланиш динамикасига мос келади. Лекин, «уз навбатида, экологик муносабатлар ҳам экологик онгнинг моддийлашув жараёнидир»<sup>3</sup>. Аммо бу моддийлашув жараёни объектив реалликда кишиларнинг атроф муҳитга фаол таъсирига нисбатан муайян даражада орқада колаётганлигини эътироф этиш зарур. Ю. А. Андреева таъкидлаганидек, киниларнинг

<sup>1</sup> Қаранг: Жибуль И. Я. Экологические потребности: сущность, динамика, перспектива. – Минск: Наука, 1991. – 123- б.

<sup>2</sup> Абдуллаев Э. Экологические отношения и экологическое сознание. – Т., 1990. – 219- б.

<sup>3</sup> Ўша асар. – 220- б.

этироф табиий мухитни ўзлаштириши уларнинг экологик онги  
нишита нисбатан илгарилаб кетмоқда<sup>1</sup>.

Онг қадимий одамлар қоя тошларга табиат манзарадари, ун-  
даги мавжудотлар акс этган расм ва тасвирлар туширган давр-  
да уларда экологик онг ва дунёқараашнинг муҳим унсурлари  
бонга келган. Шунга кўра айтиш мумкинки, экология энг қади-  
мий фан ёки қасбий салоҳият бўлмаган бўлса-да, энг қадимий  
дунёқарааш элементи сифатида шаклланган, дейиш мумкин.  
Боро, қадимги одамлар ҳам ўзларининг содда тасавурлари-  
ни таяниб, қаердан овқат топиш, ҳайвонларни овлаш ва хавф  
тушиганида яшириниш манзилларига эга бўлганлар. Кўпчи-  
ни тадқиқотчилар фикрича, ибтидоий одамларда экологик  
онгининг содда кўринишлари антик даврларда ёқ шаклланган<sup>2</sup>.

Унда нима сабабдан экологик дунёқараашнинг асоси бўлган  
онгининг моддийлашуви кишилар экологик фаоллигига нисба-  
тии орқада колган? Эҳтимол, бунинг сабабларини инсоният  
ишилигасининг юксалиш тезлигидан, техника, техноло-  
гияларнинг муайян вакт мобайнида нисбатан тезроқ янгила-  
шишидан қидириш керакдир? Айбатта, мазкур жараёнда ижти-  
мий ва технологик омилларнинг ўрни бекиёс – буни этироф  
и масликнинг иложи йўқ. Аммо экологик онгнинг моддий-  
лашувидаги узилишларининг, бизнинг назаримизда, қуидаги  
асосий сабаблари мавжуд: *биринчидан*, шахс экологик масъу-  
тишининг шаклланишидаги номутаносибликлар; *иккинчидан*,  
шахсдаги экологик билим ва кўникмаларнинг мустаҳкам эмас-  
лиги; *учинчидан*, шахс амалий фаолиятида экологик амалиёт  
объектларини танлан ва унга муносабатдаги номувофиқлик-  
лар.

Шахс экологик дунёқараашини бевосита унинг масъулия-  
ти билан уйғун ҳолда олиб қарашимизнинг сабаби шундаки,

<sup>1</sup> Карап: Андреева Ю. А. Человек, природа, общество в современной прозе. – СПб., 1981. – 47- б.

<sup>2</sup> Бигон М, Дж. Харпер, Таунсенд К. Экология особи, популяции и сообществ. В 2-х томах. Том 1. – М.: Мир, 1989. – С. 7.

тарихий равинида шахснинг ўзи, аввало, табиий жараёнлар, кейинроқ эса ойла, жамоа ва жамият ҳамда бошқа ижтимоий институтларнинг таъсирида шаклланади. Шу маънода, кишида табиатга нисбатан энг содда, айни пайтда, ута муҳим инстинкт даражасидаги туйғулар унинг жуда ёшлик даврларида ноқ шаклланиб, унда табиат неъматларига муайян маънодаги масъулият ҳисси билан қараш каби фазилатларни юзага келтиради. Шунингдек, экологик масъулиятдаги номутаносибликлар, бошқача айтганда, табиатта лоқайд, бенисанд муносабат эса, аввало, тарбия, оила ва ижтимоий муҳитдаги номукаммалликлар туфайли пайдо бўлади.

Шахснинг экологик билими, кўникмасидан олдин ундаги экологик масъулият туйғуси тўғрисида фикр юритиш, юзаки қараганда, назарий жиҳатдан хато ва амалий жиҳатдан асоссиз бўлиб туюлса-да, аслида, масъулият инсон илму заковатга, ҳали чуқур билимларга эга бўлмаган ибтидоий даврларда ҳам кишилардаги ахлоқий хусусият тарзида юзага келган. Бу ҳақда рус олим Ю. А. Андрееванинг қўйидаги фикрлари ахамиятлидир: «Ўйланмай килинган хатти-ҳаракат туфайли, масалан, автомашиналар қўйишга мўлжалланган жойларда машиналар двигателларини ишлатиб қўйиш туфайли атмосферага чиқарилаётган заҳарли газлар, туристик саёҳатларда ўрмон ва бошқа табиий неъматларга етказилаётган заарлар, нефть чиқиндиларининг дарёларга чиқарилиши каби ҳолатларнинг барчаси чидаб бўлмас даражадаги ақлсизлик, аникроқ килиб айтганда, инсон онгнинг реал ҳолатдан оркада колиши натижасидир. Бундай онгни, таъбир жоиз бўлса, инсоннинг ёввойилик даражасидаги дунёқарашига ҳам тенглаштириб бўлмайди. Чунки, масалан, неандертал одам ҳам ўзининг тошдан ясалган болтаси билан ўзи маизил тутган ён-атрофдаги дарахтларни кесмаган бўлса керак»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Андреева Ю. А. Человек, природа, общество в современной прозе. – СИб., 1981. – С. 47.

Юқоридаги фикр мантиғидан шундай хулоса келиб чиқады-  
ки, экологик дүнёқараашнинг таг-заминларидан бири – шахс-  
нинг борлик, табиат ва жонзотларга нисбатан ахлоқий масъул-  
нити ҳисобланади. Соддароқ қилиб айтганда, экологик ахлоқ  
шахс экологик дүнёқараашнинг маънавий негизидир. Эколо-  
гик дүнёқараашнинг иккинчи муҳим компоненти шахс эколо-  
гик рухияти бўлиб, унинг ифодасини инсоннинг табиатга бул-  
ган меҳри, хис туйгуларида кўриш мумкин.

Республикамизнинг баъзи олимлари шахсга таъриф берган-  
ларида унинг атроф мухитга алоқадорлигига ургу беришида  
хам мантиқий уйғунлик бор. «Шахс тушунчасида унинг атроф  
муҳитга муносабатини билдирадиган ижтимоий-руҳий сифат-  
ларнинг муайян ички яхлитлиги ифодаланади. Шахс бўлиш  
дегани, биринчи навбатда, ўзининг ички қадриятлар дунёсини  
шакллантиришни, теварак-атрофга, энг аввало, ижтимоий ҳо-  
дисаларни англаш, унинг моҳиятини тушуниш орқали қадрия-  
тий-танқидий муносабатта эга бўлишни билдиради»<sup>1</sup>.

Мазкур таърифда Н. Жураев ва Ш. Азизовлар шахснинг та-  
биат билан уйғунлигини илмий-назарий жиҳатдан асослашган  
бўлса-да, аммо ҳозирги даврнинг долзарб муаммоси бўлган  
табиий атроф мухитни муҳофаза қилишда шахснинг умумин-  
соний жараёнлар, цивилизациялараро муносабатлардаги ўза-  
ро таъсири билан алоқадорлиги масалаларини ушбу таърифда  
камраб олинилмаган. Ваҳоланки, ҳозирги экологик фалсафий  
адабиётларда «экологик одам» тушунчasi илмий муомалага  
кириб, мустаҳкам мақомга эга бўлиб бормоқда<sup>2</sup>.

Шунга кўра, шахсни экологик муаммолар контекстида олиб  
карасак, унинг қуидагича таърифи мақсадга мувофиқ деб  
ҳисоблаймиз: *шахс* табиий-ижтимоий жараёнлар натижаси-  
да вужудга келган экологик вазиятнинг маҳсули бўлиб, эко-

<sup>1</sup> Жураев Н., Азизов Ш. Ижтимоёт асослари. – Т.: Ma’rifat-madadkor, 2003. – 62-6.

<sup>2</sup> Аҳмедов А. Экологик назоратнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. Фалсафа  
и. илмий даражасини олиш учун дис. авторферати. – Т., 2012.

логик-ижтимоий муносабатларга, цивилизацияларнинг узаро уйгунилигига илмий дунёқарани асосида таъсир кўрсатадиган, ўзида табиий-физиологик, психологик, ирсий ва ижтимоий таъсирлар эволюциясини мужассамлаштирган индивиддир.

Шу нуқтаи назардан, шахснинг ижтимоий мақомини белгилайдиган мезонлар тизимида, унинг дунёқараши характерини типини белгилайдиган кўрсаткич сифатида эътироф этилиши зарур. Биз тадқиқ қилаётган мавзу доирасида эса шахснинг экологик дунёқараши унинг типини белгилайдиган асосий мезон сифатида каралмоқда. Зеро, ҳозирги замон глобал муаммолари таркибида экологик муаммоларнинг устуворлашуви шахс мақомига айнан шу нуқтаи назардан ёндашишни тақозо қилмоқда. Яъни инсоннинг табиатга муносабати, унинг экологик онги ва экологик дунёқараши инсоният цивилизациясининг ҳар бир босқичида ўзига хос тарзда шакллангани ва ривожланиб борганилиги шахсга берган юкоридаги таърифимизга узвий равишда сингдириб юборилган.

Бу йўналишда шу пайтгача олиб борилган изланишлар тахлили инсон шахсига, унинг руҳий-маънавий, профессионал қиёфасига, табиатга муносабатларига ҳозирги замон цивилизациясининг детерминлаштирувчи омиллиги қайд этилган. Лекин бу илмий ишларда шахс экологик дунёқараши шакланишига таъсир кўрсатувчи омиллар қамраб олинмаган. Шунинг учун шахсга экологик муаммолар доирасида таъриф берадиган бўлсак, унинг дунёқарашида табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор бериш зарур. Шунингдек, унинг экологик дунёқарашида илмий билимлар ва уларга асосланган амалий кўникмаларни дунёқарашининг таркибий қисми сифатида олиб қараш керак. Чунки шахс онгига ва тафаккурига экологик дунёқарашни сингдириш, бу жараённинг узлуксизлигини таъминлаш экологик барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бинобарин, инсон табиат қўйнида яшар экан, унинг бутун хаётий фаолиятининг мазмуни табиатни эҳтиёжларига кўра ўзлаштириш учун

Ўзгартиришнинг усул-воситалари ҳам дунёқарашибаркииши керак. Бунда «мақсад – восита – натижа» бирлиги шимоён булади.

«Табиат–жамият–инсон» муносабатларидағи алоқадорлик-нинг ҳар бир шахс томонидан эътироф этилиши ҳам дунёқарашибаркииши мос келади. Албатта, бу тизимда муайян элементтнинг устуворлигини мутлоклаштириш ҳам дунёқарашибаркииши мүқобиллігига олиб келади. Айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин, экологик муаммоларнинг глобаллашуви англанғандан кейин, инсоният ўз фаолиятида табиатга нисбатан ҳамина ҳам оқилюна муносабатда бұлмаганлигини ва ҳозир ҳам шундай ҳолат давом этаётганлигини ҳамда уларнинг салбий оқибатларини англаш бошлади. Жумладан, инсон тикланмайдыган табиий захиралар миқдорини күпайтириш имконияттыға эга эмаслиги, янти тарихий даврга мослашиш ҳолати ўзгараётганлиги туфайли табиий мұхитни тубдан ўзгартираётган шароитта мослашишини ҳис килишга, англашга ва шунга мувофиқ фаолият күрсатышында мажбур бўлмоқда.

Инсон табиатта нисбатан ўз муносабатларининг оқибатларини англаш олса ва антропоген таъсир туфайли табиатнинг қай даражада ўзгаришга учраганлигини аниқлаб олса, мавжуд экологик вазиятта кўрсатаётган таъсирларини кўр-куронада эмас, онгли равишда, таъсир объектларининг ва вазиятларнинг кўплаб параметрларини ҳисобга олган холда амалга оширган бўлар эди. Чунки «ҳар қандай экологик вазият объектив равишда биосферанинг ички мувозанатлари бузилишидан, яъни табиатта антропоген, техноген таъсирлар натижасида юзага келади»<sup>1</sup>.

Тараққиётнинг нафакат ижобий, балки салбий оқибатларга ҳам олиб келишини англаш ва баҳолаш мезонларини аниқлаш мураккаб масаладир. Бунинг учун шахсдан кенг ва чукур, умумий ҳамда маҳсус экологик билим, интеллектуал салоҳият,

<sup>1</sup> Карап: Исамуҳамедов Х. Мамашокиров С. Экологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари. – Т., 1999. – 27–28- бетлар.

ҳаётий тажриба талаб этилади. Лекин экология бўйича йирик тадқиқотчи Ю. Одум шундай ёзди: «Ҳеч ким бир йилдан сўнг нима бўлишини, аниқ олдиндан айтиб бера олмайди. 25 йилдан сўнг қандай ҳодисалар рўй берипшини айтиши имконияти янада камрок.

Биз кўп сонли воқеалар, технологиялар, қашфиёт ва янгиликлар қурғовида яшар эканмиз, жуда кўп нарсаларни олдиндан кўра билиш ва англаш имкониятларимиз чекланган. Аммо шунга қарамай, табиат воқеалари таҳлили бўйича муқобил қарашларни шакллантириш, унга доир тушунча ҳамда билимларимизни давр руҳига ҳамоҳанг тарзда такомиллаштира олишимиз биз учун ибратли ҳолатdir. Яна ҳам муҳимроғи эса биз ҳозирда табиатда кутилмаганда рўй берадиган ҳодисаларининг олдини олиш бўйича қандайдир чора-тадбирларни амалга ошира олишимиздадир»<sup>1</sup>.

Шу ўринда, бугунги кунда табиатдан оқилона фойдаланишнинг асоси бўлган экологик дунёқарашни шакллантиришининг иқтисодий ва ҳукуқий механизмлари тўла кувват билан ишлап япти деб айтиб бўлмаслигини таъкидлашимиз лозим. Айниқса, табиатга янгича муносабатда бўлишда одамларнинг ҳукуқий маданияти (ҳукукий-экологик дунёқараш) пастлиги, иқтисодий (иктисодий-экологик) тафаккурнинг етишмаслиги оқибатида мавжуд муаммоларни ечишда қатор қийинчилклар келиб чиқмоқда. Табиатдан фойдаланишининг ҳудудий ва глобал даражаларига эътиборнинг камлиги қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Юқорида қайд этилган даражалар ниҳоятда ҳаракатчан ва ўзгарувчан бўлиб, уларнинг бир-бирларига ўтиб туриши табиий ҳолdir.

Кишилардаги экологик билим даражасида эмпирик томон назарий томонга нисбатан устунроқdir, бу эса, ўз навбатида, назарий-методологик характердаги тадқиқотлар кўламини ҳар томонлама ривожлантиришни талаб этади. Жумладан, ҳозирги замон экологик билимлар тизимида ижтимоий экология анча

<sup>1</sup> Одум Ю. Экология. – М., 1986. – С. 234.

тез ривожланаётган бўлса-да, бу фикрии умуман назарий экологияга нисбатан айтиб бўлмайди<sup>1</sup>.

Ҳозирги экологик шароитда илмий билимлар синтези соҳаидаги ишлар ҳам янада такомиллаштиришни талаб этади. Чунки экологик муаммо ечими йўлидаги қатор усуллар тизими доимий тарзда янгиланиб туришни тақозо қиласди. Илмий тадқиқотнинг хусусий, умумий ва энг умумий услублари, уларнинг орасидаги амалий ҳамкорлик қўйилган муаммо ечими йўлидаги муҳим қадам бўлиб ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримовнинг: «... Фан ижтимоий жараёнларга фаол таъсир этадиган, бизга яъни амалиёт ходимларига ишимиз мазмунни ва характеристини белгилаб берадиган, ўзини ўзи созлаб турадиган ва ўзини ўзи бошқарадиган системага айланиши керак»<sup>2</sup>, – деган фикрлари айни ҳақиқатdir.

Муаммо ечимига табиатни муҳофаза қилувчи муассаса ва мутасадди тармоқлар ҳамкорлигининг етишмаслиги ёки меъёр даражасида эмаслиги ҳам халақит бермоқда. Бу соҳада таълай амалий характеристидаги ишларни рӯёбга чиқариш зарурлиги муҳим аҳамият касб эта боради. Табиатдан оқилона фойдаланишининг характеристли жиҳатларини техник, технологик, эстетик, ахлоқий, иқтисодий, фалсафий, ҳуқуқий муносабатларнинг кенг қамровли тизимлари бир-бири билан диалектик тарзда боғлайди.

Ҳозирги экологик вазият – табиатта янгича муносабатда бир-бири билан диалектик алоқадорликда бўлган икки жиҳатга, яъни табиатдан фойдаланиш ҳамда ана шу фойданинг қиймат микдори табиат ҳақида ғамхўрлик қилишда энг муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланishi шарт. Акс ҳолда, бу масалада бирор кўзланган замонавий ютуққа эришиш мумкин эмас. Яъни бунда экологик билимдаги объектив, субъектив жиҳатлар, нисбий маънода, бир-бирига мувофиқ келишини

<sup>1</sup> Исмоилов М. Табиатни асрасак, бойиймиз. «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, 1998, №1. – 48-б.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оғонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 81- б.

таъминлаш табиатта янгича экологик дунёқараашга асосланган муносабатнинг методологик томонларидан бирини ташкил этади. Ушбу масалада муқобил нуқтаи назарлар, караашлар хилма-хиллик касб этмоқда. Масалан, А. Н. Кочергин, Ю. Г. Марков, Н. Г. Василев экологик билим, онг ва дунёқараашни бойитиш заруриятини жамиятда унга эҳтиёж ошиб бориши билан боғлайдилар. «Биз шундай хулоса қилишимиз мумкинки, – деб ёзади муаллифлар, – экологик онг ва дунёқарааш феномени жамиятнинг табий мухитни мақсадга йўналтирилган тарзда ўзгартириш эҳтиёжи ҳамда табиат ва жамиятнинг органик бирлигини муайян маънода ривожлантириш негизида вужудга келади.

Хозирда мавжуд имкониятлар тарихий ва ижтимоий амалиётнинг бевосита таъсирида жамиятда етилган ички эҳтиёжларни табиат билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун етарли эмас. Ўз-ўзидан аёнки, мавжуд муаммолар счимини тошишнинг бирдан-бир воситаси эса фақат экологик (аникроғи, ижтимоий-экологик, таъкид бизники. – К. С.) билимларни бойитишдан иборат»<sup>1</sup>.

Бу масалада бошқа тадқиқотчи И. Я. Жибуль собиқ иттифок давридан сақланиб қолган одамларнинг экологик онги ва дунёқарашидаги эски стереотипларни бартараф этишининг асосий омили янгича экологик билим ва дунёқараашни индивидуал ҳамда ижтимоий онга сингдириш билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Бунинг учун у ижтимоий онгни экологизациялаштиришни таклиф этади. Унингча, «ижтимоий онгни экологизациялаштириш – бу, аввало, экологик онгни шакллантириш ва ижтимоий онг шакллари бўлган (сиёсий ва ҳукукий онг, ахлоқ, санъат, фалсафа ва бошқалар) ижтимоий онгнинг даражалари, ижтимоий идеология ҳамда ижтимоий психологияда экологик жараёнларга муносабатни тарқиб топтиришдан иборатdir»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Кочергик А. Н. Марков Ю. Г. Василев Н. Г. Экологическое знание и сознание. – Новосибирск: Наука, 1987. – С. 40.

<sup>2</sup> Жибуль И. Я. Экологические потребности. Сущность, динамика, перспектива. – Минск: Наука, 1991. – С. 43.

Юкорида қўриб ўтилган экологик билим ва дунёқарашнинг шаклланиши ва бойиб боришига доир ҳар иккала ёндашувда ҳам ўзига хос янгича концептуал гоялар илгари сурилган бўлиб, бизнингча, бу гояларнинг миллий менталитетимиз хусусиятларига мос жиҳатларига эътибор қаратишимиш ва назарий жиҳатдан янада бойитишимиш мумкин. Хусусан, экологик билим, онг ва дунёқарашиб такомиллашувига халақит бераётган яна бир ҳолат – шахс амалий фаолиятида экологик амалиёт объектларини танлаш ва унга экологик билим ҳамда кўнишка асосида муносабатда бўлишдаги номувофиқликларнинг келиб чикипига таъсир этувчи куйидаги асосий омилларни курсатиб утиш зарур:

- экологик объектларнинг табиий жараёндаги хилма-хиллиги ва ўзига хослигини тұла идрок этишда шахс интеллектуал салоҳияти ва малакасининг етарли эмаслиги;
- шахсда экологик кадриятларга баҳо беришдаги муайян омилларга детерминистик ёндашишдан иборат индивидуализмнинг нисбатан устуворлиги;
- экологик объектларнинг жамиятдаги базис ва усткурма үпсурлари билан алоқадорлигини таҳлил этишда турли илмий сидашувлардаги зиддиятларнинг мавжудлиги.

Мазкур масалалар юзасидан илмий изланишлар олиб борган республикамиз олимлари қарашларида ҳам бир-биридан фарқ қилувчи нұктаи назарлар мавжуд. Хусусан, С. Мамашокиров бу хусусда куйидаги концепцияни илгари суради: «Экологик фаоллик ва масъулиятнинг мақсадга мувофиқлигига, оптимальигига эришиш учун экологик амалиёт объектини аниқлаб олиш методологик аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Чунки экологик практиканинг обьекти факат бевосита биосфера экологик мувозанатини саклашга қаратилган техник-технологик базис муносабатларидан иборат бўлмасдан, балки унинг ўзига хос усткурмасини ҳам ўз ичитга олади. Бундан ташқари, экологик амалиёт жараёнида жамият базис ва усткурмасини бутунлай тубдан ўзгартиришга (айниқса, сиёсий инқилоблар билан)

зарурият йўқ, балки фаол экологик практикага халақит берадиган усткурма унсурларини баратараф этишлари керак»<sup>1</sup>. Ўз навбагида, айнан шу жараённинг ўзи экологик практика объектини ташкил қиласди.

Э. Ҳошимова қарашларида эса экологик амалиёт объекти билан боғлиқ масалалар моҳияти глобал ва ҳудудий хусусиятлар билан алоқадорликда олиб қаралади. Муаллиф асосий эътиборни шахсдаги фаол экологик мавқенинг таркиб топишда таълим-тарбия, хусусан, эътиқод, ишончнинг экологик дунёқараш услубларининг шаклланишидаги аҳамиятини кўрсатиб беришга уринади. Унинг фикрича: «Фаол экологик мавқенинг шаклланишида шу йұналишдаги таълим-тарбия соҳаларининг ўзаро бөвланиши жуда катта аҳамиятга эга. Бу жараёнда экологик тарбия табиатга нисбатан назарий қарашларни шакллантиришдангина иборат бўлмасдан, шу билан бирга, эътиқод шаклланишини ва амалий фаолиятга тайёргарликни ҳам назарда тутади»<sup>2</sup>. Бу концептуал ёндашуудан шу нарса маълум бўладики, экологик амалиётнинг нафақат табиий, моддий асослари, балки кишиларнинг экологик тасаввурларига замин бўладиган маънавий-маърифий асослари ҳам мавжуд ва у шахсда экологик онг ҳамда дунёқарашнинг бойиб боришида муҳим омил ҳисобланади.

Умуман, экологик дунёқараш индивидуал кесимда айrim индивид ва шахсларнинг табиат ва унинг ҳодисаларига шахсий ёндашувини англатса-да, ҳар қандай индивидуаллик ижтимоий омиллар билан омихта бўлиб кетганини унутмаслик керак. Шундай экан, экологик амалиёт объектларидан холи тарзда экологик назарий онг ҳам, шахс экологик дунёқараши ҳам тўла шакллана олмайди.

<sup>1</sup> Мамашокиров С. Экологик фаоллик ва масъулиятни шакллантиришда ижтимоий-сиёсий омилларнинг роли. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация. – Т., 1997. – 32- б.

<sup>2</sup> Ҳошимова Э. С. Экология проблемасида глобал ва зонал муносабатлар. – Т.: Фан, 1986. – 36- б.

Биз юкорида таъкидлаганимиздек, экологик дунёқарааш нисбий мустаки兹ликка эга бўлиб, ҳар бир даврнинг силсиласи атроф муҳит, ижтимоий воқеликлар, глобал ҳодисалар таъсирда мунтазам ўзгариб, янгиланиб борувчи ижтимоий онгнинг муайян шакли сифатида намоён бўлади. Шу хусусиятлардан келиб чиқиб, кенг маънода: «*Экологик дунёқарааш* – бу инсоннинг табиат, атроф муҳитдаги ўзгаришларнинг табиий, ижтимоий ва техноген омилларини моҳиятан англаши, баҳолали ҳамда унинг окибатларини олдиндан ҳис қила билишини, яъни уларни ғояларда, назарияларда, таълимотларда ифодалаб, глобал табиий ва антропоген ўзгаришларга мослашиши интеллектуал салоҳиятининг мажмуидир», – деб таъриф бериш мумкин.

Умумфалсафий дунёқарааш жиҳатдан экологик дунёқараашни бир қанча хусусиятларига кўра табақалаштириш мумкин. Масалан, экологик дунёқарааш *тузилишига* кўра экологик билимлар, ғоялар, идеаллар ва маънавий қадриятлардан ташкил топади. *Таркиб топишига* кўра: стихияли ва англанган; эмоционал даражасига кўра: оптимистик ва пессимилик; *тинига* кўра: кундалик, диний, илмий; *инсон ҳаётидаги ўрнига* кўра: мақсад ва мўлжал берувчи, экологик билиш услубларини аниқловчи, табиатнинг қадрият эканлигини англатувчи ҳодиса эканлигини куришимиз мумкин. Умуман, бошка турдаги дунёқараашлар каби экологик дунёқарааш доимо тарихийлик характери билан ажралиб турари ва у ҳамма вақт инсоннинг ишончи билан боғланган бўлади.

Бундан ташқари, экологик дунёқараашни уни ифода этувчи субъектига кўра: *алоҳида инсоннинг экологик дунёқарааши (индивидуал)*; *муайян одамлар групхига* хос экологик дунёқарааш (*жамоавий*); *муайян касб доирасидаги* (*профессионал*); *жамият экологик дунёқараши* (*ижтимоий*) йўналишларга ажратиш мумкин.

Илмий адабиётларда тадқиқотчилар ўз илмий максадларидан келиб чиқсан ҳолда экологик дунёқараашни икки йўна-

лишда табақалаштирадилар. Дунёқараши типига кўра: 1) *теоцентрик, космоцентрик, антропоцентрик, социоцентрик ва сцентистик*; 2) *содда дунёқараши, диний дунёқараши, илмий дунёқараши*. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам ўзига хос мантиқ бор. Энг асосийси улар бир-бирига қарама-қарши эмас ва экологик дунёқарашини тадқиқ этувчиларга уларнинг ҳар бири ўзига хос ижобий ёндапшувлар топишга туртки бериши мумкин.

Экологик дунёқараши табиатга эстетик муносабатнинг ўзига хос шакли ҳам бўлиб, унда индивидуал тарбиявий таъсиirlар, оила муҳити ва жамоатчилик экологик фаоллигининг бевосита таъсири катта. Экологик дунёқарашининг ривожида табиатнинг уйғониши билан боғлиқ байрамлар, маросимлар муҳим ўрин тутади. Бу эса, ўз навбатида, миллий қадриятлар тизимида шаклланган экологик қадриятларнинг шахс амалий фаолияти ва дунёқараши такомилида ўзига хос мавқега эга эканлигини англатади. Зоро, Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек, ҳозир Оролни асрар, табиий ресурслар ва аввало, сув ресурсларидан тежаб фойдаланиш соҳасида қилинаётган барча ишлар давлат ва миллий кўламда ахамиятга эга бўлиб, ҳамманинг эътибор марказида бўлиши лозим<sup>1</sup>.

Бу ўринда, мамлакатимиз аҳолисининг майний, ҳукукий, ахлокий, диний, эстетик ва шу каби кўринишларда амал қиувчи экологик дунёқарашидаги устувор жихатларни, улардаги миллий менталитетимизга хос томонларни янада такомилаштиришда аждодларимиз мероси, урф-одатлари, таомиллари ва миллий қадриятларимизга таяниш масъулиятини ҳар биримиз қалдан ҳис қила олсак, табиатни асрар, атроф муҳит мусаффолигини саклашда кўзланган натижаларга нисбатан тезрок эришба оламиз.

<sup>1</sup> Карап: Каримов И. А. Ўзбекистон мустақиллика эринини остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 204- б.

# **Л БОБ. ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР КЕСКИНЛАШАЁТГАН ДАВРДА ШАХС ДУНЁҚАРАШИ, МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

## **2. I- §. Маънавий қадриятлар тизимида экологик дунёқарашининг мақоми, ўрни ва роли**

Ҳар қандай жамият ўзига хос маънавий асосларини ривожлантирумасдан, миллий-маънавий қадриятларига таянмасдан, одамлар онгида маърифий, ахлокий, ҳуқукий, диний, экологик қадриятларни шакллантирумасдан, ўз келажагини таъминлай олмайди. Зеро, ҳар қандай тарихий даврда «маънавий-рухий тикланиш инсоннинг ерга ва унинг бойликларига бўлган муносабатини ўз ичига олиши лозим»<sup>1</sup>. Бу муносабатлар диалектикаси, шахс экологик сифатларини шунчаки кун тартибига кўйиш билан эмас, балки инсонда табиатни муҳофаза қилиш ҳис-туйғуларини тарбиялаш, уларда илмий дунёқараши шакллантириш, бу соҳадаги амалий тажрибаларини чукурлаштириш вазифалари билан боғлиқ бўлади. Албатта, шахс экологик онги, экологик маданият даражаси, унинг амалий фаолияти, ҳис-туйғулари, эмоционал ҳолати жамиятдаги реал экологик воқеликни ва унинг маънавий-маданий ривожланиш хусусиятларини ифодалайди.

Юқорида экологик дунёқарашиб масалаларини кўриб чиқишда унда қадриятларга оид томоннинг ҳам ўзига хос ўрни борлигига эътибор берилган эди. Масалага чукурроқ қарайдиган бўлсак, «қадрият» тушунчасида борлиқдаги нарса ва ҳодиса-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 530–531- бетлар.

ларнинг инсоний, ижтимоий ва маданий мазмунига хос томонлари акс эттирилади. Шунга мос тарзда инсоният тарихининг илк босқичларидан бошлаб ҳозирги давргача дунёга қадрияттый муносабат икки типга ажратиб келинган:

*Биринчиси* – инсон фаолиятининг моддийлашган предмет ва ҳодисаларига, табиат нарса ва ҳодисаларига қадрият сифатида бўлган муносабат. Бу доирага ижтимоий муносабатлар таъсири доирасига тортилган табиат ҳодисаларига бўлган муносабатлар ҳам киради ва уларга *моддий қадриятлар* сифатида эътибор килиниб, бу муносабатлар, асосан, ахлоқий масалалар обьекти сифатида чиқади.

*Иккинчиси* – ҳодисаларни тегишили баҳолашга асос бўлувчи мезонлар ва баҳолаш усуллари сифатида амал килувчи *субъектив қадриятлар*. Улар ижтимоий онгда норматив рашида мустаҳкамланган тасаввурлар, мақсадлар, лойиҳалар, тақиқлар, талаблар, баҳолар, йўл-йуриқлар, кўрсатмалар бўлиб, инсон фаолиятининг мўлжаллари (ориентирлари) сифатида амал қиласди.

Шундай қилиб, экологик дунёқарашнинг аксиологик томони инсон фаолиятини мувофиқлаштиради, бошқаради ва муайян даражада масаланинг праксиологик томони билан боғланган. Бу ерда праксеологик аспект экологик фаолиятдаги қадриятга оид томон (компонент)нинг билишга оид томон билан узвийлигини ва уларнинг мустаҳкам алоқадорлигини билдиради. Бу экологик дунёқарашнинг руҳий-амалий томонидир, чунки бу ерда экологик дунёқараш инсон фаолиятига турли лойиҳалар, хатти-харакат дастурлари ва тегишли мулоқот тарзининг қандай «боғланиб кетаётганини» тушунишга имкон беради.

Шундай қилиб, умуман дунёқараш, хусусан, экологик дунёқараш индивиднинг маънавий ва амалий фаолиятини *тартибга солувчи (регулятив) жиҳатларни* ўз ичига олади. Бундай тартибга солувчи жиҳатлар инсонга афсонавий, диний, илмий, фалсафий ва шу каби қарашлар орқали сингдирилади. Дунёқарашнинг праксеологик томонида тартибга солувчи жиҳатлар

ни тағамойиллардан ташкари ишонч ва эътиқод компоненти ҳам мажуд. Ишонч, эътиқод, дунёвий билимлар ва қадриятларнинг инсон дунёқарашига сингдирилиши ва мустаҳкамланиши узлаштирилган ғояларнинг ҳақиқийлигига иймон келтиришшар.

Билимлар ишончга айлананиши ҳам, айланмаслиги ҳам мумкин. Лекин ишонч ҳамма вакт рационал, оқилона билимларга асосланади. Ишонч билимни амалиётга ўтказувчи, трансформатив звенодир. Билим ишончга айланганидагина, у дунёқарашининг бир элементи бўлиб қолади (шунинг учун аксарият ҳолларда дунёқарашини инсондаги барча ишончлар йигиндиси ҳам дейишади). Шунинг учун инсондаги қатъий ишонч дунёқарашининг асосий компоненти сифатида унга ҳаётда ёрдам беради, мураккаб вазиятларда тўғри йўл топишга кўмаклашади.

Экологик дунёқарашининг праксеологик томони фаолиятни тартибга солишга оид жиҳатларни, хатти-харакат, мулокот ва ишончни ўз ичига олади. Инсон ишончида экологик дунёқарашига оид қарашлар ва билимлар, уларнинг ҳақиқатлигига иймон, ижтимоий қадриятлар, идеаллар ҳамда инсоннинг ҳаракатга тайёр эканлиги каби томонлар ўзаро мувофиқлашади. Шундай қилиб, инсон экологик дунёқарани таркиби *билимлар, қадриятлар, ишонч ва ироданинг ўзаро боғлиқ звенолари*дан ташкил тонади.

Тарихдан маълумки, қадимги Шарқ цивилизацияларида амал қилувчи қадриятлар тизими минг йиллар мобайнида деярли ўзгаришсиз колтан. Бунинг устига, уларда диний мотивлар устунлик қилган. Масалан, Қадимги Ҳиндистон ва Хитой фалсафий таълимотларида анимистик томон устувор аҳамиятга эга бўлган. Бу ҳолатлар қадимги дунёда таркиб топган табиат олдида сажда қилиш, унинг нарса ва ҳодисаларини олий қадрият деб тан олиш ҳамда шунга мувофик муносабатларни сақлаб қолган. Ва бу ҳолатлар, умуман олганда, шундай дунёқарашига асосланувчи табиатни техник ўзлаштириш жараёни Ғарб жамиятларидан кўра орқада қолишга олиб келган.

Шарқдан фарқли равища антик Греция, Рим, кейинрок эса Уйғониш даври Европасидаги худудларда дәхқончилик, хунармандчилик, савдо, денгизчилик анча тезлик билан тараққий этди. Натижада бу худудлардаги экологик қадриятлар ва уларга мөс фаолият мүайян үзгаришларга учради. Жумладан, хұжалик фаолиятининг ривожи табиат нарса ва ҳодисаларини илохий деб ҳисоблашдан чекиништа олиб келди. Табиат ва худолар бир-биридан ажратилди ҳамда табиат буюмларига утилитар қадрият сифатида муносабатда бўлиш кучайди. Бу ҳолни Протагор олға сурган «Инсон – барча нарсаларнинг мезони» шиорида кўриш мумкин.

Бу табиатнинг аҳамияти унинг инсон манфаатига қанчалик мөс келиши билан белгиланишини англатарди. Рим империясида бу қоида устуворликка эришди. Фаолиятда утилитар қадриятларнинг хатти-харакатлар белгиловчисига айланиши табиатни қайта ишловчи техник қурилмалар, бир сўз билан айтганда, технологиянинг ривожини таъминлади. Шу сабабли шаҳарсозлик, йўл қурилиши, каналлар бунёд этилиши, ҳарбий техника, кемасозлик жадал ривожлана бошлади. Айнан ўша даврларда Архимед, Витрувий, Герон Александрийский каби олимлар турли кашфиётлар қилди. Албатта, кейинроқ, айниқса, Ўрга асрдаги диний гоялар ҳукмронлиги пайтида табиатнинг шафқатсиз эксплуатация қилиниши камайди. Чунки насронийлик жаннатга тушиш умидида бўлган кишилардан ердаги хузур-халоватлардан, шу жумладан, табиат неъматларидан воз кечиши талаб қилгани боис табиатга босим бироз сусайган эди. Капиталистик муносабатлар яна табиатни утилитар қадриятга айлантириди, унга фақат меркантил муносабатни тиклади ва табиат жуда кучли антропоген таъсирни кечира бошлади. Бунинг ҳозирги аянчли экологик вазиятга олиб келганини үзимизда ҳис қилиб турибмиз.

Масаланинг моҳиятидан келиб чиқсак, шахс ёки жамиятнинг экологик маданияти ҳам, уларнинг экологик дунёқараши ҳам ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг тизимларининг үза-

ро алоқадорлигидан шакланиши маълум бўлади. Шу масалада М. С. Коган: «Маданият – ижтимоий борликнинг тизимлашган шакли бўлиб, бу тизимнинг моҳиятини англамай туриб, маданиятта оид таркибий таҳлиллар тугал бўлмайди. Факатгина маданият тушунчасини «табиат, жамият, инсон» каби тушунчалар қаторига қўшиш орқалигина амалга оширилаётган таҳлил тугал бўлади. «Табиат–жамият–инсон–маданият», ҳақиқатан ҳам, ўзига хос тизим бўлиб, уларнинг асосий компонентлари функцияларини ажратиб кўрсатувчи мезондир»<sup>1</sup>, – деб ёзганди.

Маълумки, маданият жамият ҳаётининг барча томонларига, унинг ҳамма соҳаларига (шу жумладан, экология соҳасига ҳам) дахлдордир. Тадқиқотчилар инсон маънавий ва амалий фаолиятининг муайян соҳаларини экологик маданият билан ботгайдилар. «Умумий ва ўзаро боғланиш ҳамда ривожланиш диалектикасининг гоят муҳим принципларини тушуниш замидагина экологик маданиятни ривожлантириш ва такомилаштириш мумкин»<sup>2</sup>.

Ер юзидағи ҳозирги экологик вазият турли маданиятларда табиатга муносабатнинг қандайлигини ўрганиш масаласини долзарб вазифа даражасига кўтарди. Умуман олганда, «маданият» (культура) атамаси дастлаб ерга, моддий нарсаларга ишлов беришни англатганлиги боис, унинг ўзида муайян экологик мазмун акс этишини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Шу маънода, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни гармоник ташкил этилиши учун барча тиңдаги маданиятларда мавжуд бўлган экологик характердаги ижобий тенденцияларга эътибор қаратиш, улардан унумли фойдаланиш, умуман, таълим ва тарбия тизимларининг муҳим вазифаси қаторига кириши лозим. Бу, бир томондан, дунёдаги кўилаб маданият-

<sup>1</sup> Когон М. С. Культура как объект философского исследования // Роль духовной культуры в развитии личности. – Сб. науч. трудов Гос. института культуры им. Н. К. Крупской, 1979. – С. 12.

<sup>2</sup> Алиев М. Табиат ва тақдиримиз. – Т.: Медицина, 1989. – 32- б.

ларнинг ривожига ҳисса кўшса, иккинчи томондан, экологик ҳолатнинг юмашига, натижада унинг ечимиға олиб келади.

Бу йуналишда кенг даражада маданиятлар синтезини амалга ошириш заруриятлигини тақозо қилади. Чунки турли-туман йўналиш, шакл ва типдаги маданиятларда табиатга ижобий ёндашув бунга мисол бўлади. Масалан, Ғарб маданиятида рационализмнинг ҳиссийлик устидан устуворлигини, Шарқ маданиятида эса унинг аксини – иррационализмни кўрамиз. Аслини олганда, уларнинг оқилона мувозанатини топиш ҳам экологик жиҳатдан, ҳам умумфалсафий жиҳатдан муҳим вазифа саналади. Шу маънода, уларнинг экологик ўзаро синтезига эришиш табиат билан муносабатларда ўзаро мувофиқликни топиш ҳамда ижтимоий гармонияга эришишни англатган бўлар эди.

Умуман олганда, маданият, шу жумладан, экологик маданият у ёки бу халқ жамоавий экологик фаолиятининг маҳсулли бўлиб, у ўзига хос ноёб ижтимоий-маданий магиз (код)га эга. Шунинг учун ҳам баъзан ҳар бир миллатнинг ўзигагина тегишли бўлган тил маданияти, хатти-харакат маданияти, экологик, иқтисодий, хуқукий ва бошқа маданиятларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини аниқлаш мухим аҳамиятга эга. Чунки маънавий қадриятлар тизимида экологик дунёқарашнинг мақомини ижтимоий психологиядан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди.

Ижтимоий психология даражасида экологик моддий ва маънавий маданиятларда халқ томонидан тўпланган қадриятлар ҳакида гапириш кенгрок тарқалган. Бунда, одатда, маънавий маданиятга оид ишонч, удум, тил, адабиёт ва бошқа белгиларнинг; моддий маданиятга оид ҳайкалтарошлиқ, меъморчилик, рассомлик ва бошқа санъат асарларининг экологик дунёқарашни шакллантиришдаги аҳамияти ҳакидаги фикр юритилади. Шунга мос равиша, тадқиқотимиз нуктаи назаридан экологик дунёқараш мазмунни ифодаловчи баъзи тушунчаларга тўхталиб ўтиш жоиз.

**Экологик маданият (қафрият)** муайян жамият, ундаги сомоналар ёки шахснинг табиатга муносабатини характерлайтишти койдалар, нормалар, қарашлар ва талаблар йигиндиси замда айдан улар асосида амалга оширилувчи хатти-ҳаракатларни англатади.

**Экологик саводхонлик (салоҳият)** – инсоннинг табиатга нисбатан амалга ошираётган фаолиятига асос бўлувчи табиий-жумий билимлар даражаси, ундаги маҳсус кўникма ва қобилиятлар ҳамда ахлоқий сифатлардир.

**Экологик талаб (императив)** табиат билан ўзаро муносабатларда экологик нормаларни бажариш зарурияти ҳисобланади, уларнинг амалга оширилиши барқарор таракқиётнинг шарти ҳисобланади ва инсоният цивилизацияси келажагини белгилайди.

**Экологик тарбия (дидактика)** одамларда табиатга нисбатан онгли муносабатни шакллантириш, унинг ресурсларига оҳтиёткорона ёндашиб ҳамда уларни қўриқлашга маҳсус йўналтирилган фаолият бўлиб, биосфера экологик мувозанатини субъектив омилидир.

**Хукуқий-экологик таълим** – шахсни табиатни қўриқлаш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш фаолиятини конунгий-хукуқий ташкиллаштиришининг маҳсус билимларини ва амалий кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёни.

**Экологик онг** – ижтимоий онг шакли сифатида инсон ва табиат муносабатларининг инъикоси бўлиб, кишилар фаровонлиги табиатнинг экологик мувозанати ҳолатига боғлиқлигини индивидуал ва жамоавий тушуниш қобилияти.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, экологик дунёқарашиб, онг ва маданиятнинг мазмун-моҳиятида умуминсоний экологик муаммолар билан боғлиқ масалалар ўз аксини топганлигини кўрамиз. Эколог олим Н. Ф. Реймерс таъкидлаганидек, «экологик маданиятда инсониятнинг бугунги ҳаёти ва истиқболдаги ривожланишида муҳим экологик муаммоларни тавсифловчи,

ўткір, чуқур мушоҳадага асосланган умуминсоний маданиятнинг босқичлари ва таркибий қисмлари ўз мужассамлиги ни топган»<sup>1</sup>. Экологик маданият ва шахс экологик дунёқарашининг ўзаро алокадорлиги асосида қадриятларга муносабат алоҳида ўрин тутади. Демак, шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда экологик жараёнларнинг дунё миқёсидаги ва диёrimиздаги ўзига хосликларни улар руҳиятига сингдириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқ килинаётган муаммога илмий ёндашув тарихийлик ва мантикийлик, маънавий меросга муносабат, анъана-вийлик ва замонавийлик тамойилларига асосланганлиги учун шахс экологик онги ва дунёқарашини шакллантиришга жаҳон халқлари экологик маданий меросидаги умуминсонийлик ва миллийлик диалектикасининг намоён булиши тарзида қаралиши керак.

Экологик маданият, тор маънода, инсоннинг табиат билан бирлигини тиклашга кайтишини англатади. Экологик дунёқарашни шакллантиришда ҳам моддий, ҳам маънавий маданият компонентлари иштирок этади. Бунда, айниқса, маънавий маданиятнинг барча соҳалари катта роль ўйнайди. Экологик дунёқарашнинг юкори даражаси табиатга маданий муносабат комплекслиги ва системалилигига боғлиқ бўлади. Экологик маданиятнинг таркиб топиши жамият барқарорлигига, яъни экологик тамойилларга кўра фаолият олиб борувчи жамият яратилишига олиб келади.

Жамиятнинг бундай янги типида ижтимоий ички муносабатларни ўзгартириш эмас, балки инсон ва табиий мухитнинг ўзаро муносабатларини ўзгартиришга йўналтирилган ҳолат устувор аҳамият касб этади. Бу эса кишилар дунёқарапидаги яхшилик, ижобийлик, прогрессивлик ва шу каби каби тасаввурларни ҳам тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Шунуктаи назардан, «экологик маданият бошқа барча ижтимоий

<sup>1</sup> Реймерс Н. Ф. Природопользование. – М., 1990. – С. 19.

еном сингари диалектика қонунлари асосида ривожланади, уни ким янги, прогрессив ва эски, регрессив ҳодисалар мавзул булиб, улар ўртасида доимий кураш кетади. Демак, экологиянги янги ва эски, ижобий ва салбий, фойдали ва заарли ҳамда воқеликларнинг мунтазам алмашиб туриш объектидир»<sup>1</sup>.

Шу маннода, экологик маданият ва шахс экологик дунёқарашидаги ўзаро нисбат, фарқ ҳамда тафовутлар, бизнингча, сушилдигиларда кўзга ташланади:

— экологик маданият экологик дунёқарашга нисбатан ишоний барқарорликка эга бўлиб, тасаввурлар, қадриятлар, урғодат ва анъаналарнинг ўзаро амалий муштараклиги ва интеграцияга мойиллиги унинг моҳиятини ташкил этади;

— экологик дунёқараш муайян шахс амалий фаолияти, билими, тажрибаси, табиатга муносабати тарзида шаклланганлиги ва табиий-ижтимоий жараёнлардаги ҳодисалар билан ҳамоҳанг бойиб бориши боис экологик маданиятга нисбатан динамик ўзгарувчанлик характеристига эга;

— экологик маданият мазмунига табиат ва жамият ўртасидағи муносабатлар таъсирини түғри тушуниш, уни оқилона йўлга кўйиш, экологик билим ва кўникмага эга бўлиш, ўз қасби, салоҳияти доирасида ишлаб чиқаришни экологиялаштиришга хизмат қиласи.

Юқорида зикр этилган фикрни тадқиқотчи В. О. Левинская куйидагича асослайди: «Экологик маданият – бу табиат неъматларини ўзлаштиришга оқилона ижодий ёндашув бўлиб, ушбу жараёнда экологик қадриятларни ишлаб чиқиши, тақсимлаши ва ундан фойдаланишга масъулиятли ёндашув юзага келади»<sup>2</sup>. Умуман, экологик маданият ва шахс экологик дунёқара-

<sup>1</sup> Махмудова Ш. Л. Экологическая культура как фактор гуманизации отношения общества к природе. Диссерт. на соискание учен. степ. канд. филос. наук. – Т., 1994. – С. 65.

<sup>2</sup> Левинская В. О. Понятие, структура и функции экологической культуры. Дисс. уч. степ. канд. филос. наук. – Т., 2000. – С. 11.

шидаги ўзаро нисбат, фарқ ва тафовутларга қарамай, бу икки тушунчани шакллантиришда кишилар рухияти ва жамиятда етилган ижтимоий-экологик эҳтиёж белгиловчи аҳамиятга эга. Зеро, экологик эҳтиёж ва унинг шаклланиши жамият билан табиат муносабатларини уйғулаштиришнинг асосий ҳал қи-лувчи омили сифатида алоҳида долзарблиқ касб этмоқда. Шу боис кишиларда экологик маданиятни юксалтириш аллақачон давлат сиёсати даражасидаги аҳамиятга эга бўлган вазифалардан бирига айланган.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, барча даврларда кишилар табиатга бефарқ бўлмаганлиги, улар муайян экологик дунёқараш асосида ўзларининг турмуши, ҳаёт тарзини йўлга қўйганлиги ҳақидаги хulosани билдириш мумкин. Масалан, туркий халқларда уларнинг ибтидоси бўри эканлигига ишонч мавжуд. Щунинг учун бу халқлар адабий меросида табиатга, хусусан, бўрига ва бўрисимон ҳайвонларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларга нисбатан ваҳшийлик қиласлик талаблари мавжуд. Худди шундай ҳол Ҳиндистонда сигирга бўлган муносабатда, туркмайларда йилқига муносабатда ўз ифодасини тоғган.

Айни пайтда, Ўрта Осиё халқларининг табиат билан уйғун яшаш талаби минг йиллардан буён алоҳида нишонланиб келинаётган Наврӯз байрами ва табиатга муносабат акс этган асотирлар, урф-одатларда узининг ёрқин ифодасини тоғган. Булар каторига табиатга эҳтиёткор муносабатни тарғиб этувчи халиқ эртаклари, масаллари ва мақолларини ҳам киритсак тұғри бўлади. Асрлар мобайнида таркиб тоғган халқ тафаккурининг ушбу дурдоналарида табиий мухит, унинг турли-туман ўсимлик ва жониворларини асрлаш, ресурсларига эҳтиёткорона муносабат ҳаётий қадриятга айланиб, амалий аҳамият касб этганилиги ҳозир ҳеч кимда шубҳа уйғотмаса керак.

Албатта, бу экологик тасаввурлар гоҳ диний асотирлар таъсирида, гоҳ эса уларни инкор этувчи дунёвийликни идеаллаштириш каби ўзгариб турувчи вазият ва муносабатлар са-

ишилган ишмий-назарий асосга эга бўлмаган. Шунингдеки оғизниң ишмий-назарий асосланган экологик тушунчалар таъсирини, унадаги мавжуд экологик маданиятни чуқурлабориришни кенгайтириши асосида экологик дунёқарашни узун орнажлантириб бориш зарурияти келиб чиқди. Чунки табиатни маданият табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиларниң таъсириниң яхши тарзидаги янги истиқболли йўналиш булиб, у интифодишини жараёни объектини акс эттириб, қадриятларни таъсирни икки турини: маданий қадриятлар ва табиий қадриятларни ўзида мужассамлаштиради»<sup>1</sup>.

«Экологик маданият» тушунчаси нисбатан янги тушунчада табиатни қарамасдан, ҳозирги фалсафий адабиётларида бу табиатни кўплаб қарашлар ва таърифлар берилиган. Хусусан, Н. И. Бозорова: «Экологик маданият – бу табиатни муҳофаза этиши, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиши, экологик маданиятни түшувларниң шаклланиши, фаол ҳаётий нуқтаи-назарда табиатни, экологик билимга эга бўлишдан иборатдир»<sup>2</sup>, – деб скази, У. Г. Сайдова мазкур тушунчага: «Экологик маданият – бу табиат ҳақидаги билим, онг, идрок, саводхонлик, интеллектуал салоҳият ва уни амалда қўллай билиш фаолияти, итроф муҳитга нисбатан инсон фаолиятининг юксак кўрсаткичи, онгли ва масъулиятли ёндашувидир»<sup>3</sup>, – деб изоҳ беради.

Тадқикотчилар Э. Ж. Икромов ва А. А. Хотамовнинг асарлари айнан шахснинг экологик маданиятини шакллантириши масалаларига қаратилиган. Улар бу муаммоларни «Шахс экологик маданияти барча тарбиявий ишларнинг маҳсулидир»<sup>4</sup> дега

<sup>1</sup> Левинская В. О. Понятие, структура и функции экологической культуры. Дисс. уч. степ. канд. филос. наук. – Т., 2000. – С. 22.

<sup>2</sup> Бозорова Н. Ш. Талабаларда экологик маданиятни шакллантиришининг илмий-педагогик асослари. Пед. фан. ном. илм. дараж. олиш учун диссерт-я. – Қарши. 2006. – 41- б.

<sup>3</sup> Сайдова У. Г. Экологик маданият тарихи ва унинг ривожланиши босқичлари. Фал. фан. ном. дис. автореферати. – Т., 2008. – 26- б.

<sup>4</sup> Икромов Э. Ж., Хотамов А. А. Шахснинг экологик маданияти. – Т.: Ибн Сино, 2001. – 15–16- бетлар.

ган концептуал ёндашувни тадқиқ этиш орқали ёритиб беришга ҳаракат қилғанлар. Лийни пайтда, экологик маданиятнинг шахс экологик дунёқарашини бойитишдаги функциялари ҳам қатор таҳлил ва хulosалар орқали асослаб берилган.

Экологик маданият унсурлари ҳисобланган экологик билим, кўникма ва малакалар, эътиқод ва қарашлар, ҳар бир шахснинг табиий муҳитдаги фаолиятини бошқариб турувчи экологик онг ва дунёқарашини бойитишда, энг аввало, маҳаллий даражада миллий қадриятларга таяниши зарурлиги, уларнинг умуминсоний қадриятта оид хусусиятлари устуворлашувини таъкидлаш жоиз. Чунки экологик маданият – агроф муҳит ва табиатга амалий муносабат, кишиларнинг экология соҳасидаги фаолияти ва хулқ-атвори, муайян даража ва йўналишда шаклланган онги ҳам демақдир.

«Экологик маданият» тушунчасига И. Т. Суравегина қуйидагича таъриф беради: «Экологик маданият – одамнинг экологик билимлари, унинг бу билимларга ижобий муносабатининг ўсиб борувчи бирлигидан иборатдир»<sup>1</sup>. Бизнингча, бу таърифда шахс ва жамиятнинг маънавий компонентларига кўпроқ эътибор берилиб, экологик амалиётга етарли эътибор қаратилмаган. А. А. Мелкумова ва Г. И. Любкарскийларнинг таъкидлашларича, экологик маданият бир қанча таркибий қисмлардан: эътиқод, билим, кўникма ва малака, фаолият ва хулқ-атвор меъёрлари ҳамда ҳис-туйғулардан иборат. Яъни «экологик маданият» тушунчасининг ассосий негизлари бу – экологик билимлар, экологик онг, табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалий кўникма ва малакалардир<sup>2</sup> деган хулоса келиб чиқади.

Бу таърифлар экологик дунёқарашининг соғ гносеологик категория сифатидаги қарашлари билан муайян аҳамиятга эга. Лекин биз олдинги параграфда «экологик дунёқараши» тушун-

<sup>1</sup> Суравегин И. Т. Экономика. Экология. – М.: 1998. – С. 63.

<sup>2</sup> Қаранг: Мелкумова А. А. Любкарский П. И. Основы экологии. – М., 1975. – С.

часи мазмунига уни трансформация қиладиган усул ва воситаларни хам киритган эдик. Яъни экологик дунёқарааш тарифида онтологик, гносеологик ва праксеологик жиҳатларнинг бирлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, экологик маданият инсоннинг табиатга субъектив муносабати ҳисобланиб, бу муносабат атроф муҳитни муҳофаза қилиш мухимлигини англаб олишида, бошлианаётган экологик хавфни бартараф қилишнинг ишончли йўли сифатида табиий ҳодисаларга тўғри ёндашиш зарурлигига ишонишда намоён бўлади<sup>1</sup>. Шунинг учун экологик маданиятли кишилар табиатга, атроф муҳитга масъулият билан муносабатда бўлади, табиатни ўз уйидек кўради, уни доимо нарваришилаб, тоза, мусаффо ҳолатда сақлашга ҳаракат қиласи.

Бунда кишиларнинг экологик билими, онги, табиатни муҳофаза қилиш бўйича кўникма ва малакаларининг муайян кўлами муҳим аҳамиятга эга, албатта. Инсон мана шу учта таркибий қисмни ўзида мужассамлаштируса, яъни экологик билим, он ва ҳаракатга (яъни амалий компонентга) эга бўлса, унда экологик маданият шаклланган дейиш учун асос бўлади. Шу билан бир қаторда, инсонда юқори экологик маданиятни шакллантиришида экологик дунёқарааш, илмий экологик тафаккур, ижтимоий экологик фаоллик ва масъулият, ўз-ўзини экологик баҳолаш ва назорат қилиш кабилар ҳам муҳим ўрин тутади.

Экологик маданиятга юқорида берилган таърифларда, асосан, кишиларнинг табиатга субъектив муносабати даражасида баҳо берилиб, объект–субъект муносабатларидаги диалектик шоқадорлик деярли ҳисобга олинмаган. Шунга кўра, экологик маданият тушунчасига қуидагича таъриф берилса, бизнишча, мақсадга мувофик бўлар эди: **экологик маданият – табиатнинг моҳиятини англаш ва унга субъектив муносабат билдиришининг ижтимоий-тариҳий шартланган қарашларни амалиётга оид тизими бўлиб, биосфера экологик мувозанати**.

<sup>1</sup> Карап: Маликова О. Талабаларда экологик муҳитни шакллантириши // Галим гапимизда ижтимоий-гуманитар фанлар. №3, 2007. – 143-6.

а) умуминсоний қадриятлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки, *биринчидан*, барча одамлар ва инсоңий жамоалар ўзига хос, турли-туман ва бир-бирига зид бўлган манфаат мақсад ва ишончга кўра яшаганлар ҳамда шундай яшаб келмоқдалар; *иккинчидан*, ҳар қандай дунёқарашибга оид масала каби, қадрият масаласида ҳаммани қоникитирадиган ечимни бўлиши мумкин эмас; *учинчидан*, бу муаммонинг ечими кўп жихатдан даврнинг муҳим, айни найтда, турли-туман бўлган конкрет-тариҳий шарт-шароитлари билан тақозоланган; *туртинчидан*, қадриятлар ҳамма вақт фазо ва вактда локал характерга эга бўлган ва шундай бўлиб қолади;

б) умуминсоний қадриятлар бўлмаган ва йўқ, аммо бу тушунча ёки яхши, ёки ғаразли мақсадларда омманинг фикрини чалғитиш учун ишлаб чиқарилган сунъий конструкцияди: *биринчидан*, бу конструкция турли ижтимоий бирликларнинг миллий хусусиятларини умуминсоний мақсадларга бўйсундиришга йўналтирилган; *иккинчидан*, умуминсоний қадриятлар таркибида «элитар қадриятлар»нинг доминантлиги эътироф этилади; *учинчидан*, умуминсоний қадриятларни инкор этиш, мантикий равишда, миллий қадриятларнинг реалигини ташолишга олишга олиб келади;

в) умуминсоний қадриятлар бўлмаган ва йўқ, аммо турли жамоалар бир-биридан ажralган ҳолда яшай олмайди. Шунинг учун, *биринчидан*, бу ҳолни исботлаш учун мазкур тушунча ўйлаб чиқарилган; *иккинчидан*, турли ижтимоий кучлар, маданиятлар, цивилизацияларларнинг муросасини таъминлаш зарурияти сабаб бўлган; *учинчидан*, амалий ҳаётда улар мавжуд бўлмаса ҳам, уларни жорий этишга ҳаракат натижасида барча одамларга, жамоаларга, цивилизацияларга таклиф қилиш заруриятидан келиб чиқсан.

Шу нұқтаи назарни ҳимоя килувчиларнинг фикрига кўра, «умуминсоний қадриятлар» АҚШ ва уларнинг иттифоқчилари томонидан ўйлаб чиқарилган уйдирмадир. Чунки улар «умуминсоний қадриятлар» (яъни эркинлик, демократия, инсон

хүкүклари ва шу каби ментал хусусиятларга ёт қадриятлар)ни  
химоя ва экспорт қилиш ниқоби остида ўз миллий гоялари асо-  
сиде ўзига хос ривожланишга интилаётган халқларни асорат-  
га олишга йўналтирилган ҳарбий, иқтисодий босқинчиликни  
шу каби «нардали иборалар» билан ниқбламоқдалар. Яъни  
умуминсоний қадрият» Farb дунёси томонидап ўз мақсадла-  
рини иқтисодий глобализм, «оммавий маданият», мультимада-  
ният ва шу каби иборалар пардаси остида бошқа халқлар ҳаёт-  
ига сингдириш йўлида ўйлаб чиқарилган соф эвфемизмдир.

Умуминсоний қадриятлар реал мавжудлигини тан оловчи-  
лар қўйидаги асосларни олга суришади:

а) умуминсоний қадриятлар – фақат моддий, яъни жисмо-  
ний ёки биологик ҳодисалардир (бойликлар, жисмоний эҳти-  
жларни қондиришга оид ҳодисалар ва ҳ. к.);

б) умуминсоний қадриятлар – факат соф руҳий, маънавий  
ҳодисалардир (масалан, ҳакиқат, адолат, яхшилик ва шу каби-  
лар ҳакидаги мавхум орзулар);

в) умуминсоний қадриятлар – бу ҳам моддий, ҳам маънавий  
қадриятларнинг синтези ва интеграциясидир.

Лйни найтда, бу тизим экологик нуқтаи назардан таҳлил  
килиниса, уларда асос бордек кўринади. Чунки қандай тарихий  
давр ва ижтимоий маконда мавжуд бўлмасин, улар инсоният-  
нинг яшами, фаолият кўрсатишига хизмат қиласидиган миллий  
ва умуминсоний қадриятларнинг глобал экологик дунёкарои  
доирасида фаолият кўрсатишини тақозо қиласи. Зоро, ҳар қан-  
дай инсон, муайян жамиятнинг таркибий қисмлари сифатида,  
умумий экологик дунёкарои доирасида ўзаро турли-туман мун-  
носабатларда бўлади.

Бундай ранг-баранг муносабатларни моддий ёки маънавий  
шуналишларга ажратиш мумкин. Уларнинг биринчисига ама-  
лий фаолиятнинг барча турлари: моддий бойликлар ишлаб  
чиқариш, иқтисодий муносабатлар, жамият ҳаётининг моддий  
соҳаларини, майший ҳаётни ўзгартириш, тажрибалар ва ҳока-  
золар киради.

Маънавий соҳага эса билишга, баҳолашга ва норматив муносабатларга оид жиҳатлар киради.

**Билишга оид жиҳатлар** миллий ва умуминсоний экологик кадриятларнинг дунёқараш мақомини аниқлашда: «Бу нима?», «У қандай?», «У қанча?», «Қаердан?», «Қачон (қанча вакт мобайнида, ундан кейинми ёки олдин)?», «Қандай қилиб?», «Нега?» каби умумий саволларга жавоб қидиради. Шу нуқтаи назардан, шахснинг табиатни идрок қилиш интеллектуал салоҳияти, эмоционал ҳис-туйғусининг бойлиги, уларни ифодалаш усулларининг хусусиятлари табиатни муҳофаза қилиш заруритини, эхтиёжини англаш даражаси билан боғлиқ. Шахс экологик дунёқараши шаклланишининг асосий омили бўлган экологик ҳис-туйғулар гносеологик нуқтаи назардан экологик борлиқни билиш орқали юзага келади. Унинг экологик борлиқни сезиши обьект ва предметларнинг у ёки бу хоссасини акс эттираса, идрок унинг бевосита яхлит идеал образидир. Экологик тасаввур эса экологик воқелик образининг ҳиссий қайта тикланиш жараёнидир. Бу жараёнлар шахс экологик дунёқарашининг асосий субъектив омили бўлган, унинг экологик онгининг мантиқий-мавхум даражасига ҳам ўтади, унинг учун ахборот манбаи булиб хизмат қилади<sup>1</sup>.

Шу нуқтаи назардан, муайян миллатга мансуб шахс экологик тафаккури конкрет экологик воқеликни билиш жараёнида олинган экологик билимларни аккумуляция қилиш, қайта ишлап, таҳлил қилиш, умумлантириш асосида янги билимларни ҳосил қилиш, фаолият, мақсад мотивларини, механизmlарини аниқлаш жараёни сифатида таснифланиши керак.

Экологик тафаккур жараёнида экологик билишнинг хосиласи бўлган илмий тасаввурлар қайта ишланади, таҳлил қилинади, қиёсланади, гартибга солиниб, тизимлаштирилади, хулоса чиқарилади. Булар эса, ўз навбатида, маълум қарорлар қабул

<sup>1</sup> *Каранг: Ҳудойназаров С.Ҳ. Шахс экологик онги ва маданиятини шакллантиришда бадиий адабиётнинг роли. Фалс. фан. номзоди илмий даражаси олиш учун дис. – Т., 2010. – 68- б.*

білініб, вазифалар белгиланышыга ассо бўлади. Шахс экологик дунёкарашини шакланишидаги бу устувор йұналишлар үшіннің мураккаблиги ва шахс ижтимоий амалиётіга құллапшының чекланғанлығы (чунки экологик билимни барча шахсда сутал назарий ҳамда амалий асосда етказиб бериш имконияти жарапланған) экологик муаммоларни ҳал этиш учун кишилар томонидан тұғри қарорлар қабул қилинишига тұсқинлик қидади.

«Атироф этиш керакки, «бугунғи кунда одамларда экологик билимларнинг етарли эмаслиғи, баъзиларда умуман йўқлиги білініб қолмоқда. Кўпчилик экологик муаммолар мавжудлигидан хабардор, баъзилар кечикириб бўлмас қарорлар қабул қилини кераклигини, атроф мухитни муҳофаза қилиш йўлида туб бурилиш зарурлигини талаб қилишса, бошқа тоифадаги одамлар бунинг кераги йўқ деб ўйлашади»<sup>1</sup>. Айнан шу мақсадада экологик дунёкарашнинг функционал аҳамияти кўзга ташланади. Яъни экологик муаммоларга нисбатан шундай зиддиятли муносабатта, кишилар рухиятида сақланиб қолаётган табиатта нисбатан технократик, утилитар, меркантил ёндашув қайфиятларига барҳам беріш учун ҳар бир шахсда экологик дунёкарашни янада бойитиш йўллари ва имкониятларини излаб топиш зарур. Энг мұхими, экологик мәданиятнинг миллий қадриятлар билан алоқадор жиҳатларини топиш ва уларниң умумисоний қадриятларга айланиши шахс экологик дунёкарашини такомиллаштиришни тақозо қиласади.

**Баҳолашга оид жиҳатлар** миллий экологик қадриятларнинг умумисоний қадриятларга трансформацияси ва унинг таркибидаги мақомини аниклашда «Ҳақиқатми ёки ёлғон?», «Заруратми ёки тасодиф?», «Фойдалыми ёки заарли?», «Яхшими ёки ёмон?», «Эзгуликми ёки ёвузлик?» каби универсал саволларга жавоб қидиради.

<sup>1</sup> Ашрапов М. Экологик дунёкараш. // «Ўзбекистон экология хабарномаси». 2005, №3. (54). – 29-б.

Албатта, миллий экологик қадрияттарнинг муайян даражада билингган хусусиятларигина уларнинг умумисоний экологик дунёқарааш таркибидаги ўрнини баҳолашга асос бўлиши мумкин. Баҳо ва унинг объективлиги баҳоланувчи нарса ва ҳодисалар ҳақидаги билимнинг кенглиги, чуқурлиги, илмийлик даражасига боғлиқ. Миллий экологик қадрияттарни баҳолаш мезонининг объективлиги ва реаллиги глобал экологик муаммолар ечимини топишдаги манфаатларга мос келади. Шу маънода, умумисоний қадриятлар ўз таркибидаги миллий экологик дунёқараашнинг объектив реалликдаги ҳолати ва жамиятнинг экологик ривожланиш даражаси билан боғлиқ, яъни улар реал равишда амал қиласди. Лекин бу турли одамлар, жамиятлар онгига орзу-истаклар, идрок-тасаввурлар, қадриятни тушуниш субъектив характерга эга бўлади. Аммо турли-туман одамларнинг, ижтимоий бирликларнинг мақсадлари умумийлиги қадриятлар умумийлигини таъминлайди, яъни айнан улар умумисоний қадриятлар сифатида намоён бўлади.

Баҳолашга оид жиҳатларнинг табиат, жамият ва инсонга иисбатан қўлланилиши асосида, ижтимоий тажрибанинг умумий натижаси сифатида миллий экологик дунёқараашнинг амалдаги маънавий-ахлоқий нормалари, ҳатти-харакатларни регламентлаштирувчи хукукий қонун-қоидалари вужудга келади. Улар кишиларнинг билиш, баҳолаш ва амалий фаолиятидаги мўлжал йўналишларини ташкиллаштириш, бошқариш, мувофиқлаштириш ролини бажарадилар.

Миллий ва умумисоний экологик қадриятларга аксиологик (баҳолаш) муносабат билиш даражаларига боғлиқ бўлганлиги сабабли, реал амал қилмайдиган, мавжуд бўлмаган, хаёлий, фантастик нарса ва ҳодисалар, яъни бизнинг тафаккуримиз билан боғланмаган, нарса ва ҳодисаларга таллукли эмас ва улар қадрият бўла олмайди. Демак, қадрият у ёки бу даражада инсон учун аҳамиятли, муҳим бўлган, реал амал қиласдиган фаолиятни қамраб олади.

Қадриятларга нисбатан «умумисоний» атамасини ишлатар имиз, инсон, жамият ва давлатни назарда тутувчи қуидаги уча Узаро боғлиқ тизимни эътиборга олиш керак:

- 1) умумисонийлик (яъни барча учун умумийлик) амалда ҳар қандай конкрет одамларга (ибтидой одамдан ҳозирги олимгача) тааллуқлиликни англатади;
- 2) умумисонийлик инсоният учун мутлок, доимий ва юкори даражадаги эҳтиёждир (масалан, экологик қадрият);
- 3) умумисонийлик ҳар қандай давлат сиёсатининг марказига қўйилиши керак бўлган вазифадир.

Кўринниб турибдики, экологик дунёқараашнинг қадрият мақоми юкорида санаб ўтилган барча компонентлар учун зарурӣ, адолатли ва мақсадга мувофиқдир.

Шулардан келиб чиқиб, экологик дунёқараашнинг умумисоний қадрият мақомини умумлашган тарзда қуидаги ифодалаш мумкин: умумисоний экологик қадриятлар – инсоният учун муҳим бўлган, демографик-этнографик таркиби, конфессионал мансублиги, фуқаролиги, ижтимоий келиб чиқиши, сиссий мавқеи ва иқтисодий аҳволидан қатъи назар, ҳар қандай одамнинг манфаатига мос, муҳим, нисбатан тургун, моддий ва маънавий ҳаёти асосидир.

Умумисоний экологик қадриятлар бутун инсоният, барча давлатлар учун юқори даражада аҳамиятлидир, чунки улар жамият ва фуқароларнинг эҳтиёjlари ва манфаатларига мос келади ҳамда улар дунёқарашида ўз ифодасини топади.

Чои этилган илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бир неча минг йиллар илгари ҳам, ҳозирги кунда ҳам юзага келган экологик вазият, энг аввало, кишилар онги, дунёқараши асосида шаклланган маданиятнинг натижаси хисобланади. Шу маънода, экологик маданиятнинг мазмун-моҳияти, тузилиши, амал қилиш хусусиятларини ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Шунинг учун кейинги йилларда хорижда ҳам, мамлакатимизда ҳам бу йўналишда қатор илмий-тадқикот ишлари бажарилди.

Маълумки, инсоннинг яшани, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини амалга ошириш самарадорлиги экологик дунёкарашнинг ривожланиш даражасига боғлик. Инсон ўз моддий эхтиёжларини табиатни ўзлаштириши орқали кондидари, бу жараёнда олинган неъматлардан ўзига зарур бўлган воситалар, бойликлар ва қулайликлар яратади. Бироқ бу ўзлаштириш жараёилари экологик илмий дунёкарашга асосланмасдан, стихияли, экстенсив амалга ошганлиги туфайли глобал аҳамиятга эга бўлган экологик муаммоларни юзага келтириб, инсон ҳаётига таҳдид сифатида эътироф этилмоқда. Бу ҳақда йирик эколог олимларидан бири И. Н. Федосеев: «Барча глобал муаммолар мажмууда ҳозирги вақтда экология муаммоси энг муҳим муаммолардан бирини ташкил этади»<sup>1</sup>, – деб бежиз таъкидламаган. Дарҳақиқат, БМТ эътирофига кўра, табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш глобал муаммолар таркибида ядро уруши хавфининг олдини олиш масаласидан кейин иккинчи ўринда туради. Бонқача айтганда, экология ва у билан боғлик долзарб муаммолар нафақат муайян халқ ва мамлакат доирасидаги, балки умумбашарий муаммо ҳисобланади. Хусусан, ҳозирги пайтда инсоннинг ишлаб чиқарини фаолияти кўлами шу даражада шиддат билан кенгайиб бормоқдаки, унинг таъсири етмаган табиатнинг бирор соҳаси қолмади. Айни пайтда, инсоннинг табиатга фаол таъсири ўзига хос акс таъсирини на-моён этмоқдаки, бунинг натижасида табиий оғатлар ва инсон соглиги, турмуш тарзига бошқа салбий таъсиirlар кўлами ҳам кенгайиб бормоқда.

Бу ҳодисаларнинг ривожланиши тенденцияси ва истиқболлари мантигидан келиб чиқадиган булсак, глобал экологик муаммоларни, миллий ва умуминсоний кадриятларни интеграциялаштиришда баъзи олимлар ёки мутахассисларнинг табиат предметларини ижтимоий ёки ноижтимоий туркумларга ажратишни асоссиз эканлиги яққол кўзга ташланмоқда. Зоро, таби-

<sup>1</sup> Федосеев И. Н. Человек и природа в условиях научно-технической революции (социальный аспект экологических проблем). – М.: Наука, 1982. – С. 9.

жони айнан бир миллат ёки худудга оид экологик муаммоларин интеграцияси унинг локал характерини глобаллаштирувчи мөнаним булиб қолмоқда.

Миллий ва умумисоний экологик қадриятлар халқаро интеграция жараёнида, уларнинг глобаллашувига олиб келмоқда. Бу ис, уз навбатида, ҳар қандай табиат предметларидан фойдаланишининг географик параметрлариға қарамасдан, бутун инсоният әхтиёжлари учун бевосита ёки билвосита экологик қадрията эгалигини күрсатмоқда. Шу нүктаи назардан, миллий ва умумисоний экологик қадриятларнинг интеграциялануви глобал мақсад ва манфаатларга мос келади. Лекин уларнинг индивидуаллиги муайян фаолият воситаларини танлашни тисою қиласы. Масалан, қазилма бойликлар ўз-ўзидан одамдар хаёти учун табиий шарт-шароит була олмайды. Инсон уни шафатында қўлласагина, ижтимоий сифатларга эга бўлади, яъни инсон фаолиятининг маҳсулига айланади<sup>1</sup>. Бугунги кунда инсоннинг ушбу фаолияти умумбашарий мазмунга эга бўлиб, миллий ва умумисоний экологик дунёқарашнинг интеграциялануви ва глобаллашувига сабаб бўлмоқда.

Чунки глобал муаммоларнинг вужудга келиши билан инсониятнинг мақсадлари умумийлиги, хусусан, экологик дунёқарашни адекватлиги кузатилмоқда. Ҳакикатан ҳам, ҳозирги кунда глобаллашган муаммолар кишилик жамияти умумисоний экологик қадриятларини, бир томондан, идентификациялантириши (муайян экологик вазиятга мослаштиришни), иккинчи томондан, уларни дифференциялантиришни (конкрет вазиятга мослаштиришни) кун тартибига қўймоқда. Бу эса глобал миқёсда табиий захиралардан оқилона фойдаланиш масалаларини бевосита дунёқараш марказига қўймоқда. Чунки табиий захиралардан фойдаланиш шу суръатда давом этса, келгуси 40–50 йиллардан сўнг нефть захиралари тўлигича туғаши ҳисоб-китоб қилинган. Мавжуд вазиятни инсониятнинг

<sup>1</sup> Очилова Б. Табиатдан фойдаланиши – бу инсоннинг мақсадга мувофик йўналтирилган фаолияти сифатида // Фалсафа ва ҳуқук. №4, 2007. – 60- б.

миллий, ҳудудий ва глобал экологик дунёқарашини ўзгартириш орқали енгиллашириш мумкин. Яъни энергия маҳсулотларидан тежаб-тергаб фойдаланиш технологиясини жорий этишини ҳам экологик дунёқарашнинг хусусияти сифатида караш керак<sup>1</sup>.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, инсоннинг табиатга салбий таъсири натижасида жамият билан табиат муносабатларидағи уйғунликнинг бузилиши бевосита экологик дунёқарашда ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида жамият билан табиатнинг ўзаро муносабатларидағи зиддиятларни бартараф қилиш масаласи дунёқарашлар муқобиллигини кейинги ўринларга суриб қўймоқда. Зоро, инсон табиатнинг бир қисми сифатида, унга антропотехноген таъсири натижасида экологик муаммоларни юзага келтиради. Бу муаммолар, мукаррар равишда, унинг экологик дунёқарашини ўзгартириш орқали юзага келган салбий ўзгаришларни бартараф этипга асос бўлиши керак. Бу асоснинг субъектив характери табиий мухит ҳолатига таъсир этувчи объектив омилларни рагбатлантириши билан характерлана-ди. Табиий атроф мухитнинг ҳолатига қараб, бу таъсирнинг йўналишларини ва самарадорлик мезонларини аниқланини ҳам экологик дунёқарашнинг функционал хусусияти деб баҳолаш керак. Чунки табиий атроф мухитга ижобий ва салбий таъсир этувчи омиллар дефиницияси ҳам муайян экологик дунёқарашга мос равишда конкретлаштирилади.

Экологик меъёрлар асосида яратилган ижтимоий мухит жамиятнинг ҳар бир аъзосига ижобий таъсир этиши билан универсал характерга эга ва барқарор экологик хавфсизликни таъминлайдиган, шахс баркамоллигига таъсир этадиган маънавий-руҳий омилдир. Экологик вазиятга салбий таъсир этувчи омиллар кишилар руҳияти ёмонлашувига, организмларда турли хил касалликлар пайдо бўлишига қулай мухит яратади.

<sup>1</sup> Мустафоев С., Ўринов С., Сувонов П. Умумий экология. – Т.: Ўзбекистон сзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нацириёти, 2006. – 10–11- бетлар.

ди. Улар инсон жисмоний саломатлигига ва рухий-маънавий дунёсига негатив таъсир кўрсатади.

Жаҳондаги, шу жумладан, Марказий Осиёдаги мураккаб экологик вазият кишилар экологик дунёқарашнинг таркибий қисми бўлган экологик билим, маданиятнинг саёзлиги билан ҳам характерланади. Шуни эътиборга олиш керакки, экологик билим ва дунёқараш масаласига муносабатда айрим мутахассисларнинг қарашларида мұқобиллик умумий муросага келишини қийинлаштирумокда. Хусусан, унинг таърифларида умумий, ягона позиция ҳозирча шаклланмаган, ҳатто бир-бира га зид фикрлар билдирилмоқда. Бу эса умуминсоний ва миллий экологик дунёқарашни илмий тушунишга түсқиңлик килмоқда. Масалан, Н. М. Норалиеванинг экологик билимга берган таърифида ана шундай ноаниқлик кўзга ташланади. Хусусан, унинг «экологик билим – кишиларнинг атроф табиий мухитни мухофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, бузилган табиат комплексларини қайта тиклаш ҳақида ҳосил қилган маълумотлари, яъни ушбу воқеликнинг инсон тафаккурида акс этганилиги даражаси»<sup>1</sup> деган холосасида илмий билишнинг назарий ва эмпирик даражалари орасидаги алоқадорлик ҳисобга олинмаган. Колаверса, таърифдаги «бузилган табиат комплексларини қайта тиклаш ҳақида ҳосил қилинган маълумотлар» билимни эмас, балки ахборотлар «бузилган табиат комплексларига» қаратилган. Аммо ҳар қандай ахборот ҳам билим бўлавермайди. Фақат амалиётда синалган ахборотгина муайян масалада билимларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

А. Нигматов эса экологик маданият таркибидаги онг, билим ва дунёқарашнинг умумийлигини изоҳлашда мавхум умумий тушучаларга таяниб, унинг глобал дунёқараш характеристидаги

<sup>1</sup> Н. М. Норалиева. Узлуксиз таълим жараённада экологик билим ва маданиятга оид фазилатларни шакллантириш мазмуни. Миллий гоя – юксак маънавиятли шахс қамолотининг негизи. Миллий гоя илмий – тадқиқотларининг назарий-методологик ясоси. Учинчи китоб. – Андижон, 2010. – 151- 6.

миллийлик ва умумисонийликнинг диалектик алоқадорлигини эътиборга олмаган. Щу сабабли А. Нигматовнинг «экологик дунёкарап ва маданият – хозирги ва келажак авлодлар учун экологик муаммолар ечимини топиш улкан масъулият эканлигини англаш ва шу асосда фаолият юритиш муайян давлат ва жаҳон маданиятининг ривожланган босқичи ҳамда таркибий қисми»<sup>1</sup> деган таърифида миллийлик ва умумисонийликнинг максадлари умумийлгини таъминлайдиган объектив шарт-шароитлар, субъектив омиллар комплекси эътибордан четда қолган. Бундан ташқари, «муайян давлат ва жаҳон маданиятининг ривожланган босқичи» деган хулоса дунё миқёсида экологик муносабатларнинг глобаллашувини билдириши ҳаммага аён бўлса-да, муаллиф бу холатни илмий таъриф мазмунига сингдиришга эҳтиёж сезмаган.

Юқоридаги таҳлилларга асосланиб айтганда, шахс экологик дунёкарашини ривожлантиришнинг назарий концептуал асосларини пухта илмий асосга кўйиш талаб этилади. Яъни шахс экологик дунёкарашини такомиллаштиришга хизмат қилувчи назарий ҳамда илмий-услубий карашларни тизимлаштириш асосида кишилар экологик дунёкарашини бойитишга хизмат қилувчи индивидуал ва ижтимоий омилларни таркиб топтириш мумкин. Чунки дунё миқёсида кучайиб бораётган глобаллашув, хусусан, Марказий Осиёда кескинлашиб бораётган экологик вазият мазкур масалага чукур фалсафий мушоҳада асосида ёндашишни долзарб масала қилиб қўймокда.

Хозирги даврда дунё миқёсида глобал муаммоларнинг юзага келиши ҳамда кескинлашуви, ўз моҳиятига кўра, «экологик дунёкарап қашшоклиги» туфайли содир бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўз навбатида, айнан шу сабабга кўра табиий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий, инсон саломатлигига оид муаммолар кўплаб ҳалқлар, миллатлар, минтақаларда яшаётган аҳоли ҳаётига даҳшатли оғат сифатида ҳам таҳдид

<sup>1</sup> Нигматов А. Экология: асосий атама ва ибораларининг изохли луғати. – Т.: Уқитувчи, 2002. – 15–16- бетлар.

солмоқда. Бундай оғатлардан ҳар йили юз минглаб кишилар курбон бўлмоқда<sup>1</sup>.

Минг афсуски, инсон юксак акл-заковат эгаси бўлишига қарамай, бундай инқирозли экологик ҳолатнинг юзага келишида асосий роль ўйнамоқда. Шунинг учун ҳам 2000 йилда БМТда 189 нафар давлат раҳбарлари иштирокида ўтказилган минг йиллик Саммитда XXI аср бошида инсоният тараққиети олдида турган энг муҳим вазифалар белгилаб олинди ва у саккизта асосий йўналишларга ажратилди. Саккиз йўналишда бажарилишиб белгилаб олинган вазифаларнинг тўрттаси беносита экологик муаммоларга дахлдордир. Булар: 1) болалар улимини камайтириш; 2) оналар саломатлигини яхшилаш; 3) ОИТС ва бошқа ўта хавфли касалликларга қарши кураш; 4) экологик барқарорликни таъминлаб бориш<sup>2</sup>дан иборат вазифалар дунё аҳолисининг келажагини белгилашда ўта муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланган. Айни пайтда, дунёнинг ҳар бир ҳудуди экотизим доирасида бир-бири билан узвий боғлангандир. «Экология муаммоси ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб, факат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва миintaқаларида турличадир.

Марказий Осиё миintaқасида экологик фалокатнинг ғоят хавфли зоналаридан бири вужудга келганлигини очиқ айтиш мумкин. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнида ушбу муаммони ишкор этиш натижасидагина эмас, балки миintaқада инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хавф остида қолганлиги натижасида келиб чиққандир. Табиатга қўнопол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмай-

<sup>1</sup> Юнусов К. Экологик маданиятнинг юксалишида нодавлаг ташкилотларнинг иштироки. Миллый ғоя – юксак маънавиятли шахс камолотининг негизи. Миллый ғоя – илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси. Учинчи китоб. – Андижон, 2010. – 155-б.

<sup>2</sup> Доклад по целям развития тысячелетия. – Т.: Узбекистон, 2006. – С. 37

ди. «Инсон – табиатининг хўжайини» деган соҳта социалистик мафкуравий даъво, айникса, Марказий Осиё миintaқасида кўп-лаб одамлар, бир қанча ҳалқлар ва миллатларниң ҳаёти учун фожеага айланди. Уларниң қирилиб кетиши, генофонднинг йўқ булиб кетиши ёқасига келтириб қўйди»<sup>1</sup>.

Умуман олганда, экологик дунёқарашининг «қашшоқлиги», ожизлиги ва ношуудлиги натижасида хўжалик соҳасида экстенсив фаолият қуруқликнинг 7 % ини чўлга айлантириди, ишлаб чиқаришнинг энергетик ҳажми кун сайин камайиб кетишига олиб келди, маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган энергиянинг микдори 10 йил ичидаги 4 баробар ошди. Масалан, дунёning энг ривожланган мамлакатларидан бири АҚШда 1 литр сут ишлаб чиқариш учун 0,5 литр ёқилги сарфланиши фикримизга далиллар<sup>2</sup>. Бундай ҳолат, фақатгина инсониятнинг технологик жараёнлардан хўжасизларча фойдаланиши натижаси эмас, балки экологик дунёқараши саёзлигига бориб тақалади. Уларниң миллий даражаларда турлича намоён булиши экологик дунёқарашининг нотекис ривожланишини кўрсатади.

Экологик вазиятнинг нафакат муайян худудда, балки умумбашарий маконда кескинлашиб бораётганлигини файласуф В. Алимасов қўйидаги далиллар билан шарҳлади: «Бугун инсоният 13 мингдан зиёд глобал инқирозга рўбару турибди. Агар жаҳон ҳамжамияти ушбу инқирозларни бартараф этиши учун ҳар биринга ўн йилдан вакт сарфласа, улардан ҳалос булиш учун бир юз ўттиз минг йил зарур бўлар экан. Инсониятнинг ўзи цивилизацияга қадам қўйганига ҳали 6 минг йилдан ошмади»<sup>3</sup>. Бу ҳолатнинг натижалари буғунги экологик дунёқарашининг ривожланиш даражасини кўрсатмоқда. Унинг

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ҳавфсизлик ва ғаркарор тараққиёт йўлида. 6- том. – Т.: Узбекистон, 1998. – 111- б.

<sup>2</sup> Мустафоев С., Үроқов С., Сувонов Р. Умумий экология. – Т.: Узбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамгармаси нашриёти, 2006. – 14- б.

<sup>3</sup> Алимасов В. Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги. – Т., 2006. – 17- б.

шаржасида вужудга келган экологик мұхит нағақат инсонлар сипоматлигига, балки уларнинг генофонди үзгаришига олиб келди. Шу боис кишиларда экологик дунёқараши илмий ва амалий асосда такомиллаштириб бориш ғоят мұхим.

Бугунги кунда ижтимоий соҳага киритилаёттган инвестициялар мамлакатда экологик тоза, истиқболли ва юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган жамиятни ташкил этишнинг мустахкам пойдеворини яратади. Шу сабабли фуқаролик жамияти ва унинг институтлари табиий атроф мұхитни мухофаза қилиш бўйича билим ва маданиятни оширишга қаратилган тадбирларни қўллаб-куватлади. Пировард мақсад мамлакатимиз раҳбари эълон қилган «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидан экологик йўналтирилган ривожланишгача» тамойилини амалга оширишдан иборатdir<sup>1</sup>.

Бу вазифаларининг самарали ечими ҳар бир шахсда бой экологик дунёқараши юзага келтириш, бу соҳада аҳолининг фаоллиги ҳамда масъулиятини, уларни ҳуқуқий билими, маданиятини ривожлантириш билан узвий боғлиқ. Бинобарин, экологик хавфсизлик кишилилк жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг мұхим муаммолар жумласига киради. Бу муаммолар амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг ахволи ва сифатини белгилаш имконини беради. Шунингдек, мазкур муаммоларнинг яна бир ечими дунёда экологик мувозанатни сақлашга асос бўлувчи глобал онгнинг шаклланиши билан боғлиқ. Глобал онгнинг энг мұхим хусусияти эса миллий, минтақавий маиғаатлар билан бир қаторда, умуминсоний кадриятлар устуворлигини юқори кўйиш билан боғлиқ<sup>2</sup>.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридаги муаммоларни ечиш учун вакт ниҳоятда қисқа, айни пайтда, табиатга инсониятнинг

<sup>1</sup> Каримов И. А. Выступление на встрече с дипломатическим вопросом и журналистикой аккредитованным в Ташкенте 22 декабря 1995 // Веб-сайт Пресс-службы Президенты Республики Узбекистан. [www.pres.servise.uz](http://www.pres.servise.uz).

<sup>2</sup> Уша манба. [www.pres.servise.uz](http://www.pres.servise.uz).

глобал таъсири ғоят шиддат билан давом этмоқда. Бу бутун Ер курраси аҳамиятга мөлжик ва бир вақтнинг ўзида ниҳоятда улкан муаммонинг ечимиини топмок учун юксак ақл-тафаккурга эга бўлган кишилар, интеллектуал салоҳият ва жуда катта иқтисодий маблағ, техник-технологик асос талаб қиласди.

Шу билан бирга, умумбашарий маънода ҳам, минтақавий маънода ҳам ҳар бир ҳудудда истиқомат қилаётган кишиларнинг экологик билими, дунёқараси ва маданиятини узлуксиз бойитиб бориш зарур. Таассуфки, бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар етарли самара берганича йўқ. Жумладан, буни биз фуқаролар амалий ҳаётида, шу билан бирга, давлатлар сиёсатида ҳам кўришимиз мумкин. Юртбошимиз И. А. Каримов БМТнинг ривожланиш мақсадларига бағишиланган Минг Йиллик Саммитидаги маъруzasida таъкидлаганидек, Марказий Осиёнинг қон томирлари ҳисобланган Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, боз устига, ушбу ишшоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8–9 баллни ташкил этишини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хавфли техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади. Кўплаб ҳалқаро экология ташкилотлари ва нуфузли эксперtlар тавсия қилаётганидек, ушбу дарёлардан шу микдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлар эди<sup>1</sup>. Бу масалаларнинг ижобий ҳал қилинини учун минтақада яшаётган ҳалқларнинг экологик дунёқарашидаги шаклланган анъанавий қадриятларни умумий мақсадларга йўналтириш зарур.

Минтақа экотизимиидаги ўзгаришлар ва унинг салбий оқибатларига қарши кураш чафақат ушбу ҳудудда яшаётган аҳоли, балки умумбашарият учун муҳим аҳамият касб этганлиги

<sup>1</sup> И. А. Каримовнинг БМТнинг ривожланиш мақсадларига бағишиланган Минг Йиллик Саммитидаги нутқи. / Ҳалқ сўзи. 2010. 22 сентябрь. № 184 (5099).

жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмокда. Минтақа-миздаги экологик муаммоларнинг келиб чиқишига айрим давлат раҳбарларининг шахсий қалондимоғлиги (амбицияси), феъл-атвори, қадимдан шаклланган тарихий қадриятларга нисбатан бефарқлиги, энг муҳими, табиатга ғайриэкологик муносабатда бўлиши, уларда табиат неъматларидан фойдаланишда миллий этноэгоистик кайфиятларнинг кучайиши, кишиларда шахсий эҳтиёж ва истеъмолчиликнинг кучайиши, демографик ўсиш, озик-овқат, турмуш учун зарур манишӣ ва ишлаб чиқариш соҳалари ривожланиши сабаб бўлганилигини кўрамиз.

Экологик жараёнларнинг глобаллашув тенденцияси, унинг шахс ва миллат маънавий ҳаёти, яшаш тарзи, оилавий муҳитдаги ўрни масалалари ўрганилиб, халқаро миқёсда экологик сиёсатнинг, глобаллашувнинг кенгайиши ва чукурлашуви ҳар бир давлат, минтақа миллий тараккиёти хусусиятларига дифференциал ёндашган ҳолда давлат экологик фаолиятини мувофиқлаштиришни ҳам тақозо қиласди. Экологик муносабатларнинг глобаллашув тенденцияси, нафақат муайян давлат ёки минтақа ахолиси турмуш тарзи, дунёқараши, экологик билим савияси, хукукий маданиятида, балки умумбашарий миқёсдаги тафаккур тарзида туб сифат ўзгаришларини амалга оширишни талаб этмоқда.

## 2. З-ғ. Экологик дунёқараш парадигмалариning ўзгариш қонуниятлари ва тенденциялари

Инсоният жамияти найдо бўлганидан бўён, кишиларнинг табиий атроф муҳитга муносабатидаги ҳар қандай қараш ва ёндашувлар, табиатнинг сиру асрорларини билиш, инсоннинг фаол таъсири тарих силсиласида сараланиб, ундаги табиатни улуғлашга доир фикрлар, қарашлар, расм-руслум ҳамда тамоилиллар вакт ўтиши билан ўзига хос қадрият макомига эга бўйиллар.

либ борган. Уларнинг ривожланиш жараёнида миллий, умуминсоний, табиий, ижтимоий қадриятлар туркумланиб, инсон дунёкараши, интилишлари, табиат ва унинг незъматларига нисбатан масъулиятли муносабатининг шаклланишига турткি берган ҳамда парадигмал йўналишларни, функционал аҳамиятини белгилаб олган.

Миллий экологик қадриятлар муайян жамият маданиятининг ўзига хос таркибий қисми сифатидаги инсоннинг табиатга онгли, масъулиятли муносабатини мустаҳкамлаш ва трансформация қилиш эҳтиёжи натижасида шаклланган. Чунки жамият ҳам, шахс ҳам табиатдан мутлок ажралган ҳодиса эмас, балки унинг мавжудлик шаклидир. Бинобарин, миллий қадрият табиий-ижтимоий амалиёт натижаси сифатида шаклланган тарихий-маънавий ҳодиса булиб, у шахс амалий фаолиятида экологик онг ва дунёкарашнинг шаклланиш мезони сифатида ўз аксини топади. Ўз навбатида, шахснинг экологик тафаккури, қадриятларга муносабати у яшаб турган минтақанинг табиий-географик иқлим шароити, турмуш маросими билан ҳам узвий боғлиқ булиб, бу омилларнинг таъсири ҳамда узаро алоқадорлиги унинг экологик дунёкараши шаклланишида муҳим ўрин тутган ва парадигмаларининг нисбатан тургунлигини таъминлаган.

Маълум миллат яшаётган табиий-географик мұхитнинг миллий қадриятлар тизими, кишилар рухияти, табиатта онгли муносабат маданиятини шакллантиришидаги ўрни хусусида Юртбошимиз И. А. Каримов: «Тарихдан маълумки, Үрта Осиё ҳудудида аҳоли азалдан водийларда, катта сув манбалари – дарё ва анхорлар бўйида яшаб келади. Атроф чўл ва саҳролар билан ўралган, табиати, иқлими ғоят мураккаб бўлган минтақа шаронтининг ўзи ана шу элат ва миллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мөслашиб, яқин елқадош булиб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшшини тақозо этиб келди.

Чиндан ҳам, бу заминда истиқомат киладиган одамларнинг тарқоқ булиб яшашга имкони йўқ, табиатнинг ўзи, ҳаётнинг

Узи уларни шу рухда тарбиялаган... Ота-боболаримиз неча асрлар мобайнида шу бепоён минтақада қандай ҳамжиҳат бўлиб, қандай қадриятлар асосида яшаб келган булса, тарих ва ҳаёт сардии, табиатнинг ўзи бизни бутун Урта Осиё ҳалкларини линан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечириши даъват этмоқда»<sup>1</sup>, – деб ўз муносабатини баён қилган эди. Бу мулоҳазалар минтақадаги табиий мухит ва омиллар, миллатимизнинг табиатга нисбатан муносабатини ўзида мужассамлантирган бебаҳо қадриятларда ҳам ўз ифодасини тонгалигини кўрсатади.

Энг қадимий аждодларимизнинг ҳам табаррук удумлари – ср ва сувни, олов ва ҳавони эъзозлаш, бир суз билан айтганда, табиатни, унинг барча унсурларини қадрлаш, уларнинг ҳар заррасини кўз қорачигидек эҳтиёт қилиш муносабатида бўлиши эътиборга молик қадриятдир. Ҳатто табиат ва инсоннинг ўзаро уйғунлиги бизнинг энг қадимий манбаларимизда ҳам илоҳий қадрият сифатида улуғланган. Жумладан, юкорида тилга олинган «Авесто» китобида табиатга муносабатда икки парадигма намоён бўлади: биринчisi – табиат унсурларини муқаддаслаштириш; иккинчisi – инсоннинг табиат билан моддий яратувчилик муносабатларини улуғлаш. Масалан, «Авесто»нинг Ардвисурага бағишинланган «Бешинчи яшт»ида сув улуғланади, ундан дон ундирилиши, чорва ташналигини қондириши, инсон бойлигига барака келтириб, мулкни кўпайтириши, ўлкаларни гуллаб яшнатиши тилга олинади<sup>2</sup>.

Бу ғоялар ўша даврдаёқ экологик дунёқарашни бойитишга хизмат қилган қадрият сифатида эъзозланганлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов: «Ана шундай тарихий ёдгорлик намуналари билан яқиндан танишар эканмиз, уларда ифода этилган инсон ва табиат тұгрисидаги тेңран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам ҳайратда

<sup>1</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 9–10- бетлар.

<sup>2</sup> Авесто. – Т.: Шарқ, 2001. – 93- 6.

қолдиришига яна бир карра амин бўламиз... «Авесто»да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилганлиги кўп нарсани англатади»<sup>1</sup>, – дея таъкидлаган эдилар.

Шу каби хulosаларни ўзида мужассамлаштирган қадимий манбаларни қиёсий таҳлил этиш, хусусан, Геродотнинг «Тарих» асаридаги қадимий асотирларни туркий битиклар билан қиёсий ўрганиш, улар ўртасида умумийлик борлигини кўрсатади. Айниқса, «табиат (ер)–инсон–маънавият–(осмон)» муносабатларини тушунишда, «Култегин» битигида: «Юзада кўк Тангри, остда қора ер қилинди, иккиси аро киши ўғил қилинди», – деб кўрсатилган бўлса, «Герк битик»да ҳам инсон ўз тақдирини табиат кўзгусидан кидиришига ишора қилинган. Ана шу қадимий манбаларнинг ўзида халқимиз жуда қадимданоқ табиат билан боғлиқ бой миллий-маънавий қадриятга, анъана, урф-одатларга эгалигини англатади.

Хусусан, қадимий аждодларимиз коинот ва табиат билан боғлиқ ҳар бир фаслга мос анъаналар тизимини шакллантирган. Исломгача бўлган қадимги байрамлар, жумладан, баҳорги Наврӯз, ёзги Анган, кузги Мехржон, қиши Сада кабилар йилнинг тўрт фаслидаги табиий эҳтиёжлар асосида вужудга келган. Наврӯз ва куз байрамлари (Мехрижон, Нимсада) табиатдаги қувончили ўзгаришларни кутлашга асос бўлган, ёздаги Анган ва қишидаги Сада табиатда вужудга келган нокулайликни унинг ўзида мавжуд бўлган сув, олов орқали куляйлаштиришга интилган<sup>2</sup>.

Бу экологик анъаналарнинг қадрият мақомини асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган «Гул байрамлари», «Дар-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – сингилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 31–32- бетлар.

<sup>2</sup> Каранг: У. Корабоев. Миллий маросимлар тикланиши, ривожланиши ва замонавий муаммолари. («Ёшлиарни мизлий истиқтол гояси руҳида тарбиялаш – Ватан тинчлиги ва ҳавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материалларидан). – Т., 2004. – 58- б.

интона», «Чой момо», кузги «Узум сайли», «Ковун сайли», кишики «Яс-юсун», «Гап-гаштак», «Қорхат», «Қурилтой» каби маросим ва байрамларда күрамиз. Шунингдек, кишининг кайфияти табиат билан, йил фаслларининг алмашиниб туриши билан узвий болғық. Кўклам келиб, гул мавсумининг бошпаниши билан киши кайфияти чоғ бўлади. Азиз одамларини йўқотган кишилар учун гул мавсуми хотираларни қайта эсга солиб юборади. Мотамли кишиларнинг кўнгли чўкади. Шунда уларнинг яқин қариндошлари, синанта қўшнилари ҳеч бир таклифсиз кўнгил сўрагани эшиқдан бирин-кетин кириб кела-ди. Бу маърака марҳум ёки марҳуманинг гули-гул маросими дейилади. Улар дехқонлар ҳаётида, турмуш тарзида, мавсумий меҳнат жараёнида ва маънавий оламида чукур из қолдирган қадрият шакллари ҳисобланган ва ҳар бир шахсда экологик онг ва дунёкарашни бойитишга, табиат неъматларини қадришга, йил фаслларида табиатда рўй берадиган гўзаллик ва фусункорликдан завкланишга, меҳнатнинг қадрига этишга ва инсонийликни улуғлашга хизмат килиган. Бу қадриятларнинг ҳозир ҳам халқ орасида сақланиб қолғанлиги уларнинг нарадигмалари мустаҳкамлигини кўрсатади.

Ўзбек халқи азалдан гулни севиб, эъзозлаб келган, меҳнат ахлининг гул ўстириши, уни дид билан парвариш қилиши, ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида ёру дўстларга тақдим этиш одатлари маълум. Таникли этнограф Н. П. Остроумов: «Мен фаросатсиз бўлиб кўринган мардикорнинг, камбагал аравакаш ёки мешкобчининг, ҳатто гадойнинг ҳам қулогига гул тақиши, дўниси тагига гул қистириши учун гул ахтаришини кўриб ҳайратда қолдим»<sup>1</sup>, – деб ёзганида ҳам халқимизнинг нафосатга, табиат гўзаллигига нақадар ихлосманд бўлганлигини назарда тутган бўлса, ажаб эмас.

Халқимиз табиат неъматлари, гуллар, дарахтларга алоҳида меҳр, илоҳий бир қадрият сифатида қараган. Хусусан, тоғ

<sup>1</sup> Қаранг: Сарғи. – Т., 1990. – С. 36.

ши, маданий хилма-хилликнинг тобора камайиб бораётгани шак-шубҳасиз, давримизнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Зоро, Президентимиз таъбири билан айтганда, «бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларниң манфаатларигагина хизмат қиласидиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларниң таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, сабит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий миллий қадриятларга, шаклланган дунёқарашиб ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкуранинг босимиға, уларниң тоҳ ошкора, тоҳ пинҳона кўринишдаги тазийкларига бардош бериши амримаҳол»<sup>1</sup>.

Шунинг учун шиддатли глобаллашув жараёнлари шароитида асосий вазифамиз миллий ўзликни «оммавий маданият» таҳдидларидан саклаган ҳолда, экологик дунёқарашиб парадигмалари соғлигини таъминлайдиган баркамол шахсни тарбиялашдан иборат. Бу мустақиллигимиз натижасида қўлга киритилган миллий давлатчилигимизни янада мустаҳкамлашга, кишиларимизнинг миллий ва умуминсоний қадриятларимиз мазмун-моҳиятини теран англаган ҳолда борликка, табиат ва жамиятга шахсий жавобгарлик ҳамда масъулият туйгуси билан ёндашишига олиб келади.

Шу ўринда, экологик дунёқарашиб парадигмаларининг ўзгаришларини ва қадрият мақомини мустаҳкамлашга доир яна бир масалага ойдинлик киритиш зарур. У ҳам бўлса, эстетик онг ва экологик дунёқарашибнинг асоси бўлган баъзи маросим ва миллий қадриятларга муносабатдаги зиддиятли, бир-бирiga қарама-карши ёндашувларни холис таҳлил этиш ҳамда уларга илмий асосланган далиллар асосида баҳо бериш билан боғлиқ. Айниқса, асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларимизни уларга сунъий тарзда киритилаётган элементлардан саклаш масаласи долзарб булиб қолмоқда. Йўқса, кўпинча

<sup>1</sup> Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси ҳалкни – ҳалк, миллатни – миллат қилингага хизмат этсин. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 58-59- бетлар.

шарлай айъана ва маросимларимизга нисбатан ноўрин, ортиқ-чиқим ва бидъатга асосланган эскилик сарқити деган таъиин-дашномларни оддий кишилар, зиёлилар орасида ҳам тез-тез шинтишимизга тұғри келади. Муайян маънода, бу танқидий фикрларда асос бұлса ҳам, инсон хаётiga табиий-ижтимоий қолпият сифатида үз таъсирини үтказаётган бу экологик мазмұндаги маросимлар тасодиғий пайдо бўлмаганлиги бутунги кунда илмий ва амалий жиҳатдан асосланмоқда.

Инсоннинг туғилиши ва вафоти билан боғлик маҳаллала-римизда давом этаётган кўргина маросимларимиз жуда қадим шимонларда аждодларимиз томонидан ҳаётий зарурият тарзида жорий этилган ва улар минг йилліклар оша яшаб, йулида учраган турли тўсикларни енгіб келмоқда. Турмуш тақозо этган парсаларни буйруқ билан ман этиб бўлмайди. Масалан, туғилишига боғлик маросимлар кишига қувонч баҳш этса, ўлим билан боғлик маросимлар, маъракалар юпанч беради.

Мархум ва мархумани ёдлаб, «етти», «йигирма», «кирк», «йил» маросимларини ихчам тарзда үтказиш халқимиз даҳо-си билан яралған одатлар бўлиб, бу маросимлар бошига оғир мусибат тушган кишилардаги айрилиқ дардини бир оз бўлса-да аритиш, «Одам тафтини одам олади» қабилица иш тутиб, азадор киши хаёлини мусибат ғамидан чалғитиши ва овутини, кўнглини кўтариш мақсадида амалга ошириладиган маънавий қадриятлар сирасига киради. Гарчи улар диний рухда бўлса-да, унинг асосида инсонга нисбатан эзгу муносабат бўлиб, та-бииж жараён ва қадриятлар билан мустаҳкам алоқадорлигини англаб олиш қийин эмас. Бу масалаларга адабиётшунос олим А. Иброҳимов куйидагича аниклик киритади. Яъни «Аллоҳ Таоло оламни етти кунда яратмиш, шундан келиб чикиб, шунга нисбат берилиб янги туғилған чақалоқ етти кунлик бўлгач, ўнг қулогига аzon айтилиб, чап қулогига такбир айтилиб, унга исм қўйилади. Одам боласига исм қўйилганидан кейингина одам ҳисобланади, одамлар қаторига қўшилади. Чакалоқ йи-гирма кунлик бўлгач, унинг кичик (яrim) чилласи чикади, у

бир хавфдан омон-эсон ўтиб одди, «Худо ҳоҳласа яшаб кетади» деган хулосага келиниб, хурсанд бўлинади. У қирқ кунлик бўлгач, чилласи чиқсан ҳисобланади, буни ҳалқимиз: «Катта чилласи чиқибди», – дейди, айниқса, ҳаётий тажрибалари бой кекса кишилар, чақалоқнинг бобо ва бувилари, амаки ва аммалари, тоға ва холалари кўп хурсанд бўладилар».

Хўш, бу жараённинг экологик қадриятлар, шу асосда шаклланган дунёқараш билан қандай алоқаси бор? Аввало, дунёга келган чақалоқ табиий муҳитга мослашиш боқичларидан ўтади. Қолаверса, бу маросимлар табиатдаги кун ва ой ҳисоблари билан боғлиқ меъёрларга ҳам эга бўлиб, муайян экологик мазмун касб этади. Маълумки, одам боласи 280 кунда, ҳалқ ибораси билан айтганда, тўққиз ойу тўққиз кун тўққиз соат тўққиз дақиқаю тўққиз сония (ҳалқимизда тўққиз рақамини муқаддас деб ҳисбланиши ана шундан келиб чиқсан)да туғилади (бир ойни 4 хафта – 28 кундан иборат деб билувчилар учун 10 ойлик муддат 280 кундир). 280 ни 7 га тақсимласак, 40 келиб чиқади. Ҳалқ томонидан бу рақамнинг туғилишга нисбат берилганида чилла, ўлимга нисбат берилганида кирқ дейилишида муайян экологик мазмундаги даврни кўрамиз.

Демак, бундан кўринадики, етти, кичик чилла, катта чилла, йигирма ва қирқ беҳуда пайдо бўлмаган. Минг-минг йиллардан бери тасодифан яшаб келаётгани йўқ. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, уларда замон ва маконга оид фалсафий тушунчалар, коинот ва инсоният ўртасида, табиат ва одам ҳаёти ўртасида боғликлик борлигини тасдиқловчи, колаверса, табиатни ҳам, одамзодни ҳам дақиқ ва ҳақиқ қилиб Тангри Таоло яратганини асосли тарзда исботлаб турувчи нарсалардир<sup>1</sup>.

Маросимлардаги инсонпарварлик тамойиллари табиатга бўлган меҳр-мухабbat, ҳудан ибрат ола билиш салоҳиятини бугунги кунда ҳар бир шахс рухияти, экологик онги ҳамда дунёқарашига сингдириш зарур. Зоро, улар глобал ўзгаришлар

<sup>1</sup> Иброҳимов А. Ўзбек маҳалласи. – Т.: Маънавият, 2007. – 28- б.

шароитида олам, табиат, одам ҳақидаги буюк аждодларимиз соларини мохиятган чуқур англатган ҳолда глобал ҳодисанинг мониторингизга ёт таъсирларидан саклайди, инсон рухиятига чиркин одатларнинг жо бўлишига йул қўймайди. Чунки кўп шароит давомида кишиларимизнинг онгу шуурига сингдирилган табиат ҳақидаги нотўғри тасаввурлар, жумладан, «техники табиат камчиликларини тўлдириш учун яратилган» деган поимий гоялар таъсири ҳали буткул бартараф этилмаган бир шароитда, глобал таъсирларнинг салбий кўринишлари намоён булиб, улар рухиятга тез сингиб, амалий фаолияида одат тусижи айланниши мумкин. Буюк А. Навоий ёзганидек:

Табиатта ҳар иски одат бўлур,  
Чу эскирди одат – табиат бўлур<sup>1</sup>.

Бундан ташкари, экологик қадриятлар хамда маросимлар мохиятига нохолис ёндашув табиат ҳодисалари билан боғлик маросимларнинг узок ўтмишга бориб такалиши ва унга доир афсона ва ривоятлардаги воқеликларининг турфа хиллиги билан боғлик. Бу ҳақда рус қадимшуноси П. И. Борисковский «Инсониятнинг энг қадимги ўтмиши» китобида маросимлар 400 минг йил илгари пайдо бўлганлигини кўрсатган бўлса<sup>2</sup>, гарблик олим Ж. Кларк маросимлар ёшини неандертал ва ро-дезиялик одам билан боғлайди ва 200–150 минг йилга тенглаштиради<sup>3</sup>.

Умуман, илк маросимчилик, хусусан, экологик удумлар 400 минг ёки 200 минг йил илгари пайдо бўлган деган масала устида баҳс юритиш ниятимиз йўқ. Биз учун энг муҳими: инсон ўз биологик ҳайвоний табиатидан асл инсоний табиатига ўтиш жараёнида маънавийлик унсурларини такомиллашти-

<sup>1</sup> Навоий А. Ҳикматлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1968. – 62- б.

<sup>2</sup> Қаранг: Борисовский П. И. Древнейшее прошлое человечества. 2-изд. – М., 1980. – С. 71.

<sup>3</sup> Дж. Кларк. Доисторическая Африка. – М., 1977. – С. 89.

ра ва ўзлаштира бошлагани, окибатда янги тош асрига келиб нисбатан мувозанатга эришган мураккаб тизимга эга маънавиятга эришгани. Унинг таркибида эса экологик маданият гоят содда ва стихияли бўлишига карамасдан, муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Дадил айтиш мумкинки, неандертал одамларда диний-маънавий ҳаёт унсурлари факт дафи маросимлари билангина чекланган эмас. Улар ҳаттоқи фалакиёт ҳодисаларига, юлдуз туркумларига, алоҳида юлдузларга ном берганлар<sup>1</sup>. Фикримизнинг исботи учун шундай мисол келтирамиз: ўзбеклар Етти оғайнин, Етти қароқчи деб номлайдиган юлдузлар туркуми бор (Европанинг кўп халқларида, уларни Катта она айик, Кичик айик деб аташади). Птолемейнинг «Алмажистий» асари туфайли ислом мунажжимлари ҳам кўпинча Катта айик ва Кичик айик номини қўллади. Жаҳоннинг айрим халқлари ҳам уларга нисбатан «айик» номини ишлатадилар. Агар эътибор берсак, коинот ва замин билан боғлиқ табиат унсурларига ҳайвонлар номининг берилишида ҳам ўзига хос экологик мажозий маъно бор.

Тарихий манбаларга қараганда, қадимги одамлар айрим ҳайвонларни ўзи билан уруғдош деб билганлар ва шу ҳайвон унинг учун муқаддас саналган. Демак, одам билан табиат ўртасидаги азалдан мавжуд бўлган ўзига хос уйғунлик ҳайвонот ва наборот оламида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, чўпон ўзи асраран итини давлат боши деб ниҳоятда эъзозлаган.

Куш солишга, овчиликка уста козоқ мерганилари эса итни етти хазинанинг боши дейишган. Улуг мутафаккирлар ит тимсолида табиатан шакланган инсондаги ижобий, салбий ҳислатларга баҳо берганлар. Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида ўз қабиласидан мосуво бўлган Қайс маҳбубасининг ити билан дўстлашади. У тўрт оёқли бу жони-ворга ишора қилиб дейди: «Бул ит эрмас. Итлиқ менда». Яъни айб итда эмас, балки итга итлик қилган инсонда. Бошқача айт-

<sup>1</sup> Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт – Т.: Маънавият, 2009. – 59-б.

танды, ит ит эмас, итта итлик қылған инсон – ит. Башка бир үринде яна бир ибратли ҳикоят келтирилади. Ҳазрат Баҳоуддин Накіпбанд күчадан ўтиб бораётган итнинг ортидан югуриб бориб, унинг изларини ўнади. Бу билан «ё, Аллоҳ, қанийди сенга вафодорлигим мана шу итнинг инсонга бўлған садоқатча бўлсайди»<sup>1</sup> деган маънени англатмоқчи бўлган.

Маълумки, ҳайвонот олами азалдан одамнинг дўсти, йўлдоши бўлиб келган. Ота-боболаримиз удумига кура, каттаю кичик ўз мучал йилини, авлод-аждодининг номини билиши шарт саналган. Ҳатто баъзи ёни улуғ кишиларнинг паспортида ҳам туғилган йили туркий мучал йиллари асосида белгиланган. Шу боис айрим кишилар ҳар ўн икки йилда мучал тўйи қилишни одатга айлантирганлар. Мучал ҳисобининг тарихий асослари тош асрига бориб тақалади. Мучал тўйи маросимини ўтказища она қорнидаги давр ҳам ҳисобга олинади. Қадимги Шарқ тақвимида ҳар бир ой муайян ҳайвон номи билан аталиши ҳам бежиз эмас. Масалан, ҳамал – қўй, савр – сигир, асад – арслон ва ҳоказо.

Табиатдаги мавжудотларни алқаш, улуғлаш билан боғлиқ экологик анъаналарни ҳам, инсон феъл-атворига, хулк-маданиятига таъсир этувчи анъана ва маросимларни ҳам барқарор урф-одат ва қадриятлар деб аташ мумкин. Бироқ анъана, одат ва маросимлар, гарчи табиат билан боғлиқ дунёқараашлар асосида шаклланған бўлса-да, давр ва ташки таъсир натижасида ўзгариб борган. Ҳозирги даврда анъаналарга ўтказилаётгани ташки таъсирлар глобаллашув билан характерланади. Глобаллашув жараёни келтирадиган кулайлик ва имкониятлардан кўпроқ фойдаланиш учун уни чукур ўрганиш, фойдали ва заарли жиҳатларини атрофлича таҳлил қилиш зарур. Фақат шундагина у келтириши мумкин бўлған фойдадан кўпроқ манфаатдор бўлиб, унинг заарли томонларини четлаб ўтиш имконияти туғилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Гайбуллоҳ Ас-Салом. Сайди Умир. Толибнома. (Сени ўйлайман, болам). – Т.: Шарқ, 1997. – 56–57- бетлар.

## **III БОБ. ЭКОЛОГИК ДУНЁҚАРАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ**

### **3. I- §. Экологик дунёқарашни шакллантиришнинг институционал тизимини таомиллаштириши масалалари**

Экологик вазият умумпланетар масштабда кескинлапшиб кетаётган ҳозирги шароит табиатни муҳофаза килишга мутасадди давлат ташкилотлари ва мавжуд оммавий ҳаракатлар, шахсни тарбиялашга масъул оила институти, кишилар фаолиятига муайян йўналиш беришга кодир бўлган оммавий ахборот воситалари, сиёсий партия ва ҳаракатлар ва шу кабиларнинг фаолиятини оқилона мувофиқлаштиришни тақозо қилмоқда. Зоро, уларнинг самарадорлиги инсон ва жамиятнинг экологик фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш институтларининг интеграцияланувига боғлик бўлиб колмоқда.

Бу институционал ҳодисалар ҳақида ганирганда, давлат расмий институционал тизимлари билан бир қаторда, ўз характерига кўра норасмий мақомга эга бўлган, халқлар ва миллатларнинг маданиятидан кеслиб чикувчи институциявий ҳодисалар борлигини назардан соқит қилмаслик керак. Албатта, сиёсий тизим амал қилиши билан боғлик бўлган давлат органдари, уларнинг миллий, минтакавий ёки маҳаллий даражалари, мавжуд ҳокимиятга боғлик бўлган ёки унга оппозицияда бўлган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар бу тизимда белгиловчи аҳамиятга эгадир. Давлат ҳудудий бошқарув элементлари маъмурий даражаларда муниципал ёки маҳаллий органлар фаолияти орқали амалга оширилади. Бу ҳол Узбекистон Республикасида миллий даражада амал қилувчи марказий бо-

шараларниң ашаратлари, вазирлик, агентлик, күмиталар, ушбу тарнинг вилоятлар даражасида бошқармалари, туман тарнинде уларнинг тегишли бўлимлари шаклида фаолиятниң айтиб ўтиш жоиз. Табиатни муҳофаза қилиш ва оши ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича қабул қилинган директив хужжатлар, энг аввало, ана шу институцияни ташкими орқали ҳаётта жорий этилади. Ушбу хужжатларда туттилган қоидаларнинг бузилиши назорат қилувчи ва мунисипалитетни муҳофаза этувчи институтлар томонидан текшириб, мувофиқлаштириб борилади.

Узининг экологик вазияти билан жаҳондаги бошқа давлатларга, маълум даражада андоза (этalon) бўладиган мамлекатларнинг тажрибалари, давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг атроф мухитни муҳофаза қилиш борасидаги физиологияни уйғулаштириш асосий омил эканлигини кўрсатмоқда. Яъни табиатни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг таркибий қисми сифатида каралмоқда. Чунки «соғлом атроф мухит шароитида инсоннинг яшаш ҳукукини таъминлап учун кўп жихатдан давлат масъулдир»<sup>1</sup>.

Республикамизда вужудга келган экологик вазиятнинг хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияси, ижтимоий муаммоларни комплекс-системали ҳал қилиш зарурияти ташкилий жихатдан марказлашган бошқарии стратегияси ва тактикасини белгилайдиган ташкилотта эҳтиёж тутғирди.

Жаҳон амалиёти табиатни муҳофаза қилишини марказлашган бошқарув ва назорат-мониторинг органлари функциясини давлат тасарруфига бериш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Масалан, 1967 йили Швецияда Табиатни муҳофаза қилиш Миллий кенгаши, 1970 йили АҚШда Табиатни муҳофаза қилиш Агентлиги, Англияда Табиатни муҳофаза қилиш вазирлиги, 1971 йили Канадада Агроф мухит Департаменти, Францияда Экология масалалари бўйича вазирлик ташкил қилинди.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Узбекистон – бозор муносабатларига ўтишиниг ўзига хос йўли. Узбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- том. – 312- бет.

Шу билан бирга, бу мамлакатларда экологик муаммоларни ҳал қилишда нодавлат ташкилотларнинг роли ҳам бенихоя ўсиб бормоқда.

Ижтимоий институтлар ҳақида фикр юритилганида, муайян ижтимоий фаолият, хусусан, экологик муносабатлар негизида табиатдан тегишли (оқилона ёки оқилона бўлмаган) шаклда фойдаланишини ташкил этишга таъсир кўрсатувчи намуналар, стандартлар, хатти-харакат нормалари ҳамда уларни амалга оширишга, мувофикаштиришга, бониқарига йўналтирилган ташкилотлар назарда тутилади. Масалан, биз ҳуқуқни ижтимоий институт сифатида тахлил килсак, фуқаролар хатти-харакатини белгиловчи ҳуқуқий нормаларни ҳам, ана шу нормаларнинг амал қилишини бошқарувчи (милиция, суд каби) ҳуқуқ муассасаларини ҳам кўзда тутамиз. Шу маънода, экологик дунёқарашибекланишига таъсир ўтказувчи асосий институционал тизимлар сифатида давлат (экологик дунёқарашибекланинг сиёсий жиҳатлари), меҳнат жамоалари (экологик дунёқарашибекланинг ижтимоий ва иктисодий жиҳатлари), оила, таълим тизими, маҳалла, нодавлат ташкилотлар ва ҳоказолар ўзига хос роль ўйнашини таъкидлаш жоиз. Тилга олинган институциялар доирасида кишилар ўзларига топширилган муайян ролларни қабул қилинган тегишли нормалар асосида бажаради. Экологик нуқтаи назардан, одамлар ва жамоаларнинг экологик ёки антиэкологик фаолияти ана шу нормаларнинг бажарилаётгани ёки, аксинча, уларнинг бузилаётганидан далолат беради. Экологик нормаларнинг бажарилиши ёки бузилишига мос равишда турли ижтимоий институтлар доирасида ана шундай фаолиятга нисбатан рағбатлантирувчи ёки тақиқловчи (танқид қилувчи) санкциялар амалга оширилади. Ахлок, тарбия, ҳуқуқ, оила институларида бу санкциялар тезроқ ва сезилярлироқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов илгари сурган «Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қарор топтириш

концепцияси»га мувофик бир қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. «Экологик назорат түгрисида»ги Қонун шулар жумласидандир. Унда фуқаролик жамияти институтлари, ЦИТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг табиатни муҳофаза килиш тизимидаги ўрни ва роли белгилаб берилади.

Умуман олганда, экологик фаолият ва муносабатлар соҳасидаги ижтимоий институтлар табиатга нисбатан муайян муносабатлар амалга оширилишини рағбатлантириш (ёки тақиқлаш) ва уларни мустахкамлаш; тегишли жамоани мақбул экологик фаолиятга йўналтириш орқали уларни жисслаштириш; экологик йўналтирилган назоратни амалга ошириш; экофаолиятни амалга ошираётган субъектлар орасидаги алоқадорликни йўлга қўйиш каби вазифаларни бажаради. Бу таъкидлар қанчалик ўринлилиги мамлакатимизда яқинда ташкил этилган ва ўз ҳаётгийлигини исботлаган экологик йўналишдаги ижтимоий институциялар фаолияти мисолида кўриб чиқиш мумкин.

Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни, «Табиатни муҳофаза килиш түгрисида»ги Қонун (1992 йил 9 декабрь) қабул қилинishi ва, кейинчалик, 2008 йил 2 августда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ташкил этилиши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мазкур ҳаракатдан сайланган депутатлар корпуси ишакланиши билан республикамизда табиатни муҳофаза килиш институтлари фаолиятини горизонтал ва вертикал йўналишларда мувофиқлаштириш, қабул килинаётган қонунларнинг экологик мазмунини кучайтиришнинг хукуқий-маъмурий асослари яратилди. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий ташкилотлари ўз фаолиятларида давлат томонидан қабул қилинган ҳамда табиатдан оқилона фойдаланишга йўналтирилган қонун ҳужжатларининг амалга оширилишига мутсадди бўлсалар, мавжуд сиёсий партияларнинг экологик дастурлари ўзларининг электорати ва кенг халқ оммасини ана шу мақсаддага йўналтиришга ҳаракат қилувчи турли-туман ташкилий, маърифий-тарбиявий тадбирлар-

ни амалга ошириб келмокдалар. Ўз мохиятига кўра, подаван ташкилотлар сирасига киравчи Узбекистон экологик ҳаридти ўз фаолият кўлами билан кескинлашиб бораётган экологик инкиrozларни бартараф қилиш, инсон саломатлигини сакин ва мустаҳкамлаш, илмий-техника инқилобининг антиэкологик оқибатларининг олдини олиш, бозор муносабатларига утиш даврида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсатини стратегияси ва тактикасини белгилаб, халқаро турдош ташкилотларнинг фаолиятларини, олимлар, мутахассислар, даими арбоблари ва кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини Марказий Осиё минтақаси экологик муаммоларини ҳал қилишни кенг жалб этишда самарали ишлар олиб боришни ўз олдин мақсад қилиб қўйган.

Экологик тадбирларнинг ташкилий асосларини, институционал тизимини, қонуний-хуқуқий базасини мустаҳкамлаш комплекс-системали чора-тадбирларни тақозо қиласди. Хусусан, бир томондан, ишлаб чиқаришнинг экстенсив ри-вожланishi шароитида табиат бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланмасдан, кам чикит ва чиқитсиз технологияни жорий қилмасдан, бу вазифаларни ҳал қилиш, амалий жихатдан, мумкин эмас. Иккинчи томондан, экологик ҳаракат институционал тизимининг миллий экологик муаммолари ечимини топишида энг «арзон», қулай ва самарали воситаси, субъектив омили – меҳнаткашлар экологик фаоллигини ва масъулиятини оширишга йўналтирилган расмий (давлат) миллий ҳаракатига ва оммавий ташкилотларига бирлаштиришдан иборат.

Экологик ҳаракатнинг расмий институционал тизими айнан шу хусусиятларига кўра жамият сиёсий усткурма тузилмасига бевосита ва бильвосита боғланиб, «сиёсатланғанлиги» билан характерланади. Табиатни муҳофаза қилишнинг оммавий ташкилотлари эса қишиларнинг экологик эҳтиёжлари ва манфаатлари асосида ихтиёрий уюшмалари ҳисобланади. Бу ташкилотлар мақсадларига, вазифаларига, уларни амалга ошириш воситаси ва услубларига караб фарқланса ҳам, умумий

депрасида уйғунлашади. Бошқача айтганда, экологик институционал тизими субъектларининг вужудга келген рөсий мақомга эга бўлиши ва функционал йўналишлари оидинини ҳам ўзига хос ташкилий тамойилларга эга.

Узбекистон экологик ҳаракати институти табиатни муҳофизлантириш, бошқариш ва нафасотни механизми сифатида «ўз иштирокчилари ва ҳамкорликотиарда миңтақавий, миллий ва маҳаллий экологик ахоли саломатлиги муҳофазасига оид яхлит дастурлар чиқишни ва уларни бажаришдаги амалий иштирокларни ташкилотириш; ... давлат органлари, жамоат тузилмалари тоғоддан мавжуд экологик муаммоларни ҳал этиш ҳамда уларни силбий оқибатларини бартараф қилиш соҳасидаги қонун тушкитлари ижроси борасидаги масъулиятини кучайтириш; жамоат бирлашмалари, фондлари ва бошқа нодавлат нотижори ташкилотларнинг ҳамкорликларини муайян экологик муаммоларни ҳал этишга... йўналтириш; ҳалкаро ва чет эл экологик ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали ишроф мухит вам ахоли саломатлиги муҳофазаси бўйича сарори ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ўз хиссасини ташкилотлаштириш»<sup>1</sup> деб ўз дастурий саъй-ҳаракатлари кулагини белгилаб қўйган.

Умумлаштириб айтганда, Узбекистон экологик ҳаракати институти дастурида республиканизмнинг жуғрофий, демографик, этнографик, иқтисодий ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, экологик ва саломатлик муаммолари ечи-ми илмий концепцияларини ишлаб чиқиш, уларнинг устувор йўналишларини аниқлаш; илмий асосланган сиёсатини амалга ошириш; экологик вазиятни бошқариш ва назорат қилишга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш; ахолининг экологик фаоллигини ва масъулиятини, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш асосий вазифа қилиб белгиланган.

<sup>1</sup> Узбекистон экологик ҳаракатининг дастури. – Т.: «Chinor ENK» экологик шартиётси, 2009. – 4- бет.

Ўзбекистон экологик ҳаракати соҳа ислоҳотларининг стратегияси ва тактикасини белгилаб, уларни амалга ошириш са-марадорлиги кафолатига айланмоги лозим. Яъни бу ҳаракатининг Уставида белгиланган миллий экологик хавфсизликни таъминлаш вазифаларини<sup>1</sup> умумлаштирган тарзда кўрадиган бўлсак, қуидагилар экологик ҳаракат самарадорлигини бел-гилаб беради:

- мукобил мулкчилик шакллари мавжуд шаронтда мулк эгаларининг табиат бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқларини экологик бурчлари, масъулиятлари, мажбуриятлари билан му-вофиқлаштиришнинг мукаммал конуний асосларини яратиш ва бу қонунларнинг истисносиз бажарилишини таъминловчи назорат механизмларини, воситаларини такомиллаштириш;
- бозор иқтисодиётига асосланган ишлаб чиқаришни рако-бат асосида ташкил қилишда ҳокимият ва хўжалик тизилмала-рининг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятлари мақомини ва йўналишларини табақалаштириб, улар ўртасидаги мутганосиб-ликни, ҳар бирининг конкрет экологик ҳуқуки, мажбурияти ҳамда масъулияти доирасини белгилаб кўйиш;
- ташкил иқтисодий, техник-технологик алоқалар кучаяёт-ган даврда, мамлакатимизга экологик хавфли технологиялар, маҳсулотлар кириб келишининг («импорти» ва эскалацияси-нинг) олдини олиш мақсадида давлат ва жамоатчилик назора-тини кучайтириш;
- экологик тадбирларни амалга оширишни молиявий таъ-минлаш учун бюджет, бюджетдан ташқари фонdlар, корхона-лар, оммавий ташкилотларнинг маблагларидан фойдаланиш имкониятларини қидириб топиб, бунинг устидан давлат ва жа-моатчилик назоратини ўрнатиш;
- экологик хавфли техника воситаларини, маънавий «қа-риган» технологик жараёнларни, хомашёларни ишлаб чиқа-ришдан олиб ташлаб, замонавий, тежамкор, чиқитсиз техно-

<sup>1</sup> Ўзбекистон экологик ҳаракатининг устави. – Т., 2009. – 4–6- бетлар.

жорий қилишни иқтисодиётнинг устувор йўналишга  
мавлидириш;

инсонлар онгида мустаҳкам ўрнашиб қолган табиат бой-  
нига нисбатан эгасизлик кайфияти, психологияси, стерео-  
типини бартараф қилишнинг маъмурий, хукукий, иқтисо-  
дий, ижтимоий, маънавий, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот  
нишониди яратиш каби вазифалар ижросини таъминлаш.

Узбекистонда табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш инс-  
титулари фаолиятини мувофиқлаштирувчи экологик ҳаракат  
нисбати қуйидаги йўналишларда олиб борилсагина, кутилган  
натижаларга эришиш мумкин:

1) табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги комплекс илмий-  
инженерик натижаларини халқ хўжалигининг турли тармоқла-  
рида ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш;

2) давлат ва нодавлат ташкилотларнинг табиатни муҳофаза  
қилиш фаолиятларини оқилона ташкиллаштириш, бошқариш,  
назорат қилиш механизмларини яратиш;

3) турли лойиҳалаштирувчи, режалаштирувчи ташкилот-  
ларнинг фаолиятларини экологик илмий экспертизадан ўтка-  
шини ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

4) омманинг экологик фаоллиги ва масъулиятини ошириш  
учун ташкилий методик, назарий-методологик асосларини  
ишлаб чиқиб, амалий тавсиялар бериш;

5) халқаро миқёсда экологик илмий ахборотларни тўплаш,  
ижодий умумлаштириш учун халқаро ҳамкорлик ўрнатиш им-  
кониятларини қидириб топиш вазифаларини давлат тасарру-  
фига ўтказиш ва ижтимоий сиёсатнинг марказига қўйиш.

Зоро, Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов  
тавқидлаганидек, «барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва  
аниқ англаб олишимиз керак. Бундан буён Узбекистон эко-  
логик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилади, юксак де-  
путатлик минбаридан туриб, агроф муҳитни муҳофаза қилиш  
масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва  
мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор

ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни кўлга киритади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг экологик вазиятни яхшилаш, кенг халқ оммасини мавжуд экологик нохуши ҳолатлардан хабардор қилишга йўналтирилган фаолияти, айниқса, кейинги йилларда анчагина фаоллашди. Бу йуналишдаги тадбирлар қаторига республика ва халқаро миқёсда ташкил этилаётган экологик симпозиумлар, конференциялар, экспертилар кенгашларини киритиш мумкин. Шунингдек, Экоҳаракат депутатлар групининг Конунчилик палатаси ва Сенатда экологик аҳамиятга молик қонун лойиҳаларининг тахлили, табиятни қўриқлаш бўйича қабул қилинган тадбирларнинг мамлакатимиз турли ҳудудларида қандай амалга оширилаётганлиги ҳақидаги ҳисботлари тингланайдиганлиги, Экологик ҳаракат раҳбариятининг оммавий ахборот воситалари орқали долзарб экологик муаммолар ва уларнинг ечимиға оид масалалар хусусида тахлилий мақолалар билан чиқишилари бу борада олиб борилаётган ишлардан долалат беради. Жумладан, 2012 йилда «Халқ сўзи» газетасида Экологик ҳаракат раҳбарлари Б. Алихонов ва С. Сангиновларининг Ўзбекистон ҳудудларининг Тожикистондаги «Талко» давлат унитар корхонаси томонидан трансчегаравий заарланиши оқибатларининг тахлилига бағишлиланган йирик мақоласи чоп этилди<sup>2</sup>. Унда муаллифлар мазкур корхонанинг қурилиши экологик стандартларга жавоб бермайдиган лойиҳа асосида амалга оширилганлиги сабабли йилига 22–23 минг тонна заҳарли моддалар ишлаб чиқарилаётгани ва шамол таъсирида бу заҳарли моддалар, асосан, мамлакатимиз ҳудудига кириб келаётгани, «тупроқ, сув ресурслари заарланаётгани, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги,

<sup>1</sup> Қаримов И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барно этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 29- б.

<sup>2</sup> Қаранг: «Халқ сўзи» газетаси, 2012 йил 26 май.

шорачилик маҳсулдорлиги пасайиб, ахолининг саломатлиги ўз генофондига салбий таъсир кўрсатаётганлигини кўплаб статистик маълумотларга таянган ҳолда кўрсатиб беришган.

Унарниң фикрига кўра, 2007–2011 йиллар мобайнида Узбекистонга етказилган жами иқтисодий зарап 447,3 миллион долларни ташкил этади. Узбекистон экологик ҳаракати Сурʼондарё вилояти аҳолисининг 757 мингдан ортиғи имзолани ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси, ЮНЕП, Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилотига қарата «Талко» ДУКнинг заарарли ишлаб чиқаришини зудлик билан тўхтатиш, ушбу корхонага туташ ҳудудлар аҳолисига, флора ва фаунасиغا етказган заарини саклаш учун нуфузли халқаро мустақил эксперталарни жалб килган ҳолда экологик экспертиза ўтказиш, корхона тўлиқ модернизация қилиниши ва замонавий тозалаш қурилмалари билан жиҳозланиши, унинг бир неча ўн йиллик фаолияти давомида минтақа аҳолиси саломатлигига ва атроф муҳитга етказган заарини тўлиқ қоплаш мажбуриятини юклашдан иборат позицияси баён этилган Мурожаатини БМТ Бош котиби Пан Ги Мун, БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастури ижрои директори Ахим Штайнер ва Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти бош директори Маргарет Ченга етказиб беринди<sup>1</sup>.

Ушбу таҳлил мамлакат миқёсида амалга оширилаётган экологик фаолиятни мувофиқлантиришга кўмаклашаётган институционал тизимлар нафақат мамлакатлар ички соҳаларида, балки мамлакатлараро, халқаро даражада ҳам ўзига хос аҳамиятта эга бўлиши мумкинлигидан далолат беради. Бунга мисол сифтатида 2012 йил май ойининг охирларида Тожикистан–Афғонистон–Эрон тоза ичимлик сув билан таъминлаш тизими ни йўлга қўйиш хақида имзоланган давлатлараро келишувни курсатиш мумкин<sup>2</sup>. Бу келишув сиёсий муаммолар қуршовида

<sup>1</sup> Карап: «Халқ сўзи» газетаси, 2012 йил 26 май.

<sup>2</sup> Карап: В. Панфилова. Намирское озеро сольют в Иран. Таджикистан намерен построить региональный водопровод. // «Независимая газета», 2012 г. 30 мая. //http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1338349200

қолған давлатларнинг ўзаро манфаатли алоқалар боғлашига ҳамда үзларида мавжуд экологик таңгликтининг ечимиға жавоб топишга интилишлари ижобий натижага олиб келишига бир мисолдир. Бу билан Марказий Осиё халқларига хавф солиб турған Сарез күли билан боғлик муаммолар, Афғонистон ва Эрондаги тоза сув таъминоти билан боғлик таңг вазият ўз ечи мини топса, ажаб әмас. Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатлараро фойдалы алоқаларни йўлга қўйишда экологик йўналишдаги масалаларга эътибор берувчи, уларни оқилона ҳал қилишга, табиатнинг хавф остида қолаётган үсимлик, ҳайвонот турлари, сув, ҳаво ифлосланишини ва етишмовчилигига алоқадор муаммолар ечимиға ҳисса қўшадиган мавжуд халқаро экологик интигуционал тизимларни янада ривожлантириш, сиёсатга боғланиб қолмайдиган янги экологик халқаро институтларни ташкил этиш истиқболлари ҳақида фикр юритиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда экологик бошқарувни таъминлашнинг институционал ва ҳукукий механизмлари билан танилиш Узбекистон учун катта аҳамиятга эга. Улар табиатдан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш ва аҳоли соғлигини сақлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришнинг стратегик масалаларини ҳал қилишда муҳим йўналишдир. Ҳозирги даврда гарақкӣ топғап мамлакатларда, хусусан, АҚШда инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишга йўналтирилган капитал қўйилмаларни инвестицияларни табиатдан фойдаланиш жараёнларини, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини ва, умуман, экологик бошқарув тизимини такомиллаштиришда жуда муҳим ўрин касб этади. Экологик бошқарувда инновацион стратегияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишга булган эътибор куйидаги янги ҳолатлар ва ушбу мамлакатлар ижтимоий-иктисодий ривожланишининг ҳам ташқи, ҳам ички шароитлари ўзгариши билан белгиланади:

— кейинги даврларда пайдо бўлган муаммолар комплекс ха-

рактерга эга эканлигининг тобора ортиб бориши ва уларнинг умумқабул қилинаётган қарорларга соя солаётганлиги;

– ахборот технологияларининг тубдан яхшиланиши натижасида табиатдан фойдаланишнинг бутун тизими самарадорлигини оширишда фойдаланиш учун максадга мувофиқ имкониятлар пайдо бўлганлиги;

– экологик бошқариш соҳасида қонунчиликнинг зарур даражада ривожланмаганлиги ва унинг янги пайдо бўлаётган муиммолардан ортда қолаётганлиги;

– бирламчи табиий ресурслар тақчилигининг ортиб бориши муносабати билан табиатдан фойдаланишда оқилона хўжалик юритишни таъминлашга қизикишининг ўсаётганлиги ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш давлатнинг таъбиркорлар билан муносабатини қайта кўриб чиқишини тақозо килиши;

– кам харажат билан кўп ишлаб чиқариши талаб қилувчи тобора жиддийлашиб бораётган бюджет чекловларини, яъни табиатни асрал ва чиқиндисиз технологияларни оммавий жорий қилишини амалга ошириш учун табиатдан фойдаланишга инвестицияларни бирламчи табиий хомашёдан барча фойдали унсурларни ажратиб олиш ва улардан юкори даражада қайтим олишни таъминловчи соҳаларга йўналтириш зарурлиги.

Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишини ҳамда бутун экологик бошқарувнинг амалда бўлган тизимини яхшилашда асосий стратегик инновациялар қуидагиларга йўналтирилиши кўзда тутилади:

– бошқариш ва унга мос равишда институционал тузилмалар фаолиятини табиий-хўжалик, табиатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал қилишга ва амалий натижаларга эришишга қаратиш;

– табиатнинг ифлосланишини нафақат назорат қилиш, балки табиий ресурслардан фойдаланишда масъулиятни ошириш ва оқилона хўжалик юритишни таъминлаш;

- табиатдан фойдаланишни бошқаришининг ҳамма боскичида давлат тузилмалари, тадбиркорлик субъектлари ва жиомоатчилик бирлашмалари орқали интеграцияни юқори даражада таъминлаш;
- табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришишда инвестициялашдан энг юқори самара олиш учун бозор механизми ва рағбатлантиришдан фойдаланиш;
- табиатдан фойдаланиш ва бутун экологик бошқарув жараёнлари барча иштирокчиларининг ихтиёрий хамкорлигини йўлга қўйиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг усуллари ва механизмини кенг жорий қилиш.

Табиатдан фойдаланиш жараёнлари ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ривожланган мамлакатларнинг, хусусан, АҚШнинг инновацион стратегиясини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш тажрибасидан Ўзбекистонда ҳам фойдаланиш фойдадан холи эмас. Табиийки, бунда уни мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ва экологик ривожланишининг ҳозирги давр хусусиятларига мослаштириш тақозо қилинади. Хусусан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тузилмасида атроф муҳит соҳасидаги инновациялар учун АҚЦ Миллий марказига ўхшаган маҳсус бўлинма (марказ ёки агентлик) барпо қилиш апчагина истиқболли тадбир бўлиши мумкин. Кўмитанинг ушбу бўлинмаси мамлакат ва жаҳон тажрибасини ўрганиш, табиатдан фойдаланишда инновацияни рағбатлантиришнинг қонунчилик базасини таъминлаш ҳамда инновацион стратегиялар амалиётига конкрет механизмлар ишлаб чиқиши ва жорий қилишни мувофиқлаштиришни ўз зиммасига олиши мумкин. Бу эса табиатдан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда табиатни асрар технологияларидан фойдаланишининг ҳозирги замон усулларини қўллаш ва шу асосда турли даражадаги табиий-хўжалик тузилмалар барқарорлиги ва самарадорлигии оширишда муваффакиятга эришишга кўмаклашиши мумкин.

Янги керакки, таклиф қилинаётган янги бўлинма Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг бошқа хозирда мавжуд бўлган «Илмий-техника тараққиёти ва тарғибот-ташвиқот» бўлимини такрорламайди. Бунга қўйидаги сабаблар бор:

1) инновация фақатгина техника ва технологиядан иборат эмас ва у бошқа техник характерга эга бўлмаган усул ва услублар, ёндашувлар ва хакозоларни ўз ичига олади;

2) инновация кўп жиҳатдан илмий-техника тараққиётининг яни ютукларига асосланади. Бирок ҳар қандай янги техника ва технология ҳам инновация бўла олмайди;

3) инновация фақатгина янги нарса (товар)дан иборат эмас ва унга асосида илмий янгилик ётмаган янги ишлаб чиқариш усулини жорий қилишдан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Атроф муҳит соҳасида инновацион стратегия марказининг ташки алоқаларига келсак, у ҳам давлат, ҳам илмий тадқиқот институтлари, ташкилотлари билан зарур даражада барқарор ва маҳсулдор алоқаларни шакллантириши керак. Бундан ташқари, табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида тўпланган энг илғор техник-технологик ва бошқарин тажрибасини ўрганиш учун халқаро инновацион марказлар, халқаро ва миллий экологик жамоатчилик ташкилотлари билан ҳам самарали алоқалар ўрнатиш фойдадан холи эмас. Улбу тажриба тегишли равишда таҳлил қилиниб мослаштирилганидан (адаптация) сўнг, табиий ресурслардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш соҳасида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон корхоналарининг хўжалик амалиётига жорий қилиш учун турли услубий тавсиялар кўришида тарқатилиши мумкин. Таклиф қилинаётган ташабbus қисқа вақт ичida мамлакатимизнинг экологик муаммоларини ҳал қилишни ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш базасини яхшилайди, чунки дунёning турли мамлакатларида фойдаланилаётган ишланмалар ва ишлаб чиқариш, бошқариш соҳаларида олга сурилган энг илғор ғоялар, табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни муқобиллаштириб юқори самара бераётган

инновацион технологияларни жорий қилиш жараёнини анчагина тезлантиради.

Айтилган мұлоҳазалар жамият ва инсон экологик дүнёқарашнинг тарқиб топиши ва унинг чукурлашиб боришига таъсир күрсатувчи институционал тизим элементларининг мақсадли ва мунтазам фаолияти бу борада күзланған натижаларға олиб келишига шубҳа йўқлигини билдиради. Юқорида таъкидланганидек, ҳар бир мамлакат ўз хусусиятларидан ва экологик вазиятидан келиб чикқан ҳолда ўз фуқароларида экологик дүнёқарашни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда барча экологик аҳамиятли фаолиятни мувофиқлаштириш учун давлат расмий институциялари билан бир қаторда норасмий жамоат ташкилотлари тизимиdek институционал механизмларни жорий этган. Шу билан бир қаторда, XX асрдан бошлаб бундай институционал тизимлар қаторида халқаро даражада амал қилувчи давлатлараро ва нодавлат ташкилотлар ҳам ташкил этилди ва улар халқаро даражада табиатни муҳофаза қилиш масаласига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиб келмоқда. Экологик хавфсизлик соҳасидаги фаолиятни мақсад қилиб олган ташкилотлар тизими жуда күп давлат ва ноҳуқумат ташкилотларини ўзида бирлаштирган. Уларни геосиёсий характерига кўра маҳаллий (миллий), зонал (минтакавий) ва умумпланетар (глобал) мазмундаги ташкилотларга ажратиш мумкин. Атроф муҳитни қуриқлашга йўналтирилган бундай ташкилотлар, аслида, табиатни, инсониятни, алоҳида олинган ҳар бир кишини атроф муҳитнинг ҳалокатли ўзгаришиларидан муҳофаза қилиш мақсадида вужудга келган. Уларнинг баъзилари кўпчиликка маълум булса, бошқалари нима билан шугулланиши ҳақида кўпчилик ҳеч нарса билмайди.

Энди даставвал халқаро характердаги, кейин минтақавий характердаги, сунгра баъзи бир миллий ташкилотларнинг бу борадаги фаолиятлари билан таниниб чиқамиз. Асосий мақсадлари экологик муаммолар булған халқаро ташкилотлардан ташқари, мазкур масала билан билвосита шугулланадиган

халқаро ташкилотлар ҳам мавжуд. Улар хукуматлараро ёки иохукумат характерида булиши мумкин.

Халқаро ҳамкорликнинг характери, йўналиши, мақсад ва вазифаларига кўра уларни бир канча гурухларга ажратиш мумкин:

1. БМТнинг маҳсус органлари бўлган ва ундан мустақил бўлган умумий характердаги ташкилотлар (ЮНЕП, ЭКОСОС, ЖССТ, ФАО, ЖТМ, ЮНЕСКО, ЮНДРО, МАГАТЭ ва бошқалар).

2. Кўп йўналишдаги (шу, жумладан, экологик) масалалар билан шуғулланувчи минтақавий ташкилотлар (Европа Иттифоқи, ЕХХТ, ШХГ, АСЕАН, МДҲ ва бошқалар),

3. Дунёдаги ҳар бир мамлакатнинг давлат ва нодавлат характеридаги миллий экологик ташкилотлари.

Бундай халқаро ташкилотлар ҳақида гапирилганида, энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг маҳсус муассасаларининг асосий мақсадларидан бири табиий мухитни муҳофаза қилиш эканлигига эътибор қаратиш керак. БМТ Низомида унинг мақсад ва вазифалари ижтимоий, иқтисодий, солиқни сақлаш, аҳолининг яшаш даражасини кўтариш, иносон хуқукларини сақлаш соҳаларида халқаро муаммоларни ечинга кўмаклашиш эканлиги таъкидлаб, мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳозирги вақтда БМТ барча давлатларининг табиатни қўриқлаш бўйича олиб-бораётган турли-туман ҳамкорлик шаклларини ўзаро бирлаштирувчи нуқта ҳисобланади. Хусусан, БМТ табиатни муҳофаза қилиш йўналишида халқаро ҳамкорликнинг куйидаги шаклларини ишлаб чикишда асосий роль ўйнади:

– шу йўналишдаги халқаро шартномаларни (конвенцияларни) ишлаб чикиш;

– табиатни қўриқлаш бўйича турли тадбирларни ташкил этиш ва уларни амалга ошириш бўйича турли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларни имзолаш;

– муҳим экологик муаммолар бўйича халқаро конференциялар ташкил этиш;

-- экологик концепциялар ва халқаро лойиҳаларни амалга ошириш усулларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Табиятни муҳофаза қилиш фаолиятида БМТнинг ихтисослашган органлари алоҳида аҳамиятга эга. Улар орасида Иктисадий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг доирасида нафакат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни тадқиқ этиш билан шуғулланувчи, балки экологик муаммолар бўйича ҳисботлар ишлаб чиқувчи функционал ҳамда минтақавий комиссия ва қўмиталар фаолият юритишиади.

БМТнинг 1945 йилда ташкил топган Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасига ихтисослашган дастури (ФАО) қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ер, сув ресурслари, ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш, ҳайвонот дунёси, дунё океани биологик ресурслари, қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш билан боғлиқ экологик муаммолар билан шуғулланади. ФАО кўмагида дунёнинг тупроқ ҳаритаси ишлаб чиқилган. Мазкур ташкилот кўплаб экологик дастурларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади.

1946 йилда ташкил топган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) табиий муҳитга бўлаётган салбий таъсирларни назорат қилиш ва уларни бошқариш орқали инсон саломатлигини қўриқлаш масалалари билан шуғулланади. ЖССТ табиий муҳитда санитар-эпидемиологик мониторингни амалга оширади, кишиларнинг табиий муҳитдаги вазият туфайли қасалланиши ҳақидаги кўрсаткичларни умумлаштиради, шаҳарларни соғломлаштириш муаммоларини ўрганади, фуқароларнинг дам олиши ва санатория-курортларда даволанишини ташкил қиласди, инсон ҳаётининг санитар-гигиеник шароитларини яхшилашга йўналтирилган халқаро дастурларда иштирок этади, атроф муҳит ва соғлиқни сақлаш бўйича глобал стратегия ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

1947 йилда БМТнинг Жаҳон метеорология ташкилоти (ЖМТ) ташкил этилди. Бу ташкилот жаҳондаги метеорологик

бөлгөй тадқиқотларни мувофиқлаштириш билан бир қаторда шығын, об-хаво ва мұхиттің бир-бирига үзаро таъсири ҳамда ундағы қолатига таъсир этувчи омилларни нафакат умумшылықтар масштабда, балки айрим миңтақалар кесиміда үргалып да үларни таҳлил қылади. Таңкіліт ікlim, атмосфера, сув ресурсларини тадқиқ этиш бүйіча умумжағон дастурларинің аманға оширишда фаол иштирок этади. ЖМТ ЮНЕП томонидан мувофиқлаштирилувчи атроф мұхиттің глобал мониторинг тизими (АМГМТ) доирасыда ҳам фаолият юритади.

1957 йылда ядервій хавфсизлик ва атроф мұхитни радиоактив ифлосланишдан қимоя қилишни таъминлаш дастурини амалға ошириш учун түзилған Атом энергиясы бүйіча халқаро агентдік (МАГАТЭ) атом электр станцияларини қуриш ва үндердан фойдаланыш қоидаларини ишлаб чықади, амалдаги салойи қалаштирилаёттан АЭСларни экспертизадан үтказады, радиоактив хавфсизликка оңд нормаларни ишлаб чықади, үндердин бажарылышини пазорат қылади.

БМТтің Стокгольмда бўлиб үтган атроф мұхит бүйіча конференцияси қарорларига мувофиқ 1972 йил 15 декабрда БМТ Бон Ассамблеяси томонидан БМТтің Атроф мұхит бүйіча Дастири (ЮНЕП) тасдиқланды. Унга 58 давлат аъзо бўлган. ЮНЕП Бонқарувчилар Кенгашы (унга аъзо давлатлар вакиллари киради). Атроф мұхитни күриқлашни мувофиқлаштириш бүйіча Кенгаш ва Атроф мұхит Фондидан иборат. Бонқарувчилар Кенгашы ЮНЕП фаолияттінің асосий йұналишларини белгилаб беради. Ҳозир үлар қуйидагилардан иборат:

- инсон саломатлиги, атроф мұхит санитарияси;
- тупроқ, сув, үсимлик ва ёввойи ҳайвонларни мұхофаза килиш;
- заарли таъсир күрсатувчи баъзи таъсирлар (масалан, чўлланиш ифлосланиш)га қарши курашиш;
- энергия масалалари билан шугулланиш;
- табиий ресурслардан оқилюна фойдаланиш;

- табиий мухит ҳолати устидан кузатув олиб бориш бўйича жаҳон ахборот хизматини ташкил этиш;
- экологик таълимни ривожлантириш, малакали мутахасис кадрлар тайёрлаш, ҳалқаро конференциялар ўтказиш;
- табиатни ҳимоя қилишининг ҳалқаро-хукуқий асосларини ишлаб чиқиш.

1948 йилда ташкил этилган ва қароргохи Парижда жойлашган БМТнинг Мадданият, фан, таълим бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ўз асосий фаолияти билан бир қаторда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида экологик дастурларга раҳбарлик масалалари билан ҳам шугулланади (улар орасида узоқ муддатга мўлжалланган, ҳукуматлараро ва фанлараро «Инсон ва биосфера» дастури (МАБ), Табиий мухит соҳасидаги таълим бўйича Ҳалқаро дастур, Ҳалқаро гидрологик дастур ва бошқалар бор); умумжаҳон мероси деб тан олинган табиий обьектларни хисобга олади ва уларни муҳофаза қилишини ташкил этади; ривожланаётган мамлакатларга экологик таълимни ривожлантириш ва экология бўйича мутахасислар тайёрлашда ёрдам беради. ЮНЕСКО кўмагида Умумжаҳон мадданий ва табиий меросини муҳофаза қилишни ҳақидаги Конвенция (1972), Ҳалқаро аҳамиятга молик (сув қушларининг яшаш жойи сифатидаги) сув-ботқоклиқ жойлар ҳақидаги Конвенция (1971) ва боипқа конвенциялар ишлаб чиқилди.

Гринпис ноҳукумат ҳалқаро ташкилоти 1971 йилда экологларнинг кичик бир гурӯҳи томонидан Америка ҳукуматининг Аляскадаги Амчатка оролида ядро синовлари ўтказишига қарши «уруш эълон қилиниши» натижасида пайдо бўлди. Айни шу гурӯҳ аъзолари томонидан тез орада «Гринпис» («Яшил олам») деб номланувчи ташкилот тузилди. Ана шу вакт мобайнида бу ташкилот оз сонли ташаббускорлар гуруҳидан бутун дунёда танилган кучли ҳалқаро ташкилотга айланди. Мазкур ташкилот ваколатхоналари дунёдаги 40 дан ортиқ мамлакатда фаолият кўрсатмоқда. Унинг асосий мақсади – дунёдаги глобал экологик муаммоларга жамоатчилик ва давлатларнинг

Этиборини қаратини билан бундай муаммоларни ечишга ҳароғат килиши. Унинг кенг танилишига мавжуд кўплаб экологик муаммоларга шов-шувлари акциялар ташкил қилиш орқали жамоатчилик эътиборини тортиши сабаб бўлган. Бундай акцияларни амалга оширишдан мақсад экологик жинояг содир бўлганинг тасдиқлаш, унга тувоҳ булиш, бу ҳақда жамоатчиликка ҳужжатлаштирилган далиллар тақдим этишидир. Мажкур ташкилот жамоатчилик асосидаги нодавлат ташкилот бўлиб, дунёнинг турли жойларида муҳим экологик муаммоларни ечиш мақсадида турли-туман фаолият дастурлари (бу Гринписда кампаниялар деб аталади) билан чиқади.

Яна бир ҳалқаро нохукумат ташкилот – Ёввойи табиатни қўриқлаш Жаҳон фондига (WWF) бўлиб, унинг сафида 30 га яқин миллий бўлим ва 5 та ассоциациялардан аъзолар, шунингдек, 5 миллиондан ортиқ индивидуал аъзолар мавжуд. 350 дан ортиқ мутахассислар унинг эксперtlари хисобланади. WWFнинг Ҳалқаро Котибияти Швейцарияда жойлашган бўлиб, у ердан мажкур ташкилотнинг бутун дунёдаги тармоклари фаолияти мувофиқлаштириб турилади.

Табиатни қўриқлаш йўналишидаги минтақавий ташкилотлар ер юзининг барча жойларида мавжуд. Улардан баъзинарининг номини келтирамиз, холос. Африкада African Conservation Foundation, Environmental Foundation for Africa ва бошқа бир қатор жамиятлар бор. Европада Европа биомасса ассоциацияси, Европа экофоруми, Европа атроф мухитни муҳофаза қилинбороши ва шу каби ўнлаб ташкилотлар фаолият юритади. Шимолий Америкада Fund for Wild Nature, North American Native Fishes Association, Rivers Without Borders каби кўплаб ташкилотлар амал қиласади. Жанубий Америкада эса Amazon Watch, Rainforest Foundation Fund, Австралияда Australian Environment Portal, Australian Conservation Foundation, Australian Koala Foundation, Birds Australia, Australian Wildlife Conservancy, Японияяда National Institut for Environmental Studies ва бошқа кўплаб ташкилотлар атроф мухитни, унинг турли компонент-

ларини, табиий ресурсларни ва бошқаларни муҳофаза қилиш йўналишларида фаолият олиб боради.

Албаттга, уларнинг кишилар онгига етказиб берилishi омавий ахборот тизимиdek институтлар фаолиятига кўп жиҳатдан боғлик. Бу борада мамлакатимизда сезиларни ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, атроф мухит муҳофазасига бағишлиланган қатор босма матбуот маҳсулотлари, маҳсус экологик йўналтирилган турли-туман хабарнома ва бошқалар чон этилмоқда.

### **3. 2- ё. Шахсада экологик дунёқарашни ривожлантиришнинг маънавий-маърифий вазифалари**

Мамлакатимиз таракқиётининг ҳозирги босқичида экологик муаммоларнинг кескинлашуви глобал мазмунга эга бўлиб бораётганлиги табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган маданий, маънавий ва маърифий омилларнинг ўрни ҳамда аҳамияти ортиб боришнига сабаб бўлмоқда.

Нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда бу каби ижтимоий ҳодисаларга жиддий эътибор берилаётганлиги ҳар бир шахсада экологик онг ва дунёқарашни шакллантириш, уни бойитиб бориш нафақат анъанавий жамият, балки қурилаётган фуқаролик жамияти бунёдкорларининг интеллектуал салоҳиятига, жамият ва табиат ҳодисаларига соғлом тафаккур асосида муносабатда бўлишига бевосита боғлик. Ана шу нуқтаи назарга асосланадиган бўлсак, умуман ижтимоий ҳайтимизнинг барча соҳаларини, хусусан, шахс экологик онги ва дунёқарашини замон талаблари даражасида ривожлантириш инсоният цивилизацияси келажагини таъминлашнинг муҳим шарти эканлиги англаб этилмоқда.

Бинобарин, инсон, энг аввало, тафаккури ва сўнгра маънавияти билан бошқа жонзорлардан ажralиб турар экан, ана шу маънавиятни шакллантирувчи асослардан бири – унинг таби-

шар муносабати, яъни экологик билими, маданияти хисобланади. Бу категориал тушунчалар авлоддан-авлодга факат шим-майрифат, амалий фаолият ва ҳаётий тажриба орқали унб боради. Шахс маънавий маданияти тизимида экологик дунёқарашнинг шаклланиши ментал ҳарактерга эгадир. Айни сабаби индивидуаллик ижтимоийликсиз маънавий маданиятини Унга хос таркибий қисми бўлган экологик дунёқарашда ким тұла ўз аксини топа олмайди. Шунга кўра шахс экологик сабаби дунёқарашини шакллантиришдаги индивидуаллик ва ижтимоийлик хусусиятларига маърифий омиллар асосида ёндишиш, таълим-тарбияда ҳам ана шу тамойил устуворлигини салминалши зарур. Зоро, Президентимиз Ислом Каримов таълиматлариниң, «Инсон – жамиятга, жамият инсонга ҳаминафас» деган шиор турмушимизнинг қонуни бўлиб қолиши, республикамиздаги ҳар бир кишининг турмуш фаравонлигини оширишида энг муҳим шартга айланиши керак<sup>1</sup>!

Инсониятнинг узок ижтимоий-маданий ҳаёти тарихига ишвар ташлайдиган бўлсақ, миллий манфаатларни шакллантириш ва уларни умуминсоний манфаатларга уйгуналаширишида маънавий-ахлоқий таълим-тарбия тизими асосий роль ўйнаганлиги кўзга ташланади. Ҳозирги даврга келиб эса таълим-тарбия соҳаларининг интеграциялашиши янги сифат дарражаларида – экологияланпувида намоён бўлмоқда. Хусusan, XX асрнинг иккинчи яримидан бошлиб, экологик муаммолар глобаллашуви билан, «инсон томонидан биосферага кўрсатилётган таъсирини тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан кулай муҳитни саклаб қолишининг ўзаро таъсирини уйгуналашириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Узбекистон мустақиликка эришиш остонасида. – Т.: Узбекистон, 2011. – 229- б.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Узбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, – Т.: Узбекистон, 1997. – 114- б.

Шу муаммоларни ҳал қилиш зарурияти таълим-тарбиянин турли соҳаларини экологик глобал манфаатларни шакллантириш эҳтиёжлари доирасида муштараклаштиришни тақозо қизмокда. Айниқса, сайёрамиздаги экологик вазиятнинг кескинлашиб ва глобаллашиб кетиши ижтимоий ҳаётнинг бутун маънавий, маданий, маърифий институционал структурасини янгича талаблар асосида ташкил қилиш эҳтиёжларини юзага келтирди. Бунда экологик таълим-тарбия ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кейинги асрларда инсоният ҳаётида рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, фан тараккиёти, техник-технологик имкониятларнинг бекиёс ўсиши «инсон ва табиат», «жамият ва табиат» муносабатларида жиддий зиддијатларни вужудга келтирди. Оқибатда биосферанинг эволюцион ривожланиши жараёнида экологик мувозанат бузилиши натижасида инсоният цивилизацияси ютуклари, унинг истиқболлари катта хавф остида колди. Зеро, Юртбошимиз қайд этганидек, «эндиликда илм-фан янги йўллар очиши, сифат жиҳатдан янги технологияларни жадаллик билан яратиш, жамиятнинг янги ҳолатга ўтишини таъминлаши лозим»<sup>1</sup>.

Бугунги кунга келиб бу каби мураккаб муаммоларни ҳал этишда экологик таълим-тарбиянинг роли тобора ошиб бормоқда. Сабаби, экологик таълим-тарбия инсон ижтимоий-иқтисодий фаолиятининг салбий оқибатларини бартараф этиб, «табиат-жамият-инсон» мажмуаси коэволюцияси ва барқарор тараққиётни таъминлашга, инсоннинг табиат бойликларига онгли муносабатини, табиий атроф муҳит муҳофазасига нисбатан масъулиятини шакллантиришга қаратилган. Янада аниқлаштириб айтганда, экологик таълим-тарбиянинг пировард мақсади – глобал экологик инқирозларнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, руҳий ва бошқа оқибатларини бартараф қилиш, инсон ва табиат муносабатларини биосферанинг экологик мувозанати талаблари асосида ташкил этиб, ижти-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Узбекистон мустакиллика эришиш остонасида. – Т.: Узбекистон, 2011. – 80- 6.

малай манавий ҳаёт тараққиётини, инсоният цивилизацияси  
таъминлаштиришни таъминлашдир.

Шунинг учун ҳам экологик таълим-тарбия тизими, бир  
жамият моддий-иқтисодий, маънавий-маърифий,  
фарзандларини реал воқелик талабларидан, эҳтиёж-  
паридан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш; иккинчи томон-  
дан, инсоният табиий яшаш шароитларини яхшилаш имко-  
нотларини кенгайтиришнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда.  
Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон мустакиллика  
эришиш остонасида» китобида қуйидаги фикрни тарькидлаган-  
дор: «Иқтисодиёт ва экология, ижтимоий ва сиёсий соҳалар-  
да мавжуд бўлган кўлгина зиддиятлар – мансабдор шахслар,  
моҳнаткашларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги жуда  
паст даражада эканлиги оқибатидир»<sup>1</sup>.

Зоро, экологик таълим-тарбия ўз мазмун-моҳиятига ва  
манифасига кўра, барча маданият йўналишларини глобал  
ҳуқуқий-экологик манфаатлар доирасида интеграциялашти-  
ринг имкониятига эга.

Гарчи индивидуаллик ижтимоийликнинг маҳсули тарзида  
юнга келса-да, шахснинг экологик эҳтиёжи ва манфаатлари  
индивидуалликнинг ўзига хос жиҳатларига эга эканлитини  
англашади. Шунга қарамай, индивидларнинг табиат неъмат-  
ларига бўлган эҳтиёжи ва манфаатлари туташадиган нуқтада  
экологик фаолият, демакки (экологик дунёқараш ва маданият),  
ижтимоий характер касб этади. Шахсада экологик дунёқарашни  
шакллантиришга эҳтиёж индивидуаллик ва ижтимоийликнинг  
ўзаро алоқаси ҳамда таъсири асосида таркиб топади. Собиқ  
мустабид тузумнинг шахс билан боғлиқ муаммолари ечими-  
даги энг катта хатолик ҳам унинг табиатга бўлган индивидуал  
эҳтиёжларининг ижтимоий асосларини ҳисобга олмаслик би-  
лан боғлиқ.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон мустакиллика эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекис-  
тон, 2011. – 94- б.

Бунинг бойси, фикримизча, қуидаги муаммоларнинг йиллар давомида ҳал этилмай келгандыгыданadir:

- собиқ иттифоқ даврида табиат нөйматларидан шафқатсизларча, окибатини үйламай фойдаланишга ружу қўйилганлиги, пахта монокультураси таъсирида ерларни ўзлаштириш, қўшимча ерлар очиш сиёсати туфайли сугориладиган ер ва сув ресурсларининг кескин камайиб кетганлиги;
- кишиларимизда ҳалқимизнинг азалий қадрияти ҳисобланган табиатга меҳр-мухаббатнинг миллий менталитетимиз фазилатлари билан уйғун томонлари эътиборга олинмаганлиги;
- аждодларимизнинг урф-одатлари, табиатни асрашга доир анъана ва удумларига эскилик сарқити сифатида қаралганлиги;
- экологик билим, қўникма ва малакаларнинг маърифий асосларига эътиборнинг сустлиги;
- саноат ва кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида маҳсулот яратиш атроф мухит соғлигини сақлаш, кишиларнинг саломатлиги, ҳаётий манфаатларини ҳисобга олишдан кўра устуворлиги;
- экологик дунёқараашни бойитишга хизмат қиласидаган таълим йўналишлари, тарғибот ишларига деярли эътибор берилмаганлиги.

Мустакиллик йилларида ана шу йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича қатор чора-тадбирлар, жиддий ёндашувлар, табиатни муҳофаза қилишни кучайтиришга доир қонунлар, меъёрий хужжатлар, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда табиатни асрашнинг қонуний асослари мустаҳкамланди. Қонуннинг «Умумий қоидалар» деб номланган бўлимининг З-моддасида табиатни муҳофаза қилиш мақсади асосланиб, қуидагилар таъкидланган:

- инсон саломатлиги, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иктисодий

рикожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган килиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

— инсон, табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаш;

— экологик тизимлар, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини саклаб қолиш;

— экологик хавфсизликни таъминлаш;

— табиат объектлари билан боғлиқ маънавий меросни асраб колиши<sup>1</sup>.

Агар эътибор берилса, Конунда экологик ҳолатни тартибга солишида маънавий мерос масаласига жиддий эътибор қараттилмоқда. Демак, энг аввало, кишиларда экологик маданиятни шакллантириш, ёшларни атроф муҳитга оқилона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш учун дунёқарашнинг асосларидан бири бўлган табиат ҳақидаги билим ва маърифатни улар руҳиятига сингидирини билан бирга, ана шу маърифатнинг замирига маънавий мерос ва ахлоқий қадриятларни кўйиш ғоят муҳим аҳамиятта эга. Бинобарин, жамиятимизда кечеётган ва ҳар бир шахс руҳиятига сингиб бораётган «маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг ерга ва унинг бойликлариға бўлган муносабатини ҳам ўз ичига олини лозим. Цивилизация белгиларини асраб-авайлаш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ хўжалиги минг йиллар<sup>2</sup>-мобайнида бутунлай сугориладиган дехқончиликка асосланган минтақада ер ва сувни асраб-авайлаш ҳам шунчалик муҳимдир. Ер, ҳаво, сув ва олов- (куёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозланиб келинган, аждодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан муносиб қадрлаб келинган.

Афсуски, охирги юз йилликда айнан минтақанинг экологик тизимиға жуда катта зарап етказилди. Аждодларимизнинг табиатдан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий одоб-ахлоқ қои-

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т.: Адолат, 1992. – 96- б.

далари унугиб юборилди. Бу қоидаларга кўра, сув ва ери үйламай-нетмай булғаш, исроф қилиш гунохи азим ҳисобланар эди»<sup>1</sup>.

Хозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири – ахоли орасида экологик таълим-тарбияни ва атроф муҳитни сақланига оид билимларни ёйиш йўли билан табиатни муҳофаза қилишнинг турли-туман чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишдир. Бошқача айтганда, шахс экологик дунёқарашни бойитишнинг маънавий-маърифий асосларини янада такомиллаштириш зарур. Экологик билим ва дунёқарашни юксалтириш борасида Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ташабbusи ва ҳамкорлиги асосида экологик таълимга доир қатор меъёрий ҳужжатлар, қарор ва фармонлар ишлаб чиқилиб, узлуксиз таълим тизимида кенг қўлланилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрдаги 469-сонли Қарорининг 2.15- ва 2.16- бандларида Халқ таълими вазирлиги ва ОУМТ вазирлиги зинмасига «Экологик таълимнинг Давлат стандартлари» ва «Узлуксиз экологик таълим концепцияси»ни яратиш ҳамда уни мувофиқлаштириш масаласини алоҳида вазифа сифатида белгилади. Ушбу масала Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг бир неча бор ташкил этилган қўшима йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Мазкур чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда экологик таълимни амалга ошириш тизимининг бир неча йўналишларини белгилашда қўйидагиларга алоҳида эътибор берилди:

– экологик таълимни барқарор ривожланувчи таълим тизимиға уйғулаштириш (ижтимоий-иктисодий аспект);

<sup>1</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6- том. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 131- 6.

экологик маданиятни юксалтириш асосида ахолининг экологик маърифатли қилиб тарбиялаш (экологик маданиятнинг аспекти);

экологик билимдонлик ҳар қандай касбий фаолият билан шутгулланувчи мутахассиснинг салоҳиятини белгиловчи компонент эканлигини англаш<sup>1</sup>.

Унбу йўналишларни таълим тизимида барқарорлик касбийни учун эколог мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилиши, айниқса, муҳим. Бу борада республикамизда ималта оширилаётган ишлар динамикасида сезиларли ўсиш кузатилемоқда, айниқса, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш ҳамда саноатнинг турли тармоқларида фаолият юритувчи профессионал экологлар тайёрлаш учун саъй-ҳаракатлар кўлами кенгаймокда ва бу соҳа йўналишлари бўйича олий маълумотли профессионал экологлар тайёрлаш давлат таълим стандартлари ва классификаторларда ўз ифодасини топмоқда. Аммо шунга карамай, республикамизда хали-хануз халқаро тоифадаги экологик таълимга йўналтирилган олий ўқув юрти мавжуд эмаслиги бу борадаги фаол таълим-тарбия тизимини такомиллантиришга муайян даражада тўсқинлик қилмоқда деб айтишга тўла асосимиз бор. Чунки ана шу таълим йўналиши жамланмаганлиги профессионал экологлар, табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни ҳимоя қилишга ихтисослашган иқтисодчилар, аудиторлар, менежерлар каби юксак илмий салоҳиятга эга бўлган кадрларни дунё андозаларига мос тарзда тайёрлашга имкон бермаётганлиги ҳам маълум. Бу эса, ўз навбатида, экологик вазиятни прогноз қилиш, экологик лойиҳалаш ва уларни экспертиздан ўtkazish ишларининг сифат даражасига ҳам салбий таъсир этмоқда. Буни Президентимиз Ислом Каримов қуйидагича баҳолайди: «Албатта, республикамиздаги минерал ҳомашё, энергетика, ер-сув ресурслари борган сари камайиб боради. Шу нуқтаи назардан қараганда, эски ёндашувлар-

<sup>1</sup> Холмуминов Ж. Актуальные проблемы и приоритетные направления экологоправового образования в стране. // Фалсафа ва ҳукуқ. №3, 2008. – 89-бет.

дан чора излаган билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бугун фавқулодда гайриоддий йўлдарни топиб, тараққиётимиз истиқболини тўғи белгилаб олишимиз зарур. Габиийки, бунда энг катта масъулият, аввало, билимдон ва малакали, фидони кадрлар зиммасига тушиди»<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, экологияга йўналтирилган мутахассис педагог кадрларни тайёрлаш, экологик билимдон мутахассисларни республика иқтисодиётининг турли тармоқларига етказиб бериш ҳам талаб даражасида эмас. Ҳозирга қадар бу каби мутахассислар олий ўкув юртларидағи табиий-география, кимё, биология ҳамда экология профилига алокадор бошқа факультетларда тайёрланмокда. Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда экологик таълимни мукаммал тарзда ташкил этиш давр талябига айланди.

Экологик таълим-тарбиянинг туб маъноси – бу табиат ва жамият ўртасидаги узвийлик, уларни бир-бирига боғловчи табиий ҳамда ижтимоий қонуниларни ўрганиш, ҳаётга татбиқ килиш йўли билан табиий барқарорликни сақлашдан иборат. Экологик таълим инсонга куйидагиларни беради:

- 1) инсоннинг табиат, атроф муҳит, биосфера ҳакида тўлиқ тасавурини таркиб топтиради;
- 2) фанларни чукур ва кенгроқ ўрганишларига ёрдам беради;
- 3) табиат билан инсон орасида узвий боғланиш қонуниятлари мавжудлигини тушуниб етишларига кўмаклашади. Табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялайди;
- 4) онгли равишда касб танлашларига шароит яратади.

Экологик таълим мазмуни, *биринчидан*, маълум миқдордаги экологик билимларни ўз ичига олган тизим ҳамма учун мажбурий бўлиб, унинг ихтисослиги қандай бўлишидан қатъи назар, зарурий даражада экологик билимга эга бўлиши зарур; *иккинчидан*, экологияга юид айрим хусусий, чукурлаштирилган билимларни эколог, агроном, техник, биолог, кимёгар

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 44–45- бетлар.

бон махсус мутахассислар ўрганишлари мақсадга мувофиқ. Экологик таълим умумий таълимнинг таркибий қисми бўлиб, унуксиз характерга эга бўлиши керак. Экологик материаллар бир бир фан таркибида ортиқча вақт талаб этилмагани ҳолда ўкувчи ва талабаларга ўргатилиши, экологик дунёқарашни шакллантиришда бундай маълумотларни ўкувчи ва талабаларни хусусиятларига кўра тизимли етказиб беришнинг ташкил этилиши экологик дунёқараш шаклланиши ва ривожига ижобий таъсири қиласди.

Экологик таълим оила (ота-она), богча, маҳалла, бошланғич ва умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўкув юртлари, турли мутахассисларни юйта тайёрлаш муассасалари ва шу каби институциялар орқали расмий ўқитилаётган билимлардан ташқари, ҳалқ ҳаётига сингиб кетган табиатни қўриқлашга оид удум ва анъаналарни сингдиришнинг муҳим звенолари саналади. Бунда ҳар бир боскичнинг ўзига хос хусусияти мавжуд бўлиб, унда ўрганиладиган материаллар дидактикасининг умумий принципидан чегта чиқмаган ҳолда ўкувчиларга ўргатилиши зарур.

Экологик таълим-тарбия фанлараро бодганини ва алоқадорликда амалга оширилиши зарур, чунки, *биринчидан*, экология фани барча фанлар мазмунини ўз ичига қамраб олади; *иккинчидан*, ўз навбатида, барча фанлар экологияга оид материалларни ўзида мужассамлаштиради. Шу сабабли келажакда табиий фанларни бирлаштирувчи интеграллашган экология курси вужудга келиши мумкин. Экологиядан интеграллашган курс ўкувчиларга бир бутун билимлар тизимини беради.

Экологик билимлар мазмун ва характеристи жиҳатидан илмий, амалий, тарбиявий бўлади. *Илмий экологик тушунчалар*, энг аввало, биология, кимё, физика, математика, география, астрономия, кибернетика ва бошқа аник фанларни ўрганиши орқали таркиб топади. *Амалий билимлар* эса меҳнат, география, чизмачилик, табиий фанларнинг татбиқий билимларини ўрганиш орқали шаклланади. *Тарбиявий йўналиши* меҳнат, эстетика ва

бошқа фанларни ўрганиш орқали шакланади. Экологик таълим, асосан, умумий ўрта таълим тизимида ҳал этилади, чунки бу таълим жараёнида барча болалар билим оладилар. Кейинги босқичларда эса ёшлиар таълим олишда табақалана боради. Олий ўқув юртларида талабаларга экологик таълим бериш ҳам икки хил йўл билан амалга оширилади:

- а) барча умумий таълим фанларини ўрганиш орқали;
- б) маҳсус экология курсларини ўрганиш орқали.

Экологик таълим-тарбия – бу инсоннинг табиатга қадам кўйган вақтидан бошлаб, бутун хаёти давомида табиатдан онгли равишда фойдаланишга ўргатиш, психологик, ахлоқ-одоб юзасидан ҳалқимизнинг табиатга иисбатан хурмат-эътибор билан қарайдиган яхши урф-одатлари, удумлари асосида ёшлиарни тарбиялаш, уларда табиат, унинг хилма-хил бойликларига меҳр-муҳаббат уйғотиш, тежамкорликка ўргатиш, табиий бойликларни кўпайтириш, боғу роғлар, гулзорлар ташкил қилишга ундаш, уларнинг қалбида яхши хислатлар уйғотишдан иборат.

Экологик гаълим-тарбиянинг мақсади – инсонни ўраб турган табиий муҳит ва униyг бойликларини биладиган, тежамкорлик билан фойдаланадиган, саклайдиган, табиат бойлигига бойлик, гўзаллигига гўзаллик қўшадиган, ижтимоий ва табиий қонунларни биладиган билимдон шахсни етиштириш ва тарбиялашдан иборат. Шу билан бирга, экологик таълим-тарбияни амалий фаолият билан кўпиб олиб бориш яхши самара беради. Ҳалқимизда «Кўчат эк, боғ қил», «Ўзинг кўкарай десанг, дарахт кўкартир», «Бир туп тут эккан киши юз йил гавҳар теради», «Бирни кесссанг, ўнни эк», «Яхшидан боғ қолади» каби хикматлар бежиз пайдо бўлмаган, бу хикматлар кишиларнинг экологик онгини қарор тоғтиришда муҳим роль ўйнайди.

Экологик таълим-тарбиянинг асосий вазифаси – инсонни табиат билан ва унда содир бўлаётган воқеалар билан кизиқтириш, инсон ва табиат ўртасидаги муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтириш, уларни ечиш йўллари, чора-тад-

бирларини тониш учун етарли экологик билимларга эга бўлган исходни таркиб топтирган ҳолда атроф мухит муҳофазасини амалга оширишидир. Экологик таълим-тарбиянинг вазифалари кўнидагилардан иборат:

– жамият ва табиатнинг ривожланиш қонунлари, улар ўртасидаги муносабатларни чуқур ўргатиш ва шу асосда замонавий фикрлай оладиган шахсни тарбиялаш;

– ижтимоий-иктисодий режалаштириш ва иштаб чиқариш кучларини йўналтиришда турли табиий ҳудудларнинг экологик ҳолатини биладиган ва келажакнинг экологик режасини гуза оладиган авлодни тарбиялаш;

– ҳар бир инсон, жамият ва жамият ичидаги турли гурухлар, тоифалар, синфлар яшаб турган табиатни, унинг бойликларини саклашга хизмат қиласиган ёшларни етиштириш;

– жамият аъзоларига ўзларининг ижтимоий, маданий, диний қарашлари ва урф-одатларини бажаришда яшаб турган жой, водий, адирлар, тоғларнинг гўзаллиги, уларнинг инсон ҳаёти ва сalomатлигидаги аҳамиятини тушунтириш, ёш авлода табиатга нисбатан меҳр-муҳабbat уйғотиш ишларини олиб бориш.

Юкоридаги вазифаларни амалга оширишда боғча тарбиячилари, мактаб ва ўкув юртлари ўқитувчилари ўкув предметларини тушунтиришда имкон қадар қизиқарли интерфаол таълим усусларидан, турли ўйинлардан, кинофильмлардан фаол фойдаланишлари орқали ўзлари яшаб турган табиий воқелик ва экологик ҳолатларга боғлаб, таълим-тарбия ишларини олиб бориши керак<sup>1</sup>.

Ёиларни она-Ватанга муҳабbat, унинг табиат инъомларидан оқилона фойдаланиш, атроф мухитни кўз корачигидек саклаш руҳида тарбиялаш амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим қисмига айланishi лозим. Афсуски, республикамиз олийгоҳлари ўкув режаларида экологик фанларга ажратилган

<sup>1</sup> Эргашев А., Эргашев Т. Экология, биосфера ва табиатни муҳофаза килиш. – Т.: Яиги авлод асри, 2005. – 408-409- бетлар.

соатлар ҳажмини етарли деб бўлмайди. Бунинг устига, айрим олийгоҳларда илгарилари ўқитилган «Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти» фани янги ўкув режасидан олиб ташланган. Ўзбекистонда экологик кескинликнинг жиддийлигини инобатга олиб, иқтисодий олийгоҳлар ва иқтисодий факультетлар ўкув режаларида «Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти» фанини тиклаш ҳамда «Иқтисодий ва социал экология» фанларини ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, муҳандис-эколог, кимёгар-эколог, биолог-эколог мутахассислари билан биргаликда иқтисодчи-эколог ёки менеджер-эколог мутахассисларни тайёрлаш вақти аллақачон келган. Ёшларнинг экологик билимларини кенгайтириш, уларга бу йўналишида турли-туман замонавий билимлар бериш уларнинг экологик дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришда катта ахамиятга эга. Бунинг учун фактат таълим тизимиға суюниб қолмай, бундай билимлар олишнинг бошқа воситаларига, жумладан, матбуот саҳифалари оркали экологик маълумотлар беришга етарли эътибор берилиши керак. Вақти-вақти билан мамлакатимиз шаҳарлари, саноат корхоналари, атмосфера ҳавоси, сув манбалари, тупрок, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ҳолатини, уларга етказиладиган заарларни маълум даражада акс эттираётган экологик маълумотларни эълон қилиб турадиган бюллетенга ўхшашиб махсус манбалар нашр этилса, айни муддао бўлар эди. Бундай маълумотлар ёшлиарга, барча ахолига у ёки бу ҳудудда экологик ҳолат қай тарзда ўзгариб бораётганини билдириб, айрим корхона раҳбарлари ва мутасадди раҳбарларни атроф мухитга келтираётган зарари тўғрисида маълум хулоса чиқаришига чакирган бўларди.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, албатта, маълум бир оиласининг ҳам аъзосидир. Ижтимоий хаётда қандай мавқе ва дунёқарашга эга бўлишимиздан, ҳохишимиздан қатъи назар, ҳар бири-миз ўз оиласиз тузумига шу даражада боғланганмизки, ана шунинг оқибатида оиласлар, маҳаллалар ҳаёти ва дунёқарashi, охир-окибат бугун юртимиз ҳаётига кучли таъсир кўрсата ола-

ди. Юртбошимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, «одамзод учун бир умр зарур буладиган табиий күникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай хис қилиши, етакчилик хислатларига эга булиши ёки бўлмаслиги, керак бўлса, дунёқараши – буларнинг барчаси, аввало, унинг тутма табиати, шу билан бирга, оиласа оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб берди»<sup>1</sup>.

Мана шу оиласавий муносабатларнинг такомиллашиши ёш авлоднинг моддий олам, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тасавурлари, борлиқ ва табиат, экологик заарли ва фойдали хатти-харакатлар ҳақидаги тушунчалари, дунёқарашиларининг шаклланишига асос бўлади. Аввало, ҳар бир хонадонда соглом оиласавий муҳит яратилмоғи, бунинг учун оила муаммолари урганилмоғи лозим. Чунки маънавий муҳит соғлом бўлмаган оиласа мөхнатга ва даромадга муносабат хотүгри шаклланиб, бу ўз ўрида табиий неъматларни ўзлаштириш жараённида ҳам салбий ҳолатларни юзага келтиради<sup>2</sup>. Маънавий муҳит соғлом бўлмаган оиласа авлодлар алоқаси ва муносабатлари ҳам но-соглом булиб, катталарнинг обруси, кичикларнинг ўзаро извати мавжуд бўлмайди. Кузатишлар шуни тасдиқламоқдаки, бундай ҳолат шахсни нафакат оила-турмуш муносабати, балки уни ӯраб турған атроф муҳитга муносабатида ҳам лоқайдлик, масъулиятсизликни келтириб чиқаради. Ана шунга ўхшаш турли салбий ҳолатлар ёнига хотүгри йўналтирилган экологик глобал таъсирлар қўшилса, шахсни қанчалик аянчли оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунга кўра, оила маънавий муҳитини шакллантириш, энг аввало, оиласадаги ҳар бир алоҳида шахснинг маънавиятини юксалтириш билан боғлиқ. Шарқ ахлоқий таълимотларидан бўлган тасаввуфда

<sup>1</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 53- б

<sup>2</sup> Иминова М. Маърифат йўли оиласдан бошланади. Узбекистонда маънавият: маърифат, фан ва жамоатчилик фикри. – Т., 2001. – 124-125- бетлар.

шахсдаги бу ҳолат «жазба» (ўзига тортиш) деб аталади<sup>1</sup>. Унга кўра, маънавий муҳит ва идеал шахсни мақбул даражадаги кишига айлантиради ва бундай шахс ўзгаларни ғояси, ахлоқи ва хатти-ҳаракати билан жалб этади. Бу хусусда буюк мутас-саввиф Баҳоуддин Нақшбанд шундай ёзади: «Иҳтиёр бизда, агар ҳохласак, кишига жазба орқали таъсир қиласиз»<sup>2</sup>.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади:

- 1) маънавий идеалга эга шахс жамият аъзоларига ўз етуклиги билан таъсир кўрсатади;
- 2) бундай шахс жамиятта сабок бериш билан ҳам таъсир кўрсатади.

Биринчи таъсир кўрсатишда шахснинг маънавий-ахлоқий фазилатлари муҳим ўрин тутса, иккинчисида эса унинг дунёқараши асосий роль ўйнайди. Ҳар икки ҳолатда ҳам шахснинг жамият маънавий-ахлоқий муҳитига, демакки, оилавий муҳитга ҳам таъсири ижобий бўлади. Эътибор қиладиган бўлсак, бу гоя замирида шахснинг дунёқараши ҳам соғлом маънавий муҳитда устуворлик касб этмоқла. Демак, нафакат умумий дунёқарашиб, балки унинг таркибий тизимидағи экологик дунёқарашиб ҳам бу ўринда алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Оиласда соғлом муҳитни шакллангирининг энг муҳим омилларидан бири – иқтисодий тараққиётта асос бўлувчи табиий неъматлардан оқилона фойдаланишга узлуксиз ўргатиб боришиғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ўз даврида Марказий Осиё табиатшунослари ва файласуфларининг илмий-табиий ва фалсафий қарашларини ўз илмий ижодида мужассамлаштира олган мутафаккир Жалолиддин Довоний (1427–1502) ана шу табиий омиллар хусусида тўхтабиб, қуйидаги фикрларни айтади. Табиатнинг ҳамма унсурлари кишилиқ жамиятига хизмат қиласи, улар табиат ва моддий нарсалар тараққиётининг асосий сабабчиси ҳисобланади. Бу

<sup>1</sup> Каҳарова М. Маънавий идеал. – Т.: Маънавият, 2008. – 36- б.

<sup>2</sup> Мұхаммад Бокир. Мақомати Ҳожа Нақшбанд. (Баҳоуддин Балогардон). – Т.: Ёзувчи, 1993. – 77- б.

унсурлар инсоннинг меҳнат фаолиятига ёрдам беради. Улар меҳнат куроллари, ўсимлик, озиқ-овқат, ҳатто инсон танасининг таркибий қисмидир. «Унсурларнинг ҳар бири, – деб таъкидлайди Довоний, – иш-харакатнинг олдиндан мўлжалланган табиий куролини яратади; сув билан олов иситиш ва совутишига ҳамда овқат тайёрланига хизмат қилади, ҳаво эса нафас олиш учун керак булиб, у (инсон) руҳига ором беради. Тупроқ эса уруг сочиш, озиқ-овқат, уй-жой қуриш ва ҳоказоларга керак бўлади»<sup>1</sup>.


Эътироф этиш керак, бу фикрлар жуда жўн, аҳамиятсиз кўринса-да, унинг мантикий негизида инсоннинг ана шу унсурларга онгли муносабатда бўлиши, уларни асрраб-авайлаши ва рационал фойдаланиши ғояси мужассам. Шахснинг табиатга ана шундай оқилона муносабаги, энг аввало, оила муҳитида шаклланади. Бундай ҳаёт тарзига асосланиб яшаш ҳар бир оила аъзоларининг муомала маданияти шаклланишига, соғлом муҳитда хотиржам яшашига, жамиятда ўз истеъодини намоён этишига имконият яратади.

Энг муҳими, «боланинг характеристи, табиати ва дунёкарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Айнан оиланинг соғлом муҳитда пайдо бўладиган одамийлик фазилати ва оилавий муносабатларнинг негизи маънавий оламнинг ўзаги оилада ташкил топадиган... оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун, аввало, ҳар кайси хонадондаги маънавий иқлим ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қурилса, айни муддао бўлар эди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Карап: Жалолиддин Довоний. Ахлоқи Жалолий. – ЎзФА Шарқшунослик институтида сакланаётган қўлёзма. Изв. 7703.

<sup>2</sup> Собирова З., Толипов Б. Соглом турмуш тарзи ва унинг ижтимоий зарурияти масалалари. «Ёшлиарнинг акмеологик қарашларини шакллантиришда соглом турмуш тарзининг ўрни» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материалларидан. – Т.: Фалсафа ва ҳукуқ институти нашриёти, 2008. – 65- 6.

Ана шундай оилавий мұхитда шахснинг том маңнодаги ижтимоий саломатлиги унинг шахс сифатида ва профессионал жихатдан үз-үзини аңглаши, оилавий ва ижтимоий мақомидан қоникиши, ҳәётій мүлжаллари реаллиги, уларнинг социомаданий вазиятлар (иктисодий, экологик, социал ва психологияк шарт-шароитлар)га мувофиқлигига күп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Оила мұхити ва экологик тарбиянинг үзаро алоқадорлигини қўйидаги чизма орқали кўрсатиш мумкин (2- чизма):



2- чизма.

Оила ва жамиятнинг инсон экологик дунёкарашини шакллантириш ва ривожлантириши қаторида, бу мураккаб экологик воқеликка боғлиқ илмий ва оммавий ахборотларни ҳалққа етказиб бериш учун теле ва радиоканалларда ҳафтанинг маълум кунларида экологик мавзуда эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этилаётганлиги катта аҳамиятга эга. Уларда бу соҳанинг мутахасислари, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг фаоллари ҳамда унинг Конунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи аъзолари қатнашаётганлиги нур устига нур бўлмоқда. Экологик йўналишдаги маънавий-маърифий кўрсатувлар ҳам ҳалқимиз қалбидан жой олиб улгурди. Буларнинг ҳаммаси республикамиздаги экологик вазиятни босқичма-босқич соғломлантириш, ҳозирги ва келажак авлод фаровонлигини, маданий таракқиётини юксалтириш учун катта имкониятлар яратади.

## ХУЛОСА

Инсоният тарихининг ҳар қандай босқичида шахс экологик онги ва дунёқарашини шакллантириш жамият мавжудлигининг шарти сифатида қаралган. Айникса, экологик муаммолар глобаллашиб ва кескинлашиб бораётган шароитда шахс экологик онги ва дунёқарашини замон талаблари даражасида ривожлантириш инсоният цивилизацияси келажагини тъмнилашнинг асоси эканлиги англаб етилмоқда. Шунга кўра, бу соҳада оммавий маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш расмий идоралар олиб бораётган экологик фаолиятга кўшимча импульс беради. Хусусан, миллий экологик меросни ривожлантиришнинг шарт-шароитларини, имкониятларини, усул ва воситаларини яратиш замонавий экологик дунёқарааш асосини ташкил қиласди.

Биринчидан, экологик дунёқарааш тарихидаги маънавий-маданий меросни ижодий ривожлантириш, улар ўртасидаги ворисийлик муносабатларини таҳлил этиш ҳозирги давр экологик дунёқарашини шакллантириб, кескинлашаётган ва глобаллашаётган экологик муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим субъектив омилига айланмоқда.

Иккинчидан, шахс экологик дунёқараши шаклланишининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари таркибида диний қадриятлар, миллий урф-одатлар, анъаналар, ўтмиш мутафаккирларнинг илмий ва бадиий мероси синтезлашуви замонавий экологик дунёқараашни шакллантиришнинг назарий ва методологик асосларини ташкил этади.

Учинчидан, экологик дунёқараашнинг умуминсоний хусусиятларини шакллантиришда Шарқ ва Ўарб алломаларининг ижод намуналарини илмий ўрганиш, умумлаштириш, жумладан, халқимизнинг менталитетига хос экологик дунёқараашни

никлантаришда инсоният тарихида яратилган табиат мухофизасининг илмий-назарий қарапларини қиёсий тахлил этиши үлардан амалда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

*Тұрттынчидан*, миллий экологик дунёқаращининг нисбий мустақишлиги ва умуминсоний қадриятлар билан диалектикалық үйнүнлигининг шахс экологик онги, тафаккури, билими, савиясига боғликлиги турли мезонлар билан баҳоланиб, тарихий, гнесологик ва ижтимоий-амалий тажрибаларни шахс экологик маданиятини ривожлантаришга йұналтириш муҳим методологияк аҳамиятта.

*Бешинчидан*, экологик маданият таркибидаги дунёқарааш феноменини экологик идрок, тасаввур, тушунча ва тафаккур контекстіда қараб, үларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар нұқтаи назаридан норматив-баҳолаш, дидактика-аксиологияк томонларини фундаментал үрганиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

*Олттынчидан*, шахс экологик дунёқараши глобал экологик муаммолар ечимини тошида, табиий атроф мухит баркарорлигини таъминлашда субъектив омил вазифасини бажаради ва дунё экологик манзарасига мос равишда ўзгариб, миллий хусусиятларини намоён қиласы.

*Еттінчидан*, экологик муаммоларнинг глобаллануви ва кескинлашуви миллий ва умуминсоний экологик қадриятларни идентификациялаштириб ва дифференциаллантириб ўз таъсир йұналишларини конкретлаштиради ва биосфера ҳамда ижтимоий мухит мутаносиблигини таъминлашга доир универсал, умумназарий ва амалий асослар яратилмоқда.

*Саккизинчидан*, ҳозирги даврдаги глобал ўзгаришлар экологик дунёқарааш парадигмаларини ўзгартыриб, инсониятнинг экологик фаолияти йұналишларини, характеристерини ва ривожланиш тенденцияларини шахс экологик онги ва дунёқараши эволюциясида намоён қилмоқда.

*Тұққизинчидан*, шахс экологик дунёқараши ривожланиши жараёнида шаклланған ва муайян мақсадға йұналтирилған

миллий экологик қадриятларга муносабатда ҳар бир миллаттинг ўзлигини англаши намоён бўлиб, умумий дунёқарааш мазмун-моҳиятини, халқаро экологик муносабатда ўрни ва мақомини белгилайди.

*Ўнинчидан*, экологик муаммолар кескинлашаётган ҳозирги даврда, уларнинг эскалацияси олдини олиш, умуман, инсоният дунёқараши, хусусан, ҳар бир шахс дунёқарашини экологик мезонларга кўра қайта қуриш зарурияти дунёқарааш парадигмаларини ўзгартириб, экологик барқарор ривожланишнинг асосларини белгилаб бермоқда.

*Ўн биринчидан*, инсониятнинг ҳаёт тарзи, келажакдаги тақдири, яшаш тамойиллари билан боғлиқ экологик қадрият ва маросимларни шахс дунёқарашига, руҳиятига сингдириш зарурияти ўтмиш экологик меросидан ижодий фойдаланишни тақозо килади.

*Ўн иккинчидан*, шахс экологик дунёқараши шаклланиши ва ривожланиши асрлар давомида бир-бири билан боғлиқ анъанавий ва ноанъанавий, миллий ва умуминсоний институционал тизимларни тақозо қилиб, табиатдан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш тизимларини такомиллантиришнинг стратегик масалаларини ҳал қилинда муҳим аҳамият касб этади.

*Ўн учинчидан*, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва агроф муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллантириш соҳасида ривожланган мамлакатлар тажрибаларини умумлантириш ва ижодий фойдаланиш имкониятларини қидириб топиш мақсадга мувофиқ.

*Ўн тўртинчидан*, экологик дунёқараши ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари ролини оширишга тизими ёндашувда мамлакатимиздаги экологик ҳаракат ва ташкилотларнинг фаолиятини баҳолашга, жамоатчилик фикрини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

*Ўн бешинчидан*, шахс экологик дунёқарашини ривожлантиришнинг маданий-маърифий тадбирларини таіпкил этишда оила институти ролини ошириш учун оиласиб экологик таъ-

лим-тарбияни тизимли амалга оширишни назарий ва методологияк жиҳатдан ташкиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Юкоридаги назарий-методологик хуносалардан қуйидаги амалий таклиф-тавсиялар келиб чиқади:

1) аҳолининг турли ижтимоий қатламлари экологик дунё-қарашини шакллантиришга дифференциал ёндашган ҳолда, уларни табиат муҳофазасига доир адабиётлар, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва бонқа ахборот манбалари билан таъминлашни кучайтириш;

2) таълим тизимида ўқитилаётган фанларни экологиялаштиришни тизимли дастур асосида ташкил қилиб, ҳар бир фан соҳасида экологик дунёқарашни шакллантиришга доир назарий-услубий асосларни, амалий тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштириш;

3) экологик таълим-тарбияга мутасадди институтларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш, узлуксизлигини таъминлайдиган яхлит педагогик-дидактик технологияни ишлаб чикиш ва ҳаётга жорий этишнинг потенциал имкониятларини қидириб топиш;

4) иплаб чиқаришни экологик самарадор технология билан таъминлаш, шу соҳада мутахассислар тайёрлаш ва қадрлар ма-лакасини оширишга мутасадди ташкилотлар фаолиятини аҳолининг экологик фаоллиги ва масъулиятини оширишга йуналтириш;

5) ижтимоий онг шаклларининг педагогик-дидактик функциясида экологик дунёқарашни ривожлантириш устуворлигини таъминлаш усуллари ва воситаларини такомиллаштиришида ҳалқ педагогикасидан унумли фойдаланиш давлат сиёсати дарражасига кўтарилиши лозим.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Раємий материаллар ва хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т.: Адолат, 1994.
3. «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1997. 2-сон; 52-модда.
4. «Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1998. 1-сон; 12-модда.
5. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1998. 1-сон; 14-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони. 1997 й. 6-октябрь. / УзР Президентининг фармонлари. – Т.: Адолат, 2000.
7. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Адолат, 2008.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарлари**

1. *Каримов И. А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. 7- том. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. *Каримов И. А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. *Каримов И. А.* Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Т.: Узбекистон, 1997.
4. *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт – пировард мақсадимиз. 8- том. – Т.: Узбекистон, 2000.
5. *Каримов И. А.* Биз танлаган йўл-демократик тараккиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11- том. – Т.: Узбекистон, 2003.
6. *Каримов И. А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16- том. – Т.: Узбекистон, 2008.
7. *Каримов И. А.* Ватанизмнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17- том. – Т.: Узбекистон, 2009.
8. *Каримов И. А.* Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Узбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Узбекистон, 2009.
9. *Каримов И. А.* Юксак маънавият – сенгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
10. *Каримов И. А.* Узбекистон ўз истиклол ва тараккиёт йўли. – Т.: Узбекистон, 1992.
11. *Каримов И. А.* Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: Узбекистон, 1998.
12. *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараккиёт йўлида. 6- том. – Т.: Узбекистон, 1998.
13. *Каримов И. А.* Узбекистон мустакилликка эришин остонасида. – Т.: Узбекистон, 2011.

### **III. Илмий ва илмий-оммабон адабиётлар**

1. *Абу Наср Фаробий.* Фозил одамлар шахри. – Т.: Халқ мероси, 1993.
2. *Абу Райхон Беруний.* Таъланған асарлар. 3- жилд. – Т.: Фан, 1982.

3. Абу Али иби Сино. Тиб қонунлари. З жилдиги сайланма. 1-жилд. – Т.: Халқ мероси, 1993.
4. Андреев И. Л. Происхождение человека и общества. – М.: Канон, 1998.
5. Акимова Г. А., Хаскин В. В. Экология. – М.: ЮНИТИ, 1998.
6. Афанасьев Б. А. Мониторинг и метод контроля окружающей среды. – М-СПб, 1998.
7. Асқаров. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Т.: Фан, 1977.
8. Афанасьев Б. А. Мониторинг и методы контроля окружающей среды. – М.: 1998.
9. Алимасов В. Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги. – Т., 2006.
10. Абдуллаев О., Тошиматов З. Ўзбекистон экологияси: бугун ва эртага. – Т.: Фан, 1992.
11. Авесто. – Т.: Шарқ, 2001.
12. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. 7- том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
13. Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. – Т.: Фан, 1964.
14. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. I жилд. – Т.: Маънавият, 2000.
15. Азизов Ш., Азизова С. Маърифатпарварлик – ижтимоий-маданий ҳодиса. – Т.: Ави-матбуот konsalt, 2008.
16. Андреева Ю. А. Человек, природа, общество в современной прозе. – Л.: Наука, 1981.
17. Алиев М. Табиат ва тақдиримиз. – Т.: Тиббиёт, 1989.
18. Абу Наср Фаробий. Фазилат, баҳт-саодат ва камолот ҳақида. (Араб тилидан М. Қодиров таржимаси). – Т.: Ёзувчи, 2001.
19. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
20. Алиев А. Истиқлол ва адабий мерос. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
21. Абдуллаев З. Экологическое отношение и экологическое сознание. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
22. Бигон М, Харнер Дж., Таунсенд К. Экология особи, популяции и сообществ. В двух томах. Том 1. – М.: Мир, 1989. Т 1.

23. Бестужев-Лада И. Альтернативная цивилизация: актуальность социологического осмысления. Социология на пороге XXI века. – М.: Наука, АН РОС, 1999.
24. Борисовский П. И. Древнейшее прошлое человечество 2-изд. – М.: Наука, 1980.
25. Белов С. В. Безопасность жизнедеятельности. – М.: ВАСОТ, 1993.
26. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муноса-батлар. – Т.: Шарқ, 1999.
27. Брехман И. И. Валеология-наука о здоровье. – М.: Физкультура и спорт, 1990.
28. Бобур З. М. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989.
29. Вернадский В. И. Несколько слов о биосфере /Русский космизм. Антология философской мысли. – М.: Педагогика – Пресс, 1993.
30. Гафарли М. С., Касаев А. Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
31. Гиренок Ф. И. Экология, цивилизация, ноосфера. – М.: Наука, 1987.
32. Гринин П. Е. Формация и цивилизация. Философия и общество, 1997, №1-6; 1999, №1-3,5, 2000, №1–2
33. Гумилёв Л. Н. Этногенез и биосфера Земли. Л.: Гидрометеоиздат, 1990.
34. Киргизбоз M. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
35. Қаҳҳорова М. Маънавий идеал. – Т.: Маънавият, 2008.
36. Дж. Кларк. Доисторическая Африка. – М.: Наука, 1977.
37. Жураев Н., Азизов Ш. Ижтимоийёт асослари. – Т.: Ma’rifatmadadkor, 2003.
38. Жибуль И. Я. Экологические потребности, сущность, динамика, перспектива. – Минск: Наука и техника, 1991.
39. Жавлиев Т. Анъаналар-ҳаёт сабоги. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
40. Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

41. Шодиметов Ю. Человек: Социально-экологические аспекты здоровья. – Т.: Узбекистан, 1990.
42. Зиёмуҳаммедова Б. Экология ва маънавият. – Т.: Шарқ, 1997.
43. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Т.: Шарқ, 1998.
44. Исамуҳамедов X. Мамашокиров С. Экологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари. – Т., 1999.
45. Икромов Э. Ж., Ҳотамов А. А. Шахснинг экологик маданияти. – Т.: Тиббиёт, 2001.
46. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрат (Адаб дурданлари). – Т.: Ўзбекистон, 1990.
47. Игнатовская Н. Б. Природа как ценность культуры. – М.: Наука, 1987.
48. Иброҳимов А. Ўзбек маҳалласи. – Т.: Маънавият, 2007.
49. Иминова М. Маърифат йўли оиласдан бошланади // («Ўзбекистонда маънавият, маърифат, фан ва жамоатчилик фикри» мавзусидаги илмий амалий семинар материалларидан). – Т.; 2001.
50. Колчинский Э. И. Эволюция биосферы. – СПб: Наука, 1990.
51. Коган Л. Н. Цель и смысл жизни человека. – М.: Наука, 1987.
52. Кочергин А. Н. Марков Ю. Г. Экологическое знание и сознание. – Новосибирск. Наука, Сибирское отделение, 1987.
53. Каган М. С. Культура как объект философского исследования Роль духовно культуры в развитии личности. – СПб: Знание, 1979.
54. Кондратьева Т. С. К вопросу об определении понятие «глобализация» //Актуальные проблемы Европы. – 2000. – №4.
55. Кант И. Лекции по этике (1780-1782) Этическая мысль. Научно-публиические чтения. Москва. Политиздат., 1991.
56. Лисицын Ю. П. Образ жизни и здоровье населения. – М.: Медицина, 1982.
56. Мамашокиров С., Усмонов Э. Барқарор тараққиётнинг экологик хавфсизлик масалалари. – Т.: Фан, 2009.
56. Мамашокиров С. Вахимами ёки ҳакиқат? – Т.: Иқтисод-моялия, 2012.
57. Муисеев Н. Человек и ноосфера. – М.: Мол. гвардия, 1990.

58. Дохсов. Основи экологии. – М.: Прогресс, 1975.
59. Мустафоев С., Уроқов С., Сувонов Р. Умумий экология. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси нашриёти, 2006.
60. Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысл а Узбекистана. – Т.: АН Уз ССР, 1957.
61. Маритен Ж. Философ в мире. – М.: РОССПЭН, 1994.
62. Медоуз Д. Х., Медоуз Д. Л., Рандерс И. За пределами роста. – М.: Пангея, 1994.
63. Михеев В. Логика глобализации и интересы // России Pro et. Contro том. №4. Осень, 1999.
64. Мұхаммад Бөкір. Мақомати Хожа Нақшбанд. (Баҳовхуддин Балогардон). – Т.: Ёзувчи, 1993.
65. Мұминова З. Никоҳ шартномаси. Түйдан олдин тиббий күрик. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.
66. Жураев Н., Азизов Ш. Ижтимоий асарлар. – Т.: Ma'rifatmadadkor, 2003.
67. Норалиева Н. М. Узлуксиз таълим жараёнида экологик билим ва маданиятга оид фазилатларни шакллантириш мазмунни. Миллий гоя – юксак маънавиятли шахс камолотининг негизи //Миллий гоя илмий-тадқиқотларининг назарий-методологик асоси номли илмий тўплам. З- китоб. – Андижон, 2010.
68. Нигматов А. Экология: асосий атама ва ибораларнинг изоҳи лугати. – Т.: Ўқитувчи, 2002.
69. Навоий А. Ҳикматлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1968.
70. Очилова Б. Миллий-маънавий юксалишда мерос, қадриятлар ва ворисийлик. – Т.: Истиқлол, 2009.
71. Очилова Б. Табиатдан фойдаланиш – бу инсоннинг мақсадга мувофиқ йўналтирилган фаолияти сифатида //Фалсафа ва ҳуқук. – №4. – 2007.
72. Одум Ю. Экология. – М.: Наука, 1986.
73. Павлов К. Н. Наноэкология как перспективное научное направление: Проблемы, тенденции перспективы. – Мурманск: Ун-т, 2008.
74. Реймерс Н. Ф. Природопользование. – М.: Наука, 1990.

75. Рисолай Азиза. (Сабот ул-ожизин шарҳи). – Г.: Мерос, 2000.
76. *Руи Гансалес де-Клавихо*. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Темура. – М.: Наука, 1990.
77. Ромонов Ю. А. Художественность как способ выражения ценностного опыта // Социально-философские проблемы художественной культуры. – Л.: 1990.
78. Сорокин П. Тезисы социологии. Т. 1. – Сыктывкар, 1991.
79. *Сайд Хусайн Насир*. Взгляда мусульманских мастеров на природу. – Техран, 1964.
80. Суравегина И. Т. Основы общий экология. – М.: МДС, 1998.
82. Ўзбек совет энциклопедияси. 14- том. – Т.: ЎзССР ФА Ўзбек совет энциклопедияси, 1985.
83. Стадницкий Г. В., Радионов А. И. Экология. – М.: Высшая школа, 1988.
84. Токвиль А. Старые порядок и революция. – М.: Московский философский фонд, 1991.
85. Тимофеев И. Бируни. – М.: Молодая гвардия, 1986.
86. Тоффлер Э. Третья волна. – М.: АСТ, 1999.
87. Темур тузуклари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1996.
88. Философский энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1983.
89. Фейдимен Д., Фрейгер Г. Теория и практика личностно-ориентированной психологии. Т. 1 – М.: 1996.
90. Франкл В. Человек в поисках смысла. – М.: Прогресс, 1990.
91. Гуревич П. С. Феномен человека: Антология. – М.: Высшая школа, 1993.
92. Фромм Э. Здоровое общество // Психоанализ и культура. – М.: Юристъ, 1995.
93. Федосеев И. Н. Человек и природа в условиях научно-технической революции (социально-экологический аспект экологических проблем). – М.: Наука, 1982.
94. Ҳамраев У., Ҳакимов Р. Ўзбекистон экологик ҳаракати: саволлар ва жавоблар. – Т., 2009.

95. *Холматова М.* Оилавий муносабатлар маданияти ва соглом авлод тарбияси. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
96. *Ал-Бухорий. Ҳадис. (Ал-жомеъ ас-саҳиҳ).* І том. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.
97. *Ҳасанов С.* Хоразм маърифати – олам кўзгуси. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
98. *Ҳусайн Содиқий.* Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино Курозай табиат (тадқики ва муқаддима) // – Техрон, 1332-шамсий, 1372 хижрий-қамарий муқаддима.
99. *Ҳошимова Э. С.* Экология проблемасида глобал ва зонал муносабатлар диалектикаси. – Т.: Фан, 1986.
100. *Шапавалов В. Ф.* Основи философии от классики к современности. Учебное пособие. – М.: РОСПАН, 1998.
101. *Шайхова Х., Тиллаева Г.* Соғлом турмуш тарзи ва ёшлар камолоти. – Т.: Фалсафа ва хукуқ, 2008.
102. Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино Курозай табиат (тадқики ва муқаддима) доктор Ҳусайн Содиқий. – Техрон, 1332 шамсий, 1372 хижрий-қамарий муқаддима.
103. Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. – М.: Флинта, 2006.
104. Эргашев А., Эргашев Т. Экология, биосфера ва табиатни мухофаза қилиш. – Т.: Янги аср авлод, 2005.
105. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт модели. – Т.: Маънавият, 2005.
106. Яблоков А. В. Ядовитая приправа. – М.: Мысль, 1990.
107. Человек и общество. Современный мир /Под ред. М. Купцова. – М.: 1997.
108. Чориев А., Эшматов М. Экологик тарбия ва қишлоқ ёшлари-нинг камолоти. – Т., 1992.
109. Чумаков А. Н. Философия глобальных проблем. – М.: Знание, 1994.
110. Чориев А. Инсон фалсафаси. 2. Мустақил шахс. – Т.: Чинор ЕНК, 2002.

111. Юнг К. Проблемы души нашего времени. – М.: Прогресс, 1993.
112. Юсуф Ҳос Ҳожиб. «Қутадғу билиги». – Т.: Фан, 1971.
113. Юлдашева Ф. К. Проблеме глобальности и глобальное сознание // Философия и права. – №3. – 2008.

#### **IV. Мақолалар**

1. Ашрапов М. Экологик дүнәқараң // Экология хабарномаси (Экологический вестник). – №3 (54). – Т., 2005.
2. Жалолиддин Довоний. Ахлоқи Жалолий. – ЎзФА Шарқшунослик институтида сакланатган қўллэзма. Изв 7703.
3. Икромова Н. Орол экологик ва иқтисодий салоҳиятини тиклаш муаммолари// Иқтисодиёт ва таълим. – №2. – Т., 2003.
4. Исмоилов М. Табиатни асрасак бойиймиз// Иқтисод ва ҳисбот. – №1. – Т., 1998.
5. Матикова О. Талабаларда экологик мұхитни шакллантириш // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – №3. – Т., 2007.
6. Ниёзова Н. Экологик ва гигиеник маданиятни ривожлантиришнинг ҳуқукий-қонуний масалалари// Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – №3. – Т., 2005.
7. Орипов Ш. Глобаллашув, миллий кадриятлар ва ёшлиар// Фуқаролик жамияти. – №1 (13). – Т., – 2008.
8. Розиқов К., Розиқов Р. Атроф мұхит мұхофазасини таъминлаш, чиқинди моддалар муаммосини ҳал этиш чора-тадбирлари // Иқтисод ва таълим. – №2. – Т., 2005.
9. Собирова З., Толипов Б. Соғлом турмуш тарзи ва унинг ижтимоий зарурияты масалалари // «Ёшлиарнинг акмеологик қарашларини шакллантиришда соглом турмуш тарзининг ўрни» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008.
10. Собиров У. Экологик маданият шаклланиши тарихидан // Экология хабарномаси. – №3. – Т., 2005.

11. Тұланов М. Табиатни асраш – әнг мұхим іқтисодий-ижтимо-й масала// Үзбекистон іқтисодий ахборотномаси. – №4. – Т., 2002.
12. Тоғсиеев С. Дустмуродов Ж. Бизни үйлантираётган ташвишлар. (Экологик муаммоларнинг миллий муносабатлар билан боғлик жихатлари) // Иқтисод ва ҳисобот. – №10. – Т., 1993.
13. Тоғсиеев В. Жамият ва экологик маданият//Жамият ва бошқарув. – №3. – Т., 2007.
14. Э. Усмонов. Экологик муносабатларнинг глобаллашуви // Жамият ва бошқарув. – №2. – Т., 2007.
15. Холмүминов Ж. Актуальные проблемы и приоритетные направления эколого-правового образования в стране// Фалсафа ва хукуқ. – №3. – Т., 2008.
16. Юнусов К. Экологик маданиятнинг юксалишида нодавлат ташкилотларнинг иштироки. Миллий ғоя – юксак маънавиятли шахс камолотининг негизи//Миллий ғоя – илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси номли илмий тұпламанинг учинчи китоби. – Андижон: Андижон давлат университети, 2010.

## V. Докторлық диссертациялари

1. Мамашокиров С. Экологик фаоллик ва мастьулити шакллантиришда ижтимоий-сиёсий омилтарнинг роли: Фалсафа философи д-ри... дисс. – Т., 1997.

## VI. Авторефератлар

1. Бозорова Н. Ш. Тарабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари. Педагогика фанлари номзоди. дисс. – Карши, 2006.
2. Левинская В. О. Понятие, структура и функции экологической культуры. Дисс. канд. филос. наук. – Т., 2000.
3. Махмудова Ш. Л. Экологическая культура как омил гуманизации отношения общества к природе: Дисс.... канд. филос. наук. – Т., 1994.

4. Сайдова У. Г. Экологик маданият тарихи ва унинг ривожланиш босқичлари. Фалсафа фанлари номзоди... дисс. автореф. – Т., 2008.
5. Усмонов Э. М. Социально-философские проблемы интеграции экологической политики государств Центральной Азии в современных условиях. Автореф дисс... канд. филос. наук. – Т., 2006.
6. Худойназаров С. X. Шахс экологик онги ва маданиятини шакллантиришда бадий адабиётнинг роли. Фалсафа фанлари номзоди автореф. – Т., 2010.

## **МУНДАРИЖА**

**КИРИШ ..... 3**

### **I БОБ. ШАХСНИНГ ЭКОЛОГИК ДУНЁҚАРАШИ ҚАРОР ТОПИШИ МАСАЛАСИННИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

<b>1. 1- ё. Экологик дунёқарааш шаклланишининг тариҳий-ретроспектив асослари .....</b>	<b>7</b>
<b>1. 2- ё. Экологик дунёқараашнинг ижтимоий-фалсафий мазмуни ва намоён бўлиш шакллари.....</b>	<b>31</b>

### **II БОБ. ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР КЕСКИНЛАШАЁТГАН ДАВРДА ШАХС ДУНЁҚАРАШИ, МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

<b>2. 1- ё. Маънавий қадриятлар тизимида экологик дунёқараашнинг мақоми, ўрни ва роли.....</b>	<b>47</b>
<b>2. 2- ё. Миллий ва умуминсоний қадриятларда экологик дунёқараашнинг намоён бўлиш хусусиятлари .....</b>	<b>61</b>
<b>2. 3- ё. Экологик дунёқарааш нарадигмаларининг ўзгариш конуниятлари ва тенденциялари .....</b>	<b>77</b>

### **III БОБ. ЭКОЛОГИК ДУНЁҚАРАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ**

<b>3. 1- ё. Экологик дунёқараашни шакллантиришининг институционал тизимини такомиллаштириш масалалари.....</b>	<b>90</b>
<b>3. 2- ё. Шахсда экологик дунёқараашни ривожлантиришининг маънавий-маърифий вазифалари .....</b>	<b>110</b>

**ХУЛОСА ..... 128**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ..... 132**

**САВЛАВЕК КИСТАУБАЕВ**

**ЭКОЛОГИЯ ВА  
ШАХС ТАРБИЯСИ**

**«ТАФАККУР QANOTI»—ТОШКЕНТ—2013**

**Мұхаррир Ж. Құнишев**

**Техник мұхаррир Х. Сафаралиев**

**Бадий мұхаррир Х. Исмоішхұжасева**

**Сағифаловчи А. Құнишев**

---

**Нашриёт лицензияси А1 №168. 23.12.2009**

**Босинга рухсат этилди 11.12.2013. Бичими 60 × 84  $\frac{1}{16}$ .**

**«Times New Roman» гарнитураси. Офсет қозози.**

**Шартли б. т. 9,0. Нашр т. 9,0.**

**Адади 500 нұсха. Буюртма №.**

---

**E-mail: tafakkur-qanoti@mail.ru**

**«Tafakkur qanoti» нашриёти. Тел.: 945-50-87**


**Тошкент, І-тор, Мирсолихова күчаси, 13-үй.**

**Нашриёт манзили: Тошкент, Навоий күчаси, 30-үй.**

**Оригинал-макет «ТАФАККУР QANOTI» масъулияти чекланған жамияти  
техник ва дастурий воситалар базасыда тайёрланди ва чоп этилди.**

**Тошкент, Навоий күчаси, 30-үй.**

978-9943-382-74-9



A standard linear barcode representing the ISBN 978-9943-382-74-9. The barcode is composed of vertical black bars of varying widths on a white background.

9 789943 382749

*"Tafakkur qanoti"*